

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры



BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№4 (24)
2015



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ʻқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ʻқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Ниғматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Ҳалимов
Шўхрат Ҳақимов
Шўхрат Мустафаев

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлюба Аминжанова
Фахри Раҳимов
Миродил Боротов
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гўвоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ʻқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz

e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Бюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмаҳонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси, 7-уй.

М У Н Д А Р И Ж А

А.Мухаммадиев	Прокурор айблов нутқининг ахлоқий асослари	1
К.Рашидов	Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлашда доктринанинг қўлланиши: назария ва амалиёт	4
М.Миракулов	Мақсад — қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлаш	9
О.Утегенов	Жамоат экологик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг ўрни ва роли: миллий ва хорижий тажриба	12
В.Эргашев	Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигида шахсий фойдаланиш ҳуқуқи (узуфрукт)ни ривожлантириш масалалари	15
А.Нуридудлаев	Давлат бошқарув тизимини янада ислоҳ этиш — мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг муҳим омили	19
У.Холикулов	Влияние Конституции Республики Узбекистан на совершенствование уголовного законодательства	23
Т.Мадумаров	Микромолиявий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг баъзи масалалари	27
М.Нурматов	Ерга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилашнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари	31
У.Хусаинов	Давлат ҳокимияти тизимида ротация институти: тушунчаси ва моҳияти	35
И.Астанов	Мутахассиснинг жиноят процессуал фаолияти: муаммо ва ечим	38
Р.Хусаинова	Энергетика соҳасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни тадқиқ этишнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий масалалари	41
Ҳ.Воҳидов	Янги интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар	44
Қ.Худайбергенов, М.Мусаев	“Оммавий маданият” — маънавий таҳдиднинг хавфли кўриниши	48
А.Каримов	Фуқаролар соғлиғини сақлаш субъекти сифатида жисмоний шахс (фуқаро)ларнинг иштироки	51
Д.Сафаров	Экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликка оид халқаро ҳужжатлар ва уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш истиқболлари	54
Ф.Рамазанова	Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида жиноят процесси юритиш тартибини такомиллаштириш	58
М.Усманова	Пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари	62
Ш.Ғиёсов	Хорижий давлатларнинг ҳаётга қарши жиноятлар билан боғлиқ қонунчилигининг таҳлили	66
У.Ашуров	Совершенствование нормативно-правовых основ профилактики правонарушений и предупреждения преступности в Республике Узбекистан	70
И.Рустамбеков	Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси	75
Ш.Хамдамова	Децентрализация государственного управления: сущность и предпосылки развития	79
Янги китоблар		82

Аюб МУҲАММАДИЕВ,
Юристар малакасини ошириш маркази ўқитувчиси,
юридик фанлар доктори

ПРОКУРОР АЙБЛОВ НУТҚИНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

- ✦ Мақола жиноят ишлари кўрилишида прокурор айблов нутқининг ахлоқий асосларига бағишланган.
- ✦ Статья посвящена этическим основам обвинительной речи прокурора при рассмотрении уголовного дела.
- ✦ The article purpose the moral foundations of indictment prosecutor speech in the courts in criminal cases.

Таянч сўзлар: айблов нутқи, айблов нутқининг ахлоқий асослари, давлат айбловчиси, давлат айбловини қувватлаш, айбловдан воз кечиш, давлат айбловчисининг фикри, айбсизлик презумпцияси.

Ключевые слова: обвинительная речь, нравственные основы обвинительной речи, государственный обвинитель, поддержка государственного обвинения, отказ от обвинения, мнение государственного обвинителя, презумпция невиновности.

Key words: accusatory speech, moral foundations of indictment, state prosecutor, support of public prosecution, rejection of the charge, opinion of the public prosecutor, presumption of innocence.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 34-моддаси иккинчи қисмида прокурорнинг суд муҳокамасида қатнашиб, айбловни қувватлаш, унинг қонуний ва асослангандирлигини таъминлаш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифанинг амалга оширилиши фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилатганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этишида ўз аксини топади.

Судларда жиноят ишлари кўрилатганда прокурор давлат айбловини қувватлайди, айтиш сабабли прокурорга нисбатан давлат айбловчиси атамаси қўлланилади.

Давлат айбловчиси ўз нутқида суд тергов ишларини инobatга олиб, судланувчининг айб-

дор ёки айбдор эмаслиги тўғрисидаги ҳулосасини баён этади. Давлат айбловчиси бу ваколатини муваффақиятли бажариши учун музокара нутқида давлат айбловининг ўзига хос нозик томонларини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Бу борада давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инobatга олиб, ўз нутқида судланувчининг айбли ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги ҳулосасини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 457-моддаси талаблари асосида асослангандирлигини лозим. Шунингдек, ЖПКнинг 450-моддаси талабига кўра айбловнинг моҳияти юзасидан таклифларини судга ёзма равишда тақдим этиши мажбурийлиги белгиланган.

Айрим ҳолларда прокурорлар ўз фаолияти давомида айбловчи қўймоқдалар. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида: "Яна бир ўз ечимини кутаётган муаммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг барчасига тааллуқлидир. У ҳам бўлса, ушбу касбни танлаган айрим ходимларнинг махсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриш-ту-

риши, хулқ-атвори ўзгариб қолади. Уларнинг онгида "Биз давлатнинг ўта ишончли одамларимиз, қолганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос деган" кайфият пайдо бўлади. Бу, ахир, ўтмишга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик асорати эмасми? Давлат муассасалари, биринчи навбатда, прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қўлоғига қўйиб олсинки, улар ҳам мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Прокуратура ходимлари уларни назорат қилиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак"¹, — деб таъкидлаганди.

Прокурор суд музокарасида айблов нутқини ифодалар экан, ўзининг маданиятли, одоб-ахлоқли эканини намоён эта билиши керак. Ҳар қандай шароитда ҳам у музокарада иштирок этаётган томонлардан биронтасига дўқ-пўписа қилишга ҳақли эмас. Зеро, прокурор одамлар наздида давлат одами, давлат рамзи. Прокурорнинг қонунни ифодаловчи асосий қуроли сўз эканини унутмаслик керак ва у суд музокарасида давлат айбловчиси сифатида иштирок этганда, ўз нутқини мантиқан изчил, аниқ ва лўнда, зарур ўринларда расмийлик маъносига урғу бериб, чиройли ифодаласа, унинг нуфузи, обрў-эътибори янада ошади, сўзи таъсирчан бўлади.

Прокурор музокара нутқида фикрни фақат айблов доирасида ифодалар экан, айтиш вақтнинг ўзида ҳуқуқий маданият, одоб-ахлоқ тарғиботчиси эканини ҳам кўрсата олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Прокурор ўз нутқида жиноятнинг келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилиш билан бирга, судланувчининг шахсига, содир этилган жиноятга ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий баҳо бериши ҳам ижобий ҳислат саналади. Масалан, содир этилган жиноят инсон ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати-га нисбатан хавф солган экан, прокурор нутқида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган сиёсий, иқтисодий ва шахсий ҳуқуқлари ҳақида тўхталиши, мабодо, жиноят ўзгалар мулкани ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, ҳалоллик ва фойдали меҳнатнинг шарафи ҳақида тўхталиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат айбловчисининг барча хулосалари ва суд муҳокамасида таклиф қилаётган фикрлари қонунга ва суд терговидан исботланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларига асосланган бўлиши керак. Юридик баҳо аниқланган ҳақиқий ҳолатларга, қўлланилаётган қонун нормаларига мувофиқ бўлиши, яъни прокурор адолатли бўлиши лозим. Давлат айбловчисининг хатти-ҳаракати, унинг нуқтаи назари ахлоқий нормаларга таян-

ган ва уларга мос бўлиши керак. Прокурор фуқаро, жамият ва давлатнинг манфаатини ҳимоя қилади, давлат номидан иш юритади, шу билан биргаликда, ундан судланувчининг қонуний манфаатини, қадр-қимматини ҳимоя қилиш талаб этилади. Ўз вақтида А.Ф.Кони: "Прокурор оғир вазифасини бажара туриб, жамиятга хизмат қилади. Бундай хизмат унга жиддий ахлоқий интизом жорий қилинганда ҳамда жамият манфаати ва шахснинг инсоний қадр-қиммати бир хилда ғамхўрлик ва қўнғ билан муҳофаза қилингандагина фойдали бўлади"² — деган фикри нақадар тўғри экани исботланмоқда.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат айбловчиси — прокурор музокара нутқининг ахлоқий хусусиятини иш ҳолати бўйича у тутган нуқтаи назарнинг тўғрилиги, суд муҳокамасида ҳавола қилаётган хулосаларининг адолатлилиги белгилайди. Масалан, жиноятни содир этганликда айби исботланмаган шахсни жазолашни талаб қилаётган прокурор қонунга ҳурматсизлик қилган бўлади.

Прокурорнинг айблов нутқи, одатда, иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда мантиқий кетма-кетликда ифодаланадиган бир неча қисмдан тузилган бўлади. Одатда, у кўриб чиқилаётган ишнинг судланувчи айбланаётган жиноятнинг хусусиятли томонини ифодалашдан бошланади. Яқин-яқинларгача айблов нутқида жиноятга "ижтимоий-сиёсий" баҳо бериш мажбурий ҳолат деб қаралар, "ҳар бир айблов нутқининг зарурий элементи бўлиши лозим"³ деб ҳисобланар эди. Г.А.Васильеванинг фикрига қўшилган ҳолда бундай сиёсатлаштирилган тушунча ўрнига айблов нутқида судда кўрилаётган жиноят ишининг ҳуқуқий ва ахлоқий хусусиятларига, жиноят ишининг ўзига хос хусусияти ва жиноятнинг хавфлилиги даражасига баҳо беришга бағишланган қисмни бериш мақсадга мувофиқ бўлади⁴. Кўрилаётган ишнинг умумий тавсифи, унинг ўзига хос хусусиятлари объектив, ўзига мос бўлиши, бўрттириб ифодалаш ва муболағалардан холи бўлиши керак.

Давлат айбловчиси нутқида ишнинг ҳақиқий ҳолатини суд тергови натижасида аниқланганлиги тартибида баён қилади ва судланувчи муайян ҳаракатларни содир қилганини, унга қўйилган айбни тасдиқлайди, асослар бўлганида эса айбловдан воз кечганини билдиради. Прокурорнинг ҳуқуқий ва ахлоқий мажбурияти судланувчининг нимада айбдорлиги ҳақида судга таклиф қилаётган хулосаларининг ҳаққонийлигида ифодаланади. Агар суд муҳокамаси давомида судланувчига қўйилган айблов ўз исботини топмаса, прокурор айбловдан воз кечиш тўғрисидаги қонун талабига риоя қилишга мажбур.

Айблов нутқида асосий ўринни судда текширилган далилларнинг таҳлили, айбловнинг исботлангани ёки исботланмаганига тааллуқлиги ҳақидаги хулосаси эгаллайди.

Қилмишга юридик баҳо бериш прокурор айблов нутқининг элементларидан ҳисобланади ва у далиллар билан исботланган бўлиши, татбиқ қилинаётган моддий қонуннинг моҳиятини чуқур тушунишга асосланган бўлиши лозим.

Прокурор нутқида судланувчи шахсининг судда аниқланган фактларга асосланган тавсифи берилади ва у объектив бўлиши керак. Прокурор судланувчининг жазони енгиллаштиришга хизмат қиладиган ижобий-ахлоқий томонлари, кўрсатган яхши хизматлари, намунали хулқ-атвори ҳақида гапирмасликка ҳаққи йўқ.

Прокурор судланувчининг айбига пушаймон эмаслигини, ўзини айбдор деб ҳисобламаслигини, хоҳламаслиги сабабли саволларга жавоб бермаслигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашга ҳаққи эмас ва уларни нутқига қўшиш ахлоқ-одоб қоидаларига зид ҳисобланади. Прокурор судланувчини таърифлаётганда унинг учун айбсизлик презумпцияси мавжуд эканидан келиб чиқиши лозим, бинобарин, судланувчи оқланиши, айблов ҳукми бекор бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли судда аниқланган ва суд терговида текширилган фактларгагина асосланиб, айблов нутқини тузиши, жазо чораларини асослашда судланувчининг жазони оғирлаштирадиган ҳолатлардан ташқари енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳам келтириши лозим.



¹ И.Каримов. Адолат — қонун устуворлигида. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Тошкент: Ўзбекистон, 2002.

² Кони А.Ф. Собр. соч. Т.4. -М., 1967. -С.62-63.

³ Проблемы судебной этики / Под. ред. М.С.Строговича. -М., 1974. -С.227.

⁴ Васильева Г.А. Профессиональная этика юриста. Учебно-методический комплекс по дисциплине. -Челябинск: 2005. -С.98-99.

Комил РАШИДОВ,
юримдик фанлар доктори, профессор

ЧЕТ ЭЛ ХУҚУҚИ НОРМАЛАРИ МАЗМУНИНИ АНИҚЛАШДА ДОКТРИНАНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

- ◆ Мақолада чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлашда доктринанинг қўлланиши масалалари ёритилган.
- ◆ В статье изложены вопросы применения доктрины при определении сущности норм иностранного права.
- ◆ The article describes the issues of application of the doctrine in determining the nature of foreign law.

Таянч сўзлар: доктрина, халқаро хусусий ҳуқуқ, коллизия, инвестиция, чет эл элементи, статут, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар, суд қарорлари, урф-одат ва таомиллар

Ключевые слова: доктрина, международное частное право, коллизия, инвестиция, иностранный элемент, статут, нормативно-правовые акты, договора, судебные решения, обычаи и ритуалы.

Key words: doctrine, private international law, conflict, investment, foreign element, statute, regulations, contracts, judgments, customs and rituals.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатаптики, халқаро хусусий ҳуқуқ ҳам умуман ҳуқуқ каби доктринал ўлчовга эга эканлиги билан ажралиб туради. Ушбу фикр Фуқаролик кодексининг 1160-моддасида акс эттирилган. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ "Чет эл ҳуқуқини қўлланишда суд ёки бошқа давлат органи унинг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий давлатда расмий талқин этилиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофиқ аниқлайди".

Қайси ҳолатда Ўзбекистонда суд ёки бошқа давлат органи хорижий давлат ҳуқуқи нормалари мазмунини белгилашга киришади? — деган табиий савол туғилади. Бундай ҳолат, масалан, ташқи иқтисодий битим тузилиши асосида вужудга келиши мумкин. Ҳакамлик изоҳига мувофиқ ушбу битим субъектлари низони кўриб чиқиш жойи хусусида Ўзбекистон Республикаси судини кўрсатишган (*lex fori*), бунга эса Фуқаролик кодексининг 1158-моддаси бўйича ташқи иқтисодий битим тарафлари мамлакатимизда хорижий давлатнинг ҳуқуқ нормалари қўллани-

лишини белгилаб олиши учун изн беради. Чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган: "Суд қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди" (12-модда).

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига оид бошқа (чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик, оилавий, процессуал-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи) кодексларида доктрина тушунчаси ҳуқуқ манбаи сифатида тилга олинмайди.

Амалий тажрибадан аёнки, халқаро нормаларда, масалан, БМТ Халқаро суди статути (Халқаро суд юрисдикцияси Ўзбекистон томонидан тан олиниши билдирилмаган)нинг 38-моддасига мувофиқ, Халқаро суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ манбалари сифатида оммавий ҳуқуқ соҳасининг "объектив талаб этилган тартибда турли миллатларга мансуб" энг малакали мута-

хассисларининг доктриналари қўлланилиши қабул қилинган.

Бинобарин, Фуқаролик кодекси 1160-моддасининг мазмунига мувофиқ, чет эл доктринаси қонун чиқарувчи томонидан хорижий давлат ҳуқуқининг манбаси сифатида баҳоланади, бироқ миллий доктрина уни Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий ҳуқуқининг на асосий, на ёрдамчи манбаси сифатида қабул қилмайди.

Юридик адабиётларда доктрина "ҳуқуқ доктринаси", "юридик доктрина" ёки "ҳуқуқий доктрина" деб аталган. Аслида, барча ҳолатларда кенг маънодаги доктрина ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳуқуқий ҳодисалар моҳиятини ўрганишга ва ҳуқуқни амалий нуқтаи назардан такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида шаклланивчи ҳуқуқ мафқураси, ҳуқуқ концепцияси ёки ҳуқуқ тўғрисидаги новеллестик илмий тасаввурларни англатади.

Мамлакатимизнинг махсус қонунчилиги доктрина тушунчасини давлат сиёсати сифатида белгилайди. Масалан, "Ҳарбий доктрина Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади ва миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига мутлақо янгича ёндашувларга асосланади"¹.

Ҳуқуқий доктрина давлат мафқурасининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқий мафқура кўринишида ифодаланади. Мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"ни келтириш мумкин.

Одатда, ҳуқуқ доктринаси бу расмий, давлат ёки халқаро даражада тан олинган ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган фикрлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, доктрина дарсликлар ва монографиялар, қонун ҳужжатларига берилган шарҳлар, расмий органлар ва мансабдор шахсларнинг сўровларига берилган жавоблар воситасида шаклланиши мумкин.

Оғзаки шаклдаги ҳуқуқ доктринаси классик даврга оид Рим хусусий ҳуқуқида кенг қўлланилган, бунда претор, муҳокамага таклиф этилган обрўли ва юқори мавқега эга бўлган ҳуқуқшунос томонидан билдирилган фикрга таянган ҳолда, низоларни ҳал қилар эди. А.А.Васильевнинг фикрига кўра, дунёдаги аввалги ёки ҳозирги барча ҳуқуқий тизимлар учун бирламчи манба сифатида ҳуқуқшунослик фани пайдо бўлган даврнинг ҳуқуқий доктринаси хизмат қилади².

Лекин барча маърифий давлатларда "ихтилофлар ҳуқуқи" (*jus contraversum*) мавжуд эканлигини, яъни олимлар битта масала бўйича турлича фикр билдиришлари мумкинлигини ҳисобга олиш

керак. Агар доктрина амалий аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда ҳуқуқшунослар билдирган фикрларни танлашда давлат органларига эркинлик тақдим этилади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, ҳуқуқий доктринанинг мавжуд бўлиш зарурати одамларнинг ўзаро муносабатларидаги барқарорлик ва тартибга бўлган ижтимоий эҳтиёж билан белгиланади. Ҳуқуқий доктринанинг ижтимоий кадр-қиммати одамларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишига бўлган эҳтиёжларини қониқтириш имкониятларида намоён бўлади (А.А.Васильев).

Айнан шу мазмунда тадқиқотчилар ҳуқуқий доктринанинг афзаллигини қайд қиладилар. Хусусан, айрим мамлакатларда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ёзма манбалар етарлича бўлмаган ҳолатларда ҳуқуқий доктринадан фойдаланишга йўл қўйилади. Масалан, Буюк Британия, АҚШ, Шарқнинг ислом давлатлари, Хитой, Ҳиндистон ва Исроилнинг ҳуқуқий ва диний-ҳуқуқий адабиётларида ҳуқуқий доктринанинг умуммажбурий тусга эга эканлиги қонунчилик ёки судлар томонидан расмий тарзда белгиланган.

Шу билан бирга, ҳуқуқий доктринанинг иррационал сифати ҳам кўрсатиб ўтилади. Жумладан, агар ҳуқуқий доктрина мафқура билан ўзвий боғланган бўлса, у ҳолда у муайян гуруҳлар ёки шахсий манфаатларни ҳимоя қилиш воситасига айланиб қолиб, адолатсизликларга олиб келиши мумкинлиги эътироф этилади³.

Фуқаролик кодексининг 1160-моддаси биринчи қисмидаги ҳуқуқий нормалар мазмунини аниқлаш тўғрисида сўз юритилганида, фикримизча, ҳуқуқни қўллайдиган давлат органи амалий эҳтиёжларни (ҳуқуқни талқин қилиш, ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолатлар учун ишни ҳал қилиш принципларини излаш каби) ҳал қилиш учун ҳуқуқий доктринага, унинг принциплари ва қадриятларига фақат қонунчиликнинг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда мурожаат қилиши мумкин. Т.Н.Нешатаеванинг фикрича, "чет эл фуқаролари, чет эл шахсларининг процессуал ҳолати, халқаро судловга тааллуқлилик, суд далиллари, хорижий давлат суди ва ҳакамлик институти қарорларини тан олиш ва ижро этиш масалалари бўйича қонунчиликдаги кўп сонли бўшлиқларни халқаро қонун ёки ҳуқуқ ўхшашлиги тартибида тўлдиришда назарий тадқиқотлар билимларнинг ўта муҳим манбаси ҳисобланади". Ҳ.Раҳмонқулов Фуқаролик кодексининг 5-моддасига шарҳ бераркан, фуқаролик қонунчилигида қонун ва ҳуқуқ ўхшашлигининг қўлланилиши муҳим аҳамият касб этишига алоҳида тўхтатилиб, "қонун ва ҳуқуқ ўхшашлиги авваллари фақат фуқаролик-процессуал қонунчилигида назарда тутилди", деб таъкидлайди.

Юридик адабиётларда "халқаро хусусий ҳуқуқ учун доктрина (ҳуқуқ мафқураси) манба сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Сабаби, унинг тан олиши натижасида доктринани манба сифатида қабул қилмасликка асосланган ҳуқуқий тизимга мансуб халқаро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган айрим субъектлар ҳуқуқ ҳимоясининг миллий андозаларига ўхшаш, мутаносиб ва етарли даражадаги ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб қоладилар", — деган фикр учрайди. Айрим тадқиқотларда "ҳуқуқий доктринани ҳуқуқ манбаи сифатида қонунчиликда кўрсатилиши мақбул эмаслиги" ҳам кўрсатилади. Ушбу ҳолатни қонунчилик ва халқаро хусусий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Фуқаролик кодексидagi 1160-модданинг "чет эл ҳуқуқини қўлланишда суд ёки бошқа давлат органи унинг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий давлатда расмий талқин этилиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофиқ аниқлайди" кўринишида ифодаланган биринчи қисми мазмунидан кўринадики, чет эл ҳуқуқи мазмунини белгилаш учун юридик доктрина зарур. Демак, миллий қонун чиқарувчи доктринага нисбатан бошқа функцияни назарда тутмайди. Бунда қонун чиқарувчининг қонунни қўллаш юзасидан қатъий талабини назарда тутиш лозим. Яъни "чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек тарафларнинг келишуви асосида белгиланади" (Фуқаролик кодекси, 1158-модда, 1-қисм). Кўришиб турибдики, модда матнида "доктрина" атамаси йўқ. Демак, суд ёки бошқа давлат органи хорижий давлатнинг халқаро хусусий ҳуқуқ нормаси мазмунини аниқлашда, биринчи навбатда, Фуқаролик кодексининг 1158-моддаси ва Фуқаролик процесуал кодексининг 12-моддаси мазмуни бўйича доктринани ҳуқуқ манбаси сифатида тан олиниши тўғрисидаги ҳолат мавжуд бўлмагани сабабли суд ўз миллий ҳуқуқий тартибини қўллайди.

Бошқача айтганда, қонун чиқарувчининг талаби бўйича суд ёки бошқа давлат органи хорижий юридик нормалар мазмунини аниқлашда халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида таниқли хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг илмий асосланган ишларини чуқур ўрганишни тавсия этади.

Таъкидлаш лозимки, халқаро хусусий ҳуқуқнинг шаклланиши, қарор топиши ва ривожланишида айнан қиёсий ҳуқуқшунослик, қиёсий ва тизимли таҳлил муҳим аҳамиятга эга бўлган. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг замонавий кодификацияларида,

илмий тадқиқотларда доктрина халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбаи сифатида эътироф этилган. Айрим муаллифлар (В.Д.Дождев)нинг фикрига кўра, ҳуқуқ доктринаси халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари рўйхатига "ҳуқуқий тартибга солувчи восита" сифатида киради. Мисол учун, Перу Фуқаролик кодексининг 2047-моддаси қуйидаги қондан белгилайди: "Хорижий ҳуқуқ тизимлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар мазкур Кодексдаги нормалар асосида халқаро шартномаларга мувофиқ аниқланади. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасида қайд этилган принциплар ва мезонлар қўшимча тарзида қўлланилишига йўл қўйилади".

Тадқиқотларда қонунчилик ва суд амалиётида бу соҳадаги ҳал қилинмаган масалалар муҳокама қилинган ва улар юзасидан муайян ечимлар таклиф қилинган. Масалан, илгари юридик шахснинг "миллати" устав рўйхатдан ўтказилган жой ёки тижорат ташкилоти жойлашган ери асосида белгиланарди. Бироқ бу қондалар трансмиллий корпорацияларнинг шахсий қонунини аниқлашда яроқсиз бўлиб қолди. Ривожланаётган мамлакатлар муаллифларининг назарий ишланмаларида юридик шахс мақомини тижорат ташкилотининг асосий фаолияти юритилаётган мамлакат қонунчилиги асосида белгилаш таклиф қилинди. Аввалроқ европалик олимлар юридик шахс миллатини белгилашда унинг эгаларининг шахсий қонунларига асосланиш лозим, деган ғояни илгари суришган эди. Вақт ўтиши билан ушбу доктринал ишланмалар суд амалиётида қўлланила бошлади, кейинчалик эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилди. Ушбу илмий ишланмалар ва чет эл соҳа қонунчилигини таққослаб, айтиш мумкинки, Фуқаролик кодексининг 1175, 1176 ва 1177-моддалари кўпгина мамлакатларда бўлгани каби юридик шахс қонуни, унинг фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиш қобилияти ва чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятига нисбатан халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ келади.

Адабиётларда аввалги давр амалиётига хос ҳолатлар, яъни қарорнинг асословчи қисмида суд томонидан юриспруденция бўйича илмий ишларга ҳавола қилиниши хрестоматик мисол сифатида келтирилади. Масалан, Ташқи савдо бўйича ҳакамлик комиссияси қарорининг асословчи қисмида Л.А.Лунц таҳрири остида нашр қилинган "Халқаро хусусий ҳуқуқ" ўқув курсида, Дж.Фальконбридж ва А.Баттифоль ишларига ҳаволалар қилинган⁴.

Бошқа мисол: суд қарорларининг бирида судья Сидней Штайн (АҚШ) қарорнинг асословчи қисмида ўз хулосаларининг асосланиши сифатида Товарларнинг халқаро олди-сотдиси бўйи-

ча шартномалар тўғрисидаги 1980 йилги Вена конвенциясининг қўлланиши ва талқин қилиниши бўйича Германия, Буюк Британия, Канада, Франция ва бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан бажарилган илмий ишлардан иқтибослар келтирган.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидаги ҳолат кайд этилади: "Нуфузли ҳуқуқшунос олимларнинг шарҳлари ҳуқуқ манбаси ҳисобланиши лозим" (МДХ иштирокчилари ҳисобланган давлатлар учун намунавий Фуқаролик процессуал кодекси концепцияси ва тузилмаси тўғрисида). Турли мамлакатларнинг юқори малакали ва обрўли ҳуқуқшунослари томонидан билдирилган жамоавий фикрлар Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси ва Халқаро ҳуқуқ институти каби халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида, шунингдек, айрим ҳолларда, БМТнинг Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссияси ва бошқа нодавлат ташкилотлар томонидан тайёрланадиган лойиҳаларда келтирилади. Хусусий ҳуқуқ унификацияси бўйича халқаро институт (Рим), Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияларининг ишланмалари кўпгина халқаро битимлар учун асос бўлиб хизмат қилади ва аксарият миллий қонун чиқарувчилар томонидан турли давлатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини такомиллаштиришда қўлланилади⁵.

Баён этилганларнинг тасдиғи сифатида давлатлараро суднинг доктринал таърифланишлар, категориялар ва классификацияларга ҳаволаларга асосланган қарорини келтириш мумкин. Мисол учун, МДХ Иқтисодий судининг (Ўзбекистон унда иштирок этмайди) 2002 йил 15 декабрь 01-1/3-2001-сон қарорида доктринага ҳавола қилиб⁶, доктринал ҳолатни қуйидаги қарорга асос қилиб олган: "Миллий қонунчилик доимий истиқомат жойи деган тушунчани белгилаб бермайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасида ушбу тушунча "ҳаётий алоқалар жамланган, мавжуд бўлиш маркази" деб талқин этилади. Демак, муайян давлат фуқароси бўлмай туриб, ушбу давлатда истиқомат қилувчи турмуш ўртоғининг доимий яшаш жойи тўғрисидаги қарор суд томонидан "ҳаётий алоқалар жамланмаси"ни тавсифловчи барча ҳолатларнинг (фарзандлари у билан бирга яшаши, доимий иш жойи, ушбу манзил бўйича истиқомат қилишининг муддати, истиқомат учун берилган гувоҳноманинг мавжудлиги ёки йўқлиги ва ш.к.) аниқлаштирилиши асосида қабул қилинади".

Хуллас, умумий мазмунга эга ҳуқуқий доктрина ва халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш юзасидан қуйидаги хулосаларни билдираемиз.

Профессионал ҳуқуқшунослик муҳитида доктринанинг ҳуқуқий мақомига нисбатан турлича илмий мулоҳазалар шаклланган бўлиб, улар юридик илм, суд амалиёти, дин, умумий принциплар

ва бошқа манбаларга, шунингдек, ҳуқуққа оид манбаларга таянади. Бироқ амалиётда функционал жиҳатдан доктринани қўллаш бўйича кўплаб муаммолар вужудга келмоқда.

Мамлакатларнинг аксариятида юридик доктрина давлатнинг норма ишлаб чиқиш фаолиятининг натижаси ҳисобланмайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шартномаларда, суд қарорларида, урф-одат ва таомилларда акс эттирилмайди. Ҳуқуқнинг умумий назарияси нуқтаи назаридан доктрина ҳуқуқ тизимининг мустақил элементи сифатида кўрилади. Доктрина ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга бевоқиф татбиқ этиш учун ёрдамчи тусга эга ҳуқуқ манбаси сифатида кўрилади. Бироқ, Ўзбекистон ҳудудида чет эл элементи иштирокидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда Конституция ва қонунлар ҳуқуқ манбаи сифатида устувор аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Таъкидланадигани, суд ўз хулосаларини асослаш учун юридик соҳадаги илмий ишларга ҳавола қилмайди ва ҳуқуқшунослик фанини ҳуқуқ манбаси сифатида тан олмайди. Аксарият давлатларда миллий суд доктринанинг ягона мақомга эга бўлмагани сабабли қарорлар чиқаришда доктрина ва халқаро институтлар амалиётига ҳавола қилиш масаласида иккиланади. Суд ўз фаолиятида суд амалиётида учрайдиган қонун ҳужжатларини қўллашда ёки мавжуд ҳуқуқ нормалари бўйича ўз талқинини тасдиқлаш мақсадида ёхуд ҳуқуқ нормаларидаги айрим бўшлиқларни тўлдириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини қўллашга оид илмий асосланган тавсиялардан (аниқ муаллифларни кўрсатмаган ҳолда) фойдаланадилар. Бунда қонун ҳужжатларини қўллаш ёки такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган доктрина суд томонидан ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, ижтимоий ҳаёт шароитлари, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий саводхонликнинг юксаклиги даражаси эътиборга олиниб қабул қилинади. Ушбу ғоя Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 81-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди ҳузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгашлари тузилади. Уларнинг вазифасига суд амалиётида келиб чиқадиган қонун ҳужжатларини қўллашга доир масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш киради", дейилган. Юридик адабиётларда кайд этилаётган фикрларга кўра, ҳуқуқ манбаси сифатида хизмат қилаётган ҳуқуқий доктрина, агар унда жамият, давлат ва шахс манфаатларига нисбатан адолатсизликларга йўл қўйилаётган бўлса, ҳуқуқий тартиб учун маълум даражада хавф туғдириши мум-

кин. Бу каби ҳолатларни ҳуқуқий доктринанинг тўлиқ ёритилмагани, мавҳумлиги билан изоҳлаш мумкин, натижада бир хил, типик юридик ҳолатлар бўйича турлича ечимлар чиқарилиши, чалкашликлар вужудга келиши, ижтимоий тартибга путур етказилиши мумкин.

Қонун чиқарувчи томонидан хорижий ҳуқуқий доктринага нисбатан Фуқаролик кодексига ўзига хос "ёрдамчи" функция белгиланган. Унга кўра, суд ёки бошқа давлат органи чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушунтиришлар сўраб Адлия вазирлигига ва бошқа ваколатли миллий органлар ҳамда муассасаларга, шу жумладан чет элдаги органлар ва муассасаларга мурожаат этиши ёхуд экспертларни жалб қилиши мумкин. Суд хорижий субъект иштирокида чет эл ҳуқуқи нормаси асосида ишни кўриб чиқаётганида чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида кўйидаги ҳуқуқий конструкция, яъни суд қўллайдиган зарур триада — расмий талқин, қўллаш амалиёти ва қонун билан тасдиқланган доктринадан ишни ҳал қилишда фойдаланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ва ҳуқуқ ўхшашлигини истисно қилганда, "халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси орқали эълон қилинган принциплар ва мезонлар" ҳуқуқ манбаи сифатида кўрилмади. Демак, халқаро хусусий ҳуқуқдаги қонун ва ҳуқуқ ўхшашлигининг асосий функциялари, аксарият ҳуқуқшунос олимлар томонидан таъкидланганидек, бу бўшлиқларни тўлдириш, коллизия нормаларнинг мослигини аниқлаш, муносабатлар моҳиятининг қонунийлик принципи билан реал алоқасини талқин қилишдан иборатдир.

Ушбу фикрлардан келиб чиқадики, суд ёки бошқа

давлат органи чет эл ҳуқуқий нормаси иш учун аҳамияти тўғрисидаги барча ҳуқуқий ва назарий манбаларни аниқлаб ўрганганидан кейин (яъни миллий ва чет эл манбалари) Фуқаролик кодекси 1160-моддасининг 1-қисми бўйича мазкур кодекснинг 1158-моддаси ва Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасини қўллаб қарор чиқариш масаласини кўриб чиқиши мумкин бўлади.

Фуқаролик кодексининг 3-моддасида келтирилган "бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт" деган талабдан келиб чиқиб, шунингдек Фуқаролик кодекси 1160-моддасидаги доктрина тушунчаси бўйича Фуқаролик, Фуқаролик процессуал кодекси ва Ҳўжалик процессуал кодексининг айрим моддаларида тегишли юридик боғланишлар йўқлигини эътиборга олган ҳолда ушбу кодекслардаги суд томонидан чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш қисми чуқур ўрганилиши лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш учун олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда, қонун лойиҳасини албатта атрофлича муҳокама этиш шарт". Умуман, ҳуқуқий доктринанинг энг муҳим вазифаси бу ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, тинчлик, барқарорлик ва адолатни таъминлашдан иборатдир. Ҳуқуқшунослик фани ва суд амалиётининг ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатаяптики, вақт ўтиши билан юқори малакали ҳуқуқшунос олимларнинг илмий нуқтаи назарлари, охир-оқибатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қарорларининг таркибий қисмига айланиб қолади ёки умум-этироф этилган хулқ-атвор қоидалари сифатида қўлланилади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 105-1-сон қарори билан тасдиқланган) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 180-модда.

² Васильев А.А. Правовая доктрина — источник российского права: теоретические вопросы // ЕврАзЮж. 2009. -№7.

³ Алексеев С.С. Тайна права. Его понимание. Назначение. Социальная ценность. -М., 2001. -С.43.

⁴ Д.Ф.Рамзаев. Применение международного частного права в решениях Внешнеторговой арбитражной комиссии при Всесоюзной торговой палате (Информационный обзор). Секция права Всесоюзной торговой палаты: Сборник информационных материалов. Вып. 23. -М., 1970.

⁵ Фуқаролик процесси, расмий ҳужжатларни легаллаштиришнинг соддаллаштирилган тартиби (апостиль) ҳақидаги ва бошқа Гаага конвенцияларига Ўзбекистон қўшилган.

⁶ "Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Конвенциянинг 28-моддаси 1-б. ва 20-моддаси 1-б.ларини талқин этиш бўйича (Минск, 22 январь 1993 й.).

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар номзоди

МАҚСАД — ҚОНУНИЙЛИККА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Биз қонунни хурмат қилиш, унга бўйсунуш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

И.КАРИМОВ

- ◆ Мақолада прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ва уларнинг аҳамияти таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проанализированы внесенные в законодательство изменения и их значение по совершенствованию правовых основ деятельности органов прокуратуры.
- ◆ In the article was analyzed the changes which were made in legislation and their significance on developing of the legal basis of the prosecutors' office's activity.

Таянч сўзлар: Президент, Бош прокурор, қонун, қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари.

Ключевые слова: Президент, Генеральный прокурор, закон, законность, права и свободы граждан.

Key words: President, General Prosecutor, law, rule of law, human rights and freedoms.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат органлари фаолиятида қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган қонунчиликка риоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллашнинг бир хилдаги амалиётини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2015 йил 11 августда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунидаги бир қатор нормалар ҳам айнан шу мақсадга йўғрилгандир.

Мазкур қонун 12 моддадан иборат бўлиб, унга кўра, 5 та кодекс ва 6 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди¹. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишларни амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги ишлари дастури тўғрисида"ги 2014 йил 25 июндаги Ф-4305 сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Сўз 2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси биринчи қисми 16-бандига киритилган ўзгартишни амалга ошириш механизмлари ҳақида бормоқда. Ушбу ўзгартиш ижро ҳокимияти органларининг мустақиллигини таъминлаш ва айнаи дамда масъулиятини кучайтиришга хизмат қилиб, давлат бошлиғи аввалгидек ҳар қандай ҳужжатни эмас, бал-

ки қонун ҳужжатлари нормаларига номувофик бўлганинигина тўхтатиши, бекор қилиши белгиланган эди. Эълон қилинган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни 14-моддасига қўшимча киритилиб, давлат бошлиғи томонидан республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун ҳужжатлари нормаларига номувофик бўлган ҳолларда тўхтатиш, бекор қилиш конституциявий ваколатини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Маълумки, амалдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги" деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдор эканлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида — мунтазам равишда; ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида — зудлик билан; прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида — ҳар олти ойда ахборот тақдим этиши белгиланган.

Эндиликда мазкур моддага яна иккита қисм киритилди. Унга кўра, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофик бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақлифлар киритади". Яъни, ҳар қандай текширув эмас, балки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширув бўлгандагина, шунингдек, қонун ҳужжатлари нормаларига номувофик бўлган ҳужжатлар аниқлангандагина давлат бошлиғига бундай тақлиф киритилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари деганда Конституциянинг 94-моддасида белгиланган фармон, қарор, фармойиш шаклида ифодаланган ҳужжатлар тушунилади. Давлат бошқаруви органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 3358-сон Фармонида кўра: вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, кўмиталар, марказлар ва инспекциялар киради.

Қонун ҳужжатлари нормаларига мослиги масаласи "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 7, 16-моддаларида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва

қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас. Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Қонунга киритилган яна бир қўшимчага мувофиқ "Давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақлифлар киритиши мумкин". Бунда эътиборли жиҳати шундаки, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқларини эмас, балки конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган ҳолларидагина мазкур норма татбиқ этилиши мумкин. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари энг асосий, энг муҳим фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлардир. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар конституциявий тарзда мустаҳкамланиб, олий юридик муҳофазага олинади. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар борасидаги ҳуқуқий муносабатлар фуқаро ва давлат ўртасида вужудга келиб, давлат зиммасига ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва муҳофазалаш мажбуриятини юклайди.

Ҳар икки ҳолда ҳам Бош прокурор Ўзбекистон Республикаси Президентига "тақлиф" киритиши ҳақида сўз бормоқда. Бу жуда ҳам тўғри қўлланган бўлиб, давлат бошлиғига ҳисобдор орган мақомига мос келади.

Мазкур ваколат айнан прокуратура органлари зиммасига юклатилгани бежиз эмас, албатта. Чунки биринчидан, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир. Иккинчидан, мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фу-

қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Учинчидан, қонуннинг 5-моддасига кўра прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принципларидан бири мустақилликдир. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадilar. Прокуратура органларининг фаолиятига аралаштириш тақиқланади. Яъни улар фаолияти текшириладиган давлат бошқаруви органлари ва ҳокимлардан мустақилдирлар.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4636-сон Фармонини эслатиш ўринлидир. Мазкур ҳужжатга асосан қонунийликни таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ноқонуний ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўймаслик тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари мансабдор шахсларининг идоравий меъёрий ҳужжат ижодкорлиги борасидаги масъулиятини кучайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибда Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси тuzилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан

қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш каби вазифалар фармонда Бош бошқарманинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш лозимки, фармонда Бош бошқармага юкланган вазифалар қабул қилинган қонун моҳиятига мантқан хизмат қилади.

Албатта, мазкур қўшимчалар давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ва ҳокимлар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонунийлиги бўйича масъулиятни янада оширади. Чунки давлат бошлиғи нафақат ушбу ҳужжатларни тўхтатиш, бекор қилиш ваколатига, балки давлат бошқаруви органларининг раҳбарларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимдан озод этиш, Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимдан озод этиш каби таъсир воситаларига эга.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни 14-моддасига киритилган қўшимчалар, бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили сифатидаги конституциявий ваколатини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, прокуратура органларининг қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдек конституциявий ваколатларини янада самарали таъминлашга, қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Онгарбай УТЕГЕНОВ,
Қорақалпоқ Давлат университети проректори,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

◆ Мақолада жамоат экологик назорати субъекти сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид миллий ва хорижий тажриба қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

◆ В статье проведен сравнительно-правовой анализ национального и зарубежного опыта по определению правового статуса граждан в качестве субъекта общественного экологического контроля.

◆ In the article national and foreign practice on the establishing of legal status of citizen's as the major subject of public ecological control is comparative-legally analyzed.

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти, жамоатчилик, жамоат экологик назорати, фуқаро, фуқаро назорати, жамоатчи инспектор, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Ключевые слова: гражданское общество, общественность, общественный экологический контроль, гражданин, гражданский контроль, общественный инспектор, органы самоуправления граждан.

Key words: civil society, public, public ecological control, citizen, citizen's control, public inspector, self-government bodies.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жамоат назоратини амалга ошириш субъектларининг муҳим гуруҳини ташкил қилади. Фуқароларни ҳуқуқ субъекти сифатида тавсифлайдиган асосий ҳуқуқий хусусиятлар уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатларида акс этади. Шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати тенг равишда эътироф этилади. Экологик ҳуқуқ лаёқати фуқароларга ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида турли хил ҳуқуқий муносабатларга киришининг юридик имкониятини беради.

2013 йилда "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши¹, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори асосида "Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги ҳамда "Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида"ги намунавий низомлар тасдиқланиши билан фуқароларнинг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари қатъий белгилаб берилди².

Хусусан, юқоридаги қонуннинг 17-моддасида фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги 7 та ҳуқуқи мустаҳкамланган. Гувоҳи бўлганимиздек, фуқароларнинг бу борадаги ваколатлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига (12 тадан) нисбатан камроқ ва айни вақтда ваколатлар мазмуни ҳам фарқланади:

биринчидан, фуқаролар жамоат экологик назоратининг юқорида кўрсатилган субъектларига тегишли бўлган қуйидаги ваколатларни амалга ошира олмайди: 1) жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш; 2) махсус ваколатли давлат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, хўжалик юритувчи субъектларга давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда ўз вакилининг кузатувчи сифатида иштирок этиши тўғрисида таклифлар киритиш; 3) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва

карирнинг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари қатъий белгилаб берилди².

ва тузатади, барча ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилишда қатнашади ҳамда ушбу қарорларга таъсир этиш реал имкониятига эга бўлади⁶. Бизнингча, ушбу таъриф ҳаддан зиёд кенг бўлиб, фуқаро назорати имкониятларини ҳисобга олмайди ҳамда уни жамоат назорати билан маънодош институт сифатида қўллайди.

Таъкидлаш лозимки, фуқаро назорати атамаси остида кўп ҳолларда фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги иштироки, яъни кўпроқ маҳаллий аҳамиятдаги, маиший масалаларни ҳал қилишдаги иштироки, яъни фуқаро назоратининг энг дастлабки шакли тушунилади. Бироқ назаримизда А.А.Гончаров таъкидлаганидек, фуқаро назорати янада кенгроқ маънода, фуқаролик жамияти давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда қатнашадиган, уни амалга ошириш жараёнини назорат қиладиган, барча даражадаги ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда иштирок этадиган ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилиши мақсадга мувофиқ⁷.

Таъкидлаш лозимки, фуқаро назорати "фуқаролик жамияти" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ривожланаётган мамлакатларда ҳозирги вақтда фуқаролик жамияти институционализация босқичини ўтмоқда, фуқаролик жамияти шаклланиши, ўз навбатида, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки анъанага айланишини англатади. "Фуқаро назорати" воқелиқда фуқаролик жамияти институтлари (ОАВ ва ННТ) фаолияти орқали намоён бўлади. Шу боис ҳам, фикримизча, "Фуқаро назорати"ни жамоат назоратининг юқори ва самарали шакли сифатида эътироф этиш мумкин.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, фуқаро назорати том маънода бевосита фуқаро-

лар томонидан шахсан амалга оширилиши лозим бўлиб, бу ерда ўз-ўзидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати юзасидан савол туғилади⁸.

Бу борада АҚШ тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, АҚШда экология соҳасида фуқаро назоратининг асосий шакли сифатида фуқаро шикоятининг институти қўлланилади. АҚШда фуқаролар шикоятининг уч хил шакли амал қиладди. Биринчидан, алоҳида фуқаро бошқа фуқаро, корпорация ёки давлат органига нисбатан қонун ҳужжатларида тақиқланган ҳулқ-атвори юзасидан шикоят қилиши мумкин. Масалан, фуқаро "Тоза сув тўғрисида"ги Қонун асосида корпорацияни сув йўлларино ноқонуний ифлослантиргани учун судга бериши мумкин. Иккинчидан, алоҳида фуқаро ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаётгани учун давлат органига қарши шикоят келтириши мумкин. Жумладан, фуқаро Табиатни муҳофаза қилиш агентлиги ўз вақтида "Тоза сув тўғрисида"ги Қонунда кўзда тутилган қоидаларни ишлаб чиқмагани учун унинг устидан судга шикоят қилиши мумкин. Учинчидан, фуқаролар етказилган экологик зарарни қоплашни талаб қилиб, судга шикоят билан мурожаат этишлари мумкин⁹.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жамоатчилик таъсирининг ушбу йўналишларини янада ривожлантириш кўп ҳолатларда самарали бўлади. Экологик муаммоларни ҳақиқатан ҳам еча оладиган ва ҳокимият таркибига кирганидан кейин яшил либосини ечиб ташламайдиган вакиллар сайланади, депутатлар таркибининг яхлит экологик мўлжални олиш даражаси юксалиб, экологик нормаларни яратишда унинг манфаатдорлиги ва халқнинг ҳуқуқий яратувчанлик ташаббуси ошади.



¹ //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 52-сон, 688-модда.

² //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 41-сон, 526-модда.

³ Селиванова Е.С. К вопросу о различии в понятиях "народный", "общественный", "гражданский" контроль в научном и прикладном дискурсах //Вестник ТГУ. 2013. -№5. -С.206.

⁴ Бойко Ю.А., Смирнова Е.А., Соколов А.В. Гражданский контроль за работой органов власти. -Ярославль: 2003. -С.5-6.

⁵ Гончаров А.А. Гражданский контроль как механизм самоорганизации общественной системы //Управление общественными и экономическими системами. 2007. -№1. -С.4.

⁶ Гончаров А.А. Сущность и понятие гражданского контроля //Управление общественными и экономическими системами. 2011. -№ 2. -С.5-6.

⁷ Гончаров А.А. Гражданский контроль над органами власти. -М., Весь Мир, 2010. -С.124.

⁸ Шульга Р.Ю. Современные механизмы осуществления гражданского контроля неправительственными организациями // Гражданское общество в России и за рубежом. 2012. -№3. -С.22-28.

⁹ https://en.wikipedia.org/wiki/Citizen_suit

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИДА ШАХСИЙ Фойдаланиш ҳуқуқи (узуфрукт)ни Ривожлантириш масалалари

- ◆ Мақолада ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этувчи институт сифатида узуфруктни миллий фуқаролик қонунчилигига киритиш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.
- ◆ В статье анализируются вопросы, связанные с внедрением в национальное гражданское законодательство узуфрукта в качестве института, предоставляющего право пользования чужим имуществом.
- ◆ In the article analyzed the questions connected with introduce in the national civil legislation of an usufruct as institute of the providing right of use of someone's property.

Таянч сўзлар: мулк ҳуқуқи, чекланган ашёвий ҳуқуқлар, узуфрукт, сервитут, рента, васиятнома, шартнома, кўчмас мол-мулк.

Ключевые слова: право собственности, ограниченные вещные права, узуфрукт, сервитут, рента, завешание, договор, недвижимое имущество.

Key words: property right, limited real rights, usufruct, easement, rent, testament, contract, real estate.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир иқтисодий-ижтимоий талаблар ҳуқуқ тизимида ўзгага тегишли мол-мулкдан фойдаланиш имкониятини тақдим этувчи турли ҳуқуқий конструкциялар мавжуд бўлишини тақозо этади. Ушбу жараёнда мол-мулк мулкдори ва ундан фойдаланувчи шахслар манфаатлари ўртасида ўзига хос тўқнашув юзага келади ва ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, манфаатлар ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатини таъминлаш ҳисобланади.

Узуфрукт (лотинча "мевалардан фойдаланиш") ҳуқуқий категорияси қадимги Рим ҳуқуқи доирасида вужудга келган бўлиб — ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ва ашёнинг ўзини ўзгартиришсиз сақланган ҳолда, унинг меваларини олиш ҳуқуқидир. Ч.Санфилиппонинг қайд этишича, "келтирилган таърифдан узуфруктнинг қуйидаги хусусиятлари келиб чиқади: узуфрукт ўзганинг ашёсига бўлган ашёвий ҳуқуқ бўлиб, у ўз эгасига ашёдан фойдаланиш ва унинг меваларини истеъмол қилиш ваколатларини беради, бироқ унга мева келтирувчи ашёнинг субстанциясига (у ҳам юридик ҳолат маъносига, ҳам иқтисодий вазифа сифатида тушунилиши лозим) нисбатан ҳеч қандай ваколат бермайди, уни узуфруктчининг ҳуқуқларини чегириб ташлаган ҳолда

мулкдор тасарруф қилишда давом этади. Бундай мулкдорни, у фойдаланиш ҳуқуқи ва мевалардан маҳрум бўлгани туфайли, "куруқ мулкдор" деб атайдилар"¹.

Узуфрукт Германия Фуқаролик Уложиёси 4-қисмининг 2-бўлимида мустақамланган. Бунда Германия қонун чиқарувчиси ашёлар (ГФУ 2-бўлимнинг 1-кичик бўлими), ҳуқуқлар (ГФУ 2-бўлимнинг 2-кичик бўлими) ва мол-мулкка (ГФУ 2-бўлимнинг 3-кичик бўлими) нисбатан узуфрукт белгилаш имкониятини назарда тутган. Континентал ҳуқуқнинг герман тармоғида узуфрукт кўчар ёки кўчмас ашё ёки ҳуқуқдан фойдаланишдан фойда олишга бўлган алоҳида, мустақил ашёвий ҳуқуқни ўзида ифодалайди. Шу сифатда у мулкдорнинг ваколатлари ва имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Шу туфайли ҳам ундан нисбатан кам, фақат алоҳида ҳолларда (асосан ворислик ҳуқуқида) фойдаланилади. Германия ҳуқуқида васият мажбуриятига мувофиқ эрининг (хотинининг) вафотидан кейин яшашда давом этган хотиннинг (эрнинг) бутун мерос мол-мулкдан унинг мулкдори бўлмай туриб, яъни расман бошқа ворисларнинг, масалан, фарзандларнинг ҳуқуқларига дахл этмасдан фойдаланиш ҳуқуқида узуфрукт сифатида қаралади². Мустақил ашёвий ҳуқуқ сифатида узуфрукт Швейцария ФК 745-моддасининг 1-қисмида, Австрия

Умумий фуқаролик тузугининг 509-параграфида назарда тутилган.

Узуфрукт умрбод ёки муайян муддатга ёки юз бериши фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилувчи шарт билан белгиланиши мумкин. Ворислик муносабатлари соҳасида юзага келувчи узуфрукт кўпинча фойдаланувчининг бутун умри мобайнида амал қилади. Умумий қоидага кўра, узуфрукт бошқа шахсга берилиши мумкин эмас, бироқ Италия ФКда узуфруктдан бошқа шахс фойдасига мол-мулк мулкдорининг розилиги билан воз кечиш имконияти назарда тутилган (Италия ФКнинг 980-моддаси)³, Квебек ФК эса узуфруктчининг ҳуқуқлари бошқа шахсга бирор-бир шартсиз топширилишига йўл қўяди (Квебек ФКнинг 1135-моддаси)⁴.

Амалдаги миллий фуқаролик қонунчилигида узуфруктга ўхшаш ҳуқуқлар борми-йўқми, уни жорий этиш зарурми — деган саволлар туғилади. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик қонунчилигимизда узуфрукт тушунчаси йўқ, бинобарин, унинг таърифи ҳам мавжуд эмас. Ўз мазмунига кўра узуфруктга ўхшаш бўлган айрим ҳуқуқлар, масалан, мулкдор оила аъзоларининг ҳуқуқлари (Уй-жой кодекси 32-моддасининг 1-қисми), васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчининг ҳуқуқлари (ФК 1132-моддасининг 3, 7-қисми) қонун ҳужжатларида мазмунан ёритиб берилмаган, ашёвий ҳуқуқ тури сифатида белгиланмаган.

Уй-жой кодекси 32-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, турар жой мулкдорининг оила аъзолари, деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек, мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзоси, деб тан олинислари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек, мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, унинг оила аъзоси, деб топилишлари мумкин.

Уй-жой кодекси 32-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Турар жой мулкдорининг оила аъзолари мазкур турар жойдан вазифасига кўра фойдаланишлари, унинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Мазкур ҳуқуқнинг ашёвий-ҳуқуқий табиатга эга эканлигига оилавий муносабатлар тугатилган тақдирда ҳам оила аъзоларининг турар жойдан фой-

даланиш ҳуқуқи сақланиб қолиши ҳам ишора қилади. Айни пайтда мулкдор оила аъзолари ашёвий ҳуқуқининг мазмуни Уй-жой кодекси 32-моддаси 2-қисмининг маъносига кўра, улар ва турар жой мулкдори ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин. Ушбу келишувнинг ҳуқуқий табиати, бизнингча, қўшимча илмий ўрганишни талаб этади.

П.В.Крашенинников мазкур ҳуқуқ субъектлари бўлган шахсларнинг тўрт гуруҳини ажратади: 1) турар жой мулкдорининг ушбу атаманинг тор маъносидаги оила аъзолари, яъни мулкдор билан бирга яшаётган ва у билан бирга умумий хўжалик юритаётган шахслар; 2) мулкдорнинг собиқ оила аъзолари, яъни мулкдор билан битта турар жойда яшаётган бўлсалар-да, бироқ маълум пайтдан бери унинг оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқаролар; 3) турар жой собиқ мулкдорининг оила аъзолари, яъни мулк ҳуқуқи турар жойдан фойдаланувчи билан оилавий муносабатларни сақлаб қолаётган фуқародан бошқа шахсга ўтган турар жойда яшашда давом этаётган шахслар; 4) турар жой собиқ мулкдорининг собиқ оила аъзолари, яъни турар жойда яшаётган, бироқ илгари ўзига тегишли бўлган мазкур турар жойни бошқа шахсга берган фуқаро билан оилавий муносабатлари узилган фуқаролар⁵.

Шахсларнинг бундай кенг доираси мулк ҳуқуқини сезиларли даражада чеклайди. Ваҳоланки, И.А.Покровский кўчмас мулкка белгиланадиган ашёвий мажбуриятларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлигини таъкидлаган эди. "Эркин мулкка бўлган ҳуқуқ бир лаҳзада бутунлай бекор бўлиши мумкин, бир марта ўрнатилган чеклаш эса кейин асрлар оша амал қилади"⁶, деб ёзган эди у. И.А.Покровский "мулкдор мавқеининг мустаҳкамлиги, эркинлиги ва мустақиллиги туйғуси" билан узвий боғлиқ бўлган мулкка доир муносабатларни (мулкнинг маънавий қимматини) мустаҳкамлаш лозимлигига эътиборни қаратади⁷. Афтидан, шу мулоҳазаларга таянган ҳолда, қонун чиқарувчи истиқомат қилиш ашёвий ҳуқуқи эгалари доирасини бир гуруҳ — мулкдорнинг оила аъзолари ва суд қарорига биноан уларга тенглаштирилган шахслар гуруҳигача то-райтирди. Бизнингча, мазкур ёндашув энг тўлиқ ашёвий ҳуқуқ саналган мулк ҳуқуқи мазмунининг "мавҳумлиги"ни бартараф этиш нуқтаи назаридан мутлақо ўринлидир.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи ўз мазмунига кўра мулкдор оила аъзоларининг унга тегишли бўлган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига яқин туради.

ФК 1132-моддасининг 3-қисмида мустаҳкамланган қоидага мувофиқ, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига мерос таркибига кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркибига кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун

муайян ишни бажариш, унга муайян хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбурияти нарса-си бўлиши мумкин. Масалан, васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклаганга ҳақли. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучида қолади (ФК 1132-моддасининг 7-қисми).

Назаримизда, ҳуқуқ олувчи уй, квартира ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқини эгаллашига олиб келувчи васият мажбуриятининг моҳиятидан мазкур ҳуқуқнинг ашёвий-ҳуқуқий табиати англашилади. Ушбу ҳуқуқда ашёвий ҳуқуқларга хос бўлган эргашиш ҳуқуқи намоён бўлади.

Л.В.Щенникова мазкур ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиатини Рим ҳуқуқи институти саналган истиқомат қилиш — "habitatio" ҳуқуқи билан боғлайди⁸. Маълумки, бу ҳуқуқ узуфруктнинг тури ҳисобланади. Рим ҳуқуқида "habitatio" атамаси ўзганинг уйида истиқомат қилиш (умрбод яшаш) ҳуқуқини англатган. Цивилистлар Римда мазкур ҳуқуқнинг пайдо бўлиши асосларини таҳлил қилиб, у "васиятга оид кўрсатмаларнинг шарҳланиши муносабати билан" вужудга келган, деган хулосага келганлар⁹.

Шундай қилиб, мулкдор оила аъзоларининг ҳуқуқлари, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг ҳуқуқлари, бизнингча, ашёвий ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиатига эга ва ўз мазмунига кўра, айниқса, узуфруктга яқин туради.

Е.А.Сухановнинг фикрига кўра, мазкур ҳуқуқлар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича рента олувчининг турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи билан бир қаторда, айнан узуфрукт ҳуқуқий категорияси асосида пайдо бўлган¹⁰.

Шахсий тусдаги чекланган субъектив ашёвий ҳуқуқнинг йўқлиги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг имкониятларини сезиларли даражада торайтиради, ҳуқуқий суррогатлар — бугунги кунда ашёвий ҳуқуқлар тоифасига ҳам, мажбурият ҳуқуқлари тоифасига ҳам киритиш мумкин бўлмаган тушунчалар пайдо бўлишига олиб келади. Ашёвий ҳуқуқлар категориясида юзага келган эҳтиёжларни уй, квартира хонасининг мулкдори ва ундан фойдаланувчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар мазмунини аниқламасдан ва ФКда тегишли нормаларни белгиламасдан тартибга солиш йўлидаги ҳаракатлар ҳуқуқни кўллаш амалиётида зиддиятлар туғилишига сабаб бўлади. Бу эса фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳимояланганлик даражасини пасайтиради. Айрим ҳолларда мулкдорнинг ўзига қарашли бўлган мол-мулкни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш имкониятлари чеклангандир (Уй-жой кодекси 32-моддасининг 4-қисми).

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик қонунчилигида иқтисодий ривожланган мамлакатлар қонунчилигига хос бўлган ашёвий ҳуқуқ — узуфрукт мавжуд эмас. Шу муносабат билан узуфрукт тушунчаси ва турларини ФКда мустаҳкамлаш таклиф қилинади. Ушбу институтнинг жорий этилиши фуқаролик ва уй-жой қонунчилигида мустаҳкамланган айрим мулк ҳуқуқларнинг юридик табиатига доир ҳуқуқий номуайянликни бартараф этиш имконини беради. Мазкур ҳолат шу билан белгиланадики, амалдаги қонунчиликда ўз юридик табиатига кўра узуфрукт билан ўхшаш бўлган ҳуқуқларнинг уч тури мавжуд. Булар: мулкдор оила аъзоларининг уй, квартирадаги хоналардан фойдаланиш ҳуқуқи (Уй-жой кодексининг 32-моддаси); васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг мерос таркибига кирувчи ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи (ФКнинг 1132-моддаси, Уй-жой кодексининг 123-моддаси); фуқаронинг уй, квартирадаги хоналарда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича яшаш ҳуқуқи (Уй-жой кодексининг 122-моддаси).

Авваламбор, шунини қайд этиш лозимки, узуфруктнинг белгиланиши йўли билан тартибга солиш мўлжалланаётган муносабатлар шахсий хусусиятга эгадир. Шақлланаётган ҳуқуқни кўллаш амалиётини ҳисобга олганда, бу оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган мулк ҳуқуқини чекловчи бир қатор хусусиятларни, энг аввало, уй, квартира хоналарига нисбатан белгилаб қўйишни назарда тутади.

Хусусан, узуфрукт ҳуқуқи ҳам субъектлар, ҳам объектлар таркибига кўра чекланиши лозим. Узуфруктнинг шахсий хусусиятини ҳисобга олганда, унинг эгалари фақат фуқаролар ва нотижорат ташкилотлари бўлиши мумкин (айрим чекланган ҳолларда, масалан, мерос қолдирувчининг эркини васиятномага мувофиқ бажаришда). Назаримизда, узуфрукт фақат ашёлар — кўчар ва кўчмас ашёларга нисбатан мавжуд бўлиши назарда тутилиши лозим. Кўчар ашёларга нисбатан узуфрукт фақат уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш белгиланган ҳолларда амал қилиши зарур. Ушбу рўйхатни фақат уй, квартира хоналари ва бинолар билан чеклаш мумкин эмас. Чунки бинодан фойдаланиш иморат солинган тегишли ер участкасидан фойдаланишни ва унга тегишли ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келишини ҳам назарда тутати. Яъни бинога узуфрукт белгилаш айна пайтда, ер участкасига ҳам узуфрукт белгилашни тақозо этади. Бундан ташқари, узуфрукт шахсий хусусиятга эга эканлиги ФКнинг узуфрукт тўғрисидаги нормалари мулкдорнинг оила аъзоларига улар истиқомат қилаётган уй, квартира хоналарига бошқа шахсларни жойлаштиришни тақиқлаши лозимлигини назарда тутати. Шунингдек, уй, квартира хоналарини мулкдорнинг оила аъзоси томонидан тасарруф этилиши, шу жумладан, уни ижарага беришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар импера-

тив норма белгилаш йўли билан тақиқланиши лозим. Зарур ҳолда, мулкдорнинг оила аъзоси эгаллаб турган уй, квартира хоналарига бошқа шахсларни жойлаштиришга (мулкдорнинг собиқ оила аъзоларига доир нормалар билан ўхшашлик бўйича) мулкдор ва мазкур шахслар ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий модели татбиқ этилиши мумкин.

Россия Федерацияси фуқаролик қонунчилигини ривожлантириш концепциясида ҳам ГҚда алоҳида чекланган ашёвий ҳуқуқ сифатида узуфруктларнинг икки тури — умумий ва ижтимоий (оилавий) узуфруктни назарда тутиш таклиф қилинади. Ижтимоий узуфруктни белгилашга ашёга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ваколатини узуфруктчи оилавий муносабатлар мавжудлиги туфайли мулкдор билан биргаликда амалга оширган ҳолда йўл қўйилади. Бундай узуфрукт ўз ҳолати ва шахсий хусусиятларига кўра бошқа шахслардан маълум миқдорда таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар: хотин (эр), вояга етмаган фарзандлар, кекса ота-она, меҳнатга лаёқатсиз боқимандалар ва ҳоказоларнинг айрим ижтимоий аҳамиятга молик манфатларини таъминлаш мақсадида назарда тутилиши мумкин. Мазкур узуфрукт вужудга келиши учун асос бўлиб, мулкдорнинг хоҳиш-иродаси билан бир қаторда, суд қарори ҳам хизмат қилиши мумкин. Ижтимоий узуфрукт фақат турар жой биноси ёки уй, квартирага ва ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ер участкасига белгиланиши мумкин. Бунда ўз фойдасига ижтимоий узуфрукт белгиланиши ҳуқуқига эга бўлган шахслар мазкур уй, квартира хоналарида истиқомат қилишларининг ўзи узуфрукт белгилаш учун зарурий асос ҳисобланади. Ижтимоий узуфруктнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у оила таркибида ўзгаришлар юз бериши (оила аъзосининг ўлими ёки туғилиши) муносабати билан ёки уларнинг ижтимоий мақоми ўзгариши (балогат ёшига етиш, муомала лаёқатини йўқотиш, боқиманда мақомини олиш каби) муносабати билан узуфруктчиларнинг субъектлар таркиби ўзгариши мумкин. Барча узуфруктчиларнинг узуфрукт

белгиланган уй, квартира хоналарига биргаликда эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқлари тенг деб эътироф этилиши лозим. Бунда диққатга сазовор бошқа ҳолатлар (масалан, айрим касалликлар туфайли ёки бошқа сабабларга кўра алоҳида ажратилган уй, квартира хонасига бўлган эҳтиёж) мавжуд бўлган тақдирда уй, квартира хонасидан фойдаланишнинг алоҳида тартиби суд йўли билан белгиланиши мумкин. Уй, квартира хонасини сақлаш мажбурияти фақат муомалага лаёқатли узуфруктчиларга юкланиши мумкин. Шундай қилиб, ижтимоий узуфрукт белгиланиши учун қуйидаги фактлар бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлиши лозим: оилавий муносабатлар, мулкдорнинг мазкур шахсларни таъминлаб туриш мажбуриятларининг мавжудлиги, уй, квартира мулкдори билан бирга яшаш, бу шахсларга мулк ҳуқуқига ёки ўзгача ҳуқуқда тегишли бўлган бошқа уй, квартира хоналарининг йўқлиги. Вояга етмаганларга нисбатан белгиланган ижтимоий узуфрукт уларда фуқаролик муомала лаёқати вужудга келганда бекор бўлади¹¹. Фикримизча, мазкур таклиф узуфрукт тўғрисидаги нормаларга тизимли тус беришга қаратилгани билан эътиборли ва миллий фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш нуқтаи назаридан қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ёки мулкдор оила аъзосининг уй, квартира хоналаридан фойдаланиш ҳуқуқлари узуфрукт ашёвий ҳуқуқи таркибига киритилади. Бизнингча, ушбу ҳуқуқни ҳуқуқий тартибга солишни ФҚнинг алоҳида боби билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, фуқаролик муомаласи эҳтиёжларига мувофиқ, бошқа турдаги узуфрукт ҳуқуқлари, жумладан, фуқаронинг умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ уй, квартира хонасида яшашга бўлган ҳуқуқи ва рента олувчининг уй, квартира хонасидан умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ фойдаланиш ҳуқуқи белгиланиши мумкин.



¹ Санфилиппо Ч. Курс Римского частного права. -М., 2003. -С.198.

² Қаранг: Гражданское уложение Германии: введ. Закон к Гражданскому уложению / Пер. с нем. В.Бергман, введ., сост.; науч. редакторы В.Бергман. 3-е изд., перераб. -М., 2008. -С.368-381.

³ Гражданское и торговое право зарубежных государств / Отв. ред. Е.А.Васильев, А.С.Комаров. 4-е изд., перераб. и доп. В 2 т. Т.1. -М., 2009. -С.388.

⁴ ГҚ Квебека / Науч. ред. и авторы предисл.: О.М.Козырь, А.А.Маковская. -М., 1999. -С.186.

⁵ Крашенинников П.В. Право собственности на жилые помещения. -М., 2000. -С.41-42.

⁶ Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. -М., 1998. -С.210.

⁷ Ўша ерда.

⁸ Щенникова Л.В. Вещное право: Учебное пособие. -М., 2006. -С.171.

⁹ Покровский И.А. История Римского права. -М., 2001. -С.332.

¹⁰ Суханов Е.А. Понятие и виды ограниченных вещных прав //Гражданское право — частное право /Отв. ред. В.С.Ем. -С.233.

¹¹ Концепция развития гражданского законодательства. -М., Статут, 2013. -С.93.

Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
«Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси,
юримдик фанлар номзоди

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ЭТИШ — МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

- ◆ Мақолада давлат бошқарув тизимини ислоҳ этишнинг асосий босқичлари, бу борада амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проведен анализ основных этапов реформы системы государственного управления, а также сущность осуществленных реформ в этой сфере.
- ◆ In the article basic stages of reforms of system of the government, and their essence are analyzed.

Таянч сўзлар: давлат бошқаруви, ижро ҳокимияти, ҳуқуқий ислохотлар, демократлаштириш, модернизациялаш, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, парламент назорати, ҳаракат дастури.

Ключевые слова: государственное управление, исполнительная власть, правовые реформы, демократизация, модернизация, Кабинет Министров, Премьер-министр, парламентский контроль, программа действия.

Key words: government, executive power, legal reforms, democratization, modernization, Cabinet of Ministers, Prime minister, parliamentary control, program of action.

Мамлакатимизда, айниқса, сўнгги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ислоҳ этиш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини қуриш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ижро ҳокимиятини модернизациялаш борасида бажарилган ишларни мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда икки босқичга ажратиш мумкин. Мустақилликнинг дастлабки ўн йилини қамраб олган биринчи босқичда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий вазиятни — изчил ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймастик, тинчлик ва сиёсий барқарорликни асрашдек устувор вазифалар мамлакатда кучли ижро ҳокимиятини ўрнатишни тақозо этди.

Истиқлолнинг кейинги ўн йиллигини ўз ичига олган ислохотларнинг иккинчи босқичи мамла-

катимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида давлат бошқарув ваколатларини жойларга ўтказиш ва фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият сиёсий ҳаётидаги ролини кучайтириш, ҳокимиятнинг уч тармоғи ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб таъминлаш бўйича бошқарувни фаол демократлаштиришга эътибор қаратилди.

Хусусан, 2005-2010 йилларда икки палатали миллий парламент шакллантирилди, илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамасининг Раиси лавозими тугатилди, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти

органларининг келишилган ҳолда фаолият юри-тишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Шу муносабат билан Президентнинг айрим ваколат-лари Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳка-масига ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг фа-олияти янада такомиллаштирилди, Конституция-нинг 98-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳоки-миятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикада ижро этувчи ҳоқимият-нинг амалга оширилиши тўғрисидаги консти-туциявий қоида ҳукумат мақомини, унинг алоҳида ҳуқуқларини, таркибини, қонун чиқарувчи орган-лар, ижро этувчи ҳоқимият органлари билан ўзаро муносабатлари таркибини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жа-миятини ривожлантириш концепцияси" ижтимо-ий ҳаётнинг барча соҳалари сингари давлат ҳоки-мияти ва бошқарувини демократлаштиришда ҳам янги босқични бошлаб берди. Хусусан, унинг асосий ғоялари 2011 йил 18 апрелда қабул қилин-ган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-модда-ларига)"ги Қонун мазмунида ўз аксини топиб, Конституциямизга киритилган муҳим янгиликлар-дан бири — сиёсий партияларнинг ижро ҳоқими-ятини шакллантиришдаги ўрнини кучайтириш бўлди. Асосий Қонунимизнинг 98-моддасига му-вофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиснинг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгиланди. Мамлакатимизда ижро ҳоқимиятини тубдан модернизациялашни кўзда тутувчи тартибни жорий этишдан кўзлан-ган мақсад ва унинг ижтимоий самараси, авва-ло, сиёсий партиялар орқали халқнинг давлат бо-шқарувидаги иштироки янада кенгайишига ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимият тар-моқлари ўртасидаги мулоқот янада мустаҳкам-ланишига эришишдир. Бундай демократик тар-тиб кўплаб хорижий давлатларнинг узок йиллар-дан бери синовдан ўтиб келаётган ижобий таж-рибасига асосланади.

Мамлакатимизда 2014-2015 йиллар мобайни-да ҳам давлат бошқаруви тизимини ислох этиш-га қаратилган бир қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжат-лар қабул қилинди. Чунончи, 2014 йил 16 апрел-да Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритилди, 2014 йил 5 май-да "Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", 2014 йил 25 сентябрда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди, 2014 йил 16 апрель ва 14 майда ҳамда 2015 йил 10 августда Ўзбекис-тон Республикасининг "Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунига бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар кири-тилди.

Мазкур ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида мустаҳкамлан-ган давлат ҳоқимиятининг тизими ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимияти-га бўлиниши принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳоқимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизи-мини шакллантириш, марказда қонун чиқарувчи ҳоқимият, жойларда вакиллик ҳоқимияти орган-лари ваколатларини янада кенгайтиришга қара-тилган. Буларнинг ҳаммаси ушбу даврдаги му-ҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалар бўлди ва Ўзбекис-тон тараққиётида ўзининг самарасини бермоқ-да.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар тизимида, ай-ниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонуни давлат бош-қаруви тизими соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтарди. Ушбу Қонун давлат ҳоқимияти тизимини янада демократлаштириш, ҳоқимиятнинг тармоқларга бўлиниши конституциявий принци-пини изчиллик билан амалга ошириш, ҳоқимият-нинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тар-моқларининг мустақиллигини, ваколатлари мута-носиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Юқоридаги Қонун асосида Конституциянинг 98-моддаси ўзбек конституционализи тарихида учинчи маротаба янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу модданин янги таҳририда давлат ҳоқимия-ти субъектлари — Президент, парламент ва ҳуку-мат ўртасидаги ваколатларни мақбул равишда тақсимлаш талабларини инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг вазифалари ҳамда ва-колатлари аниқ белгилаб берилди. Мазкур мод-данин нормалари Вазирлар Маҳкамаси фаоли-ятини тартибга солувчи бир қанча қонун ҳуж-жатлари қоидаларини конституциявий даражага кўтарди, ҳукуматнинг ваколатларини кенгайтир-ди ва аниқлаштирди, бу ваколатларни амалга оширишнинг конституциявий механизмларини белгилаб берди.

Конституциянинг мазкур моддасида муқаддам

Вазирлар Маҳкамаси зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий сиёсат олиб бориш масъулияти юкланган эди. Янги таҳририда эса, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига молиявий, пул-кредит сиёсатини юритиш, шунингдек, фан, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масъулияти ҳам юкланди.

Шунингдек, ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йили Олий Мажлисга маърузалар тақдим этиш мажбурияти белгиланиши ҳам Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишда муҳим қадам бўлди.

Юқоридагилардан ташқари, "Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури" институти жорий этилди. Унга кўра, Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши белгиланди. Бундай тартиб лавозимга тайинлашнинг маъно-мазмунини ва хусусиятини принципиал жиҳатдан бутунлай ўзгартиради. Энди нафақат номзод шахсиятига хос ўзига хосликлар, балки у ҳукумат раҳбари сифатида амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган дастурнинг маъно-мазмунини ҳам ҳисобга олинади. Мазкур ҳолат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига дахлдор долзарб муаммоларнинг ҳукумат шаклланиш босқичидаёқ кенг муҳокама қилиниши учун имконият яратади ҳамда ҳокимиятнинг ушбу институти олдига том маънода янги талаблар қўяди¹. Шу маънода Конституцияга киритилган ушбу институт конституциявий ривожланишнинг халқаро амалиётига тўлиқ мос келади. Хусусан, Польша Конституциясига биноан парламент аъзолари нафақат ҳукумат раҳбари ва аъзоларини тасдиқлайдилар, балки ҳукумат дастури лойиҳаси бўйича ўз муносабатларини ҳам билдирадилар. Ушбу дастур парламент аъзолари томонидан тасдиқланиши ёки рад этилиши мумкин. Дастурнинг рад этилиши бир вақтнинг ўзида ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилиши ҳисобланади. Финляндия Конституциясига мувофиқ, депутатлар Бош вазир номзоди тасдиқлангунга қадар ҳукумат дастури лойиҳасини кўриб чиқадилар ҳамда унинг мазмунини ўрганганларидан сўнг Президентга Бош вазир лавозимига номзодни қўллаб-қувватлаш мумкинлиги борасида ўз фикрларини билдирадилар².

Таъкидлаш лозимки, Конституциямизга киритилган, давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш, парламентаризмни ривожлантиришда бениҳоя муҳим аҳамиятга эга мазкур ўзгар-

тишлар энг замонавий, умумэтироф этилган демократик талабларга, халқаро ҳуқуқ принциплари ва стандартларига тўла жавоб беради. Шу билан бир қаторда, бугун мамлакатимизда сўнгги ўн йиллар давомида амалга оширилган ислохотлар натижасида ижро ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришни таъминлай оладиган замонавий модели яратилди, деб таъкидлашга бугун барча асослар бор.

Умуман олганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва модернизациялашни ривожлантириш жараёни давлат бошқарувининг барча бўғинларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, ҳокимиятнинг учта тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти фаолиятига доир ислохотлар, уларнинг ҳар бирининг ваколатлари кенгайтирилиши бошқарувни демократлаштиришнинг ўзига хос ифодасидир. Давлат бошқарувини юритувчи асосий институтлардан бири сифатида ижро этувчи ҳокимият мустақиллигини таъминлаш, шубҳасиз, давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, давлат ҳокимиятини демократлаштириш жараёни мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтларининг етуқлик даражаси инobatга олинган ҳолда, босқичма-босқич, изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида, ижроия ҳокимият ваколатларининг кенгайтирилиши унинг ўз фаолиятида мустақил иш юритиши, амалга ошириладиган ислохотлар тизимида самарали фаолият олиб боришини кафолатлаши билан бир қаторда, унинг парламент ва уни шакллантирган сиёсий партия олдигаги масъулиятини, фуқаролар олдигаги устувор вазифаларни рўёбга чиқариш мажбуриятини кучайтиради.

Айни дамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллигини таъминлаш ва масъулиятини оширишга қаратилган юқоридаги қоидалар Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституциявий ривожланишининг мантиқий йўли, давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб бориладиган босқичма-босқич, изчил ислохотлар талабидир. Шу билан бир қаторда, конституциявий ислохотлар мазмун-моҳияти қўйидаги устувор вазифаларни кун тартибига қўяди: биринчидан, норма ижодкорлиги фаолиятини, шунингдек, ҳуқуқнинг қўлланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; иккинчидан, конституциявий тузатишларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилишга йўналтирилган қонун лойиҳаларини вақтида тайёрлашни таъминлаш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини Конституциянинг 98-моддасида ҳукуматга бериладиган ваколатларни инobatга олган

холда ишлаб чиқиш юзасидан изчил иш олиб бориш; учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши устидан самарали, изчил мониторинг ҳамда назоратни ташкил этиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда жамоат ва парламент назоратини жорий этиш, шу мақсадда тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш; тўртинчидан, Олий Мажлиснинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро муносабатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига "Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан муносабатлари" номли боб киритиш ва унда парламент сўровини кўриб чиқиш ҳамда унга жавоб бериш, парламент сўровига юборилган жавобни муҳокама қилишнинг тартиб-таомиллари, ҳукумат аъзоларининг парламент палаталари ёки уларнинг қўмиталари чақирувига биноан уларнинг мажлисларида иштирок этиши шарт эканлигига оид қоидаларни, шунингдек, ўзаро муносабатларга доир бошқа масалаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

масининг Регламентига "Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан муносабатлари" номли боб киритиш ва унда парламент сўровини кўриб чиқиш ҳамда унга жавоб бериш, парламент сўровига юборилган жавобни муҳокама қилишнинг тартиб-таомиллари, ҳукумат аъзоларининг парламент палаталари ёки уларнинг қўмиталари чақирувига биноан уларнинг мажлисларида иштирок этиши шарт эканлигига оид қоидаларни, шунингдек, ўзаро муносабатларга доир бошқа масалаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.



¹ И.А.Хамедов. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият конституциявий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши //Халқ сўзи, 2014 йил 1 апрель.

² Ў.Х.Муҳамедов. Ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш — конституциявий ислохотларнинг энг муҳим йўналиши //Халқ сўзи, 2014 йил 29 март.

Умид ХОЛИКУЛОВ,
старший научный сотрудник-исследователь
Научно-исследовательского центра Ташкентского государственного
юридического университета, кандидат юридических наук

ВЛИЯНИЕ КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

◆ Мақолада мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг конституциявий асослари кўриб чиқилмоқда.

◆ В статье рассматриваются конституционные основы совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан в условиях модернизации страны и углубления демократических реформ.

◆ In the scientific article examines the constitutional bases of perfection of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan in the conditions of modernization of the country and the deepening of democratic reforms.

Таянч сўзлар: Конституция, ҳуқуқий тизим, тизимли алоқалар, ҳуқуқ устуворлиги, жиноят-ҳуқуқий репрессия.

Калит сўзлар: Конституция, правовая система, системные связи, верховенство права, уголовная репрессия.

Key words: The Constitution, the legal system, system of communication, the rule of law, criminal repression.

Являясь основным законом страны, Конституция, возглавляя иные отрасли права формирует единую целостную систему права, призванную служить процветанию нашей страны. Однако растущее разнообразие правоотношений, их отражение и закрепление в различных нормативно-правовых актах, ведет к усложнению правовой системы, порождает трудности не только в изучении и применении уголовного законодательства, но и в законотворческой деятельности. При этом следует упомянуть, что настоящая проблема существует не только в Узбекистане или странах СНГ и постсоветском пространстве, но и в дальнем зарубежье.

Например, изучая системные связи Конституции и уголовного права, а так же их влиянии на криминализацию в США, Эдвин Миз III пишет: "Еще одним признаком того, что мы утратили чувство Конституции заключается в явлении "повсеместной криминализации". Проще говоря, правительство создаёт слишком много уголов-

ных законов, создавая ловушки для людей, которые делают все возможное, чтобы быть законопослушными гражданами, в то время когда сама Конституция предусматривает в качестве преступлений всего три деяния — контрафакция (подделка денег), пиратство и измена". Далее он указывает, что на сегодняшний день федеральное уголовное законодательство насчитывает около 4500 видов преступлений. Некоторые из них вообще не могут претендовать быть таковыми. Например, 12-летняя девушка арестована за приготовление французской еды в системе метро Вашингтона округа Колумбия. 63-летняя женщина в Пало-Альто, Калифорния, арестована за то, что ее живые изгороди не были пострижены "официально разрешенным способом". Четыре агента ФБР вооруженные автоматами, арестовали изобретателя из Аляски за перевозку научного материала без наклейки федерального мандата на упаковке. Отставной производитель орхидей проводит 17 месяцев в тюрьме за импорт

орхидей без надлежащих документов"¹. Все это говорит о том, что при увеличении массива нормативных актов, государство утрачивает основную цель своего назначения — защита прав и законных интересов личности, и незаметно для себя акцентирует внимание на принуждении лиц к выполнению обязанностей, предписанных нормативно правовыми актами, забывая при этом, что истинное назначение законодательства — это обеспечение основных прав человека, которые являются важным составляющим любого общества.

Следовательно, необходимо усиливать доктринальную базу, искать системные связи, генеральные каналы взаимосвязи Конституции и УК. На наш взгляд, для сопоставления Основного и отраслевых законов, необходимо опираться на ст. 13 (Демократия в Республике Узбекистан базируется на общечеловеческих принципах, согласно которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права), ст. 16 (Ни одно из положений настоящей Конституции не может толковаться в ущерб правам и интересам Республики Узбекистан. Ни один закон или иной нормативно-правовой акт не может противоречить нормам и принципам Конституции.) и ст. 43 Конституции (государство обеспечивает права и свободы граждан, закрепленные Конституцией и законами). В этом смысле можно сказать, что Конституция предписывает отраслевым нормативным актам, к которым относится и УК, директивы по направленности и внутренней организации отраслевого материала, а также задания по конкретизации, развитию и защите конституционных обещаний².

Относительно давно В.П.Коняхин предложил классифицировать все (любые) конституционные положения, имеющие значение для уголовно-правового регулирования, на три группы: а) нормы, имеющие концептуальный или мировоззренческий смысл для нашей отрасли; б) нормы, которые "выполняют в отношении уголовного законодательства (ст. 1 УК РФ) преимущественно системообразующую функцию, формируя его вертикальную (иерархическую) структуру и очерчивая круг его возможных нормативных источников"; в) нормы, олицетворяющие конструктивную функцию, то есть они как бы сливаются с текстом уголовного закона, предопределяют содержание уголовно-правовых предписаний².

Пытаясь выйти за рамки взглядов на соотношение Конституции и отраслевого права в качестве источника права, М.В.Кирюшкин³ предлагает говорить о "формально-юридическом значении Конституции в ... уголовном праве" - когда "правовое решение по вопросу, урегулированному нормами УК., попадает в зависимость от

конкретного содержания положений Конституции..." (с. 252). Эта зависимость, по М.В.Кирюшкину, сводится к двум основным позициям: 1) благодаря Конституции уголовный закон приобретает легитимность - как обособленный фрагмент общих государственных усилий по управлению страной, что по логике вытекает из генерального Договора между населением и властью на юридическое обслуживание первого последней, что и представляет собой Основной закон; 2) нормы УК действительны лишь в тех пределах, если они не противоречат тексту и духу Основного закона (с. 254).

По этой проблеме выражают своё мнение и многие другие ученые. Вот их конечная позиция. Ю.В.Голик утверждает, что Конституцию нужно признавать не только материальным, но и формальным источником уголовного права⁴. Его поддерживает К.В.Ображиев⁵. А.В.Денисова соглашается с мнением Т.Ю.Орешкиной, согласно которой конституционные предписания могут лишь блокировать применение отдельных положений УК РФ, но квалификация деяний, привлечение к уголовной ответственности и назначение наказаний производятся исключительно на основе статей уголовного кодекса⁶.

Конечно, главный социально-юридический смысл связи с Конституцией для нашей отрасли - обоснование её необходимости в обществе и в правовой системе: "в основе легитимации уголовного права... лежит конституционная обязанность государства защищать наиболее значимые правовые блага от социально опасных посягательств наиболее острыми средствами... Уголовно-правовые отношения имеют такую же договорную природу, что конституционные"⁷.

В национальном Основном законе не указывается какие деяния являются преступлением и это правильно, так как установление уголовной ответственности это исключительная прерогатива уголовного законодательства. Однако устанавливая права и обязанности каждого субъекта общественных отношений, она определяет генеральное направление для развития правовой системы в целом и законодательства в частности.

Кроме того, уголовно-правовая система Республики Узбекистана отличается от американской тем, что наша правовая система ответственности разделена на уголовное законодательство и законодательство об административной ответственности, при этом такие правонарушения как нарушение определенных правил без значимых, общественно опасных последствий подлежат административной ответственности, что показывает гуманность нашей системы и экономию уголовной репрессии. Однако это не означает, что в Узбекистане этот вопрос окончательно решен.

На необходимость дальнейшего совершенствования уголовного законодательства с учетом верховенства прав человека не раз указывал глава нашего государства И.Каримов. В частности, он указал, что реформы не ради реформ а прежде всего ради человека⁸. Прежде всего для этого необходимо уточнить, какие права человека являются самыми важными и подлежащими первоочередной уголовно-правовой охране.

Положения о том, что Конституция Республики Узбекистан имеет высшую юридическую силу и что законы и иные правовые акты, принимаемые в Республике Узбекистан, не должны противоречить нормам и принципам Конституции Республики Узбекистан (часть 2 статьи 16) имеют крайне важную регулятивную функцию для уголовной политики. Исходя из того, что демократия в Республике Узбекистан базируется на общечеловеческих принципах, согласно которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права (ст. 13 Конституции), на наш взгляд целесообразно рассмотреть совершенствование уголовного законодательства именно через призму неотъемлемых прав и свобод человека. Так какие права, закрепленные в Конституции РУз можно считать неотъемлемыми?

Анализируя права человека в контексте их уголовно правовой защиты М.Бассиони⁹ исследовал 139 Конституций, принятых после 1946 года и выявил подавляющее большинство в них таких прав человека и процессуальных гарантий как: право на жизнь, свободу и личную неприкосновенность (пятьдесят одна страна), право на признание его правосубъектности и на равную защиту (108 страны), право быть свободным от произвольных задержаний (119 стран), право на свободу от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения или наказания (восемьдесят один страны), презумпция невиновности (шестьдесят семь стран), право на справедливое судебное разбирательство (тридцать восемь стран), право на помощь адвоката (шестьдесят пять стран), право на безотлагательное судебное разбирательство (сорок три страны), право на обращение (сорок шесть страны), право на защиту от двойной ответственности (пятьдесят один страны) и защита против законов постфактум (девятью шесть стран). Если право на справедливое судебное разбирательство (тридцать девять стран) рассматривается в сочетании с правом на защиту (в сорока пяти странах), существует сильное подтверждение права на общую справедливость в уголовном судопроизводстве.

Сравнивая Конституционные права и их гарантии граждан Республики Узбекистан с резуль-

татами исследований М.Бассиони можно сказать, что эти же права и гарантии закреплены и в нашей Конституции.

М.Бассиони утверждает, что основные права и свободы человека, закрепленные в национальных Конституциях 139 стран, по своей сути повторяют права и свободы человека, закрепленные в международном праве и на основе этого утверждает, что они являются неотъемлемыми, а значит самыми важными¹⁰. В международных нормах и договорах, в основных законах государств формулируются только основные, фундаментальные, базовые права и свободы человека. Поэтому их принято именовать конституционными. Мысль А.И.Бойко о том, что "декларируемые в конституциях неотъемлемые права и свободы существуют объективно, а не по воле или с разрешения законодателя, не дарованы властью, а есть дозаконотворческая и внеправотворческая реальность, описывающая сферу неотъемлемой свободы"¹¹, позволяет сделать вывод, что указанные права и свободы существуют не по воле законодателя а сами по себе.

Конституционный уровень закрепления базовых прав людей важен следующим: а) он влечет повышенный режим контроля за их реализацией и защитой; б) предопределяет обязательное отраслевое сопровождение, т.е. конкретизацию конституционных обещаний; в) диктует правоохранительным службам особое усердие в преследовании виновных, посягнувших на базовые ценности¹², с чем трудно не согласиться.

Перечисленные в Конституции основные права и свободы, на то и считаются основными, что обязанности всех субъектов общественной жизнедеятельности должны быть подчинены им. Они отличаются: во-первых, естественностью, независимостью от воли власти, объективным существованием. В этом смысле они как бы обязательны для законодательного закрепления в государстве. Во-вторых, конституционные или базовые права и обязанности универсальны, что означает их реализацию и охрану независимо от места и времени, отсутствие каких-либо исключений. Провозглашенные Конституцией, они красной нитью проходят во всех отраслях права. Такие естественные права, как право на жизнь, неприкосновенность личности, тайна личной жизни, и тому подобные в своей действительности не зависят от места пользования ими, устройства власти, индивидуальных характеристик лица. Они принадлежат всем, везде и всегда. В-третьих, основные права и свободы людей имеют свойство неотчуждаемости — они принадлежат каждому от рождения до смерти. Их можно ограничить лишь частично и временно, и то по соображениям защиты и осуществления аналогичных прав и свобод других лиц с соблюдением

законодательных процедур.

Последние изменения, внесенные в УК РУз показывают твердую позицию государства по вопросам усиления прав и законных интересов общества и государства именно посредством гарантий прав личности. В частности, в УК РУз включена новая глава XIII¹ "Преступления, связанные с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность, и другие преступления, посягающие на права и законные интересы хозяйствующих субъектов" которая призвана охранять право личности на частную собственность. Кроме того, она гарантирует такие конституционные права человека, как свобода экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителя, равноправие

и правовую защиту всех форм собственности, предусмотренную в статье 53 Конституции.

На примере изменений, внесенных за последние десятилетия мы видим, что обеспечивая права и законные интересы граждан, закрепленные и гарантированные Конституцией, законодательство свободного, независимого Узбекистан не только стало инструментом защиты, но и продолжает развиваться в русле гуманизации.

Празднуя день Конституции, мы должны помнить с каким трудом нам далась наша свобода, ценить мирное небо, не забывать о взаимном уважении собственных прав, всегда придерживаться идеалов демократии и социальной справедливости и делать все возможное для того, чтобы Узбекистан оставался местом, где каждый человек чувствует себя свободным.



¹ Edwin Meese III. Бывший генеральный прокурор США, является председателем основных наследий Центра правовых и судебных исследований. The Constitution and Crime. источник от 7.09.2015 года <http://www.heritage.org/research/commentary/2010/09/the-constitution-and-crime>

² Коняхин В. Конституция как источник Общей части уголовного права // Российская юстиция. 2002. -№4. -С. 53-54.

³ Кирюшкин М.В. Формально-юридическое значение Конституции РФ в Российском уголовном праве // Конституционные основы уголовного права. -С.251-254.

⁴ Голик Ю.В. Конституция и Уголовный кодекс: проблемы "приладки" друг к другу и к окружающей действительности // Конституционные основы уголовного права. -С.151, 149.

⁵ Ображиев К.В. Конституция РФ как источник уголовного права // Конституционные основы уголовного права. -С.433-434.

⁶ Денисова А.В. Конституционные нормы и уголовное законодательство: проблемы значимости и соответствия // Конституционные основы уголовного права. -С.166-168.

⁷ Лимонов В.А. Проблема легитимации уголовного права // Конституционные основы уголовного права. -С.455.

⁸ И.Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. -Тошкент: Ўзбекистон, 2006. Т.14. -Б.63-64.

⁹ M.Charif Bassiouni. Профессор права, Университета Де Пола; Президент по правам человека юридического института, Университета Де Пола; Президент Международной ассоциации уголовного права; Президент Международного института исследований в области криминалистики. Права человека в контексте уголовного правосудия: Определение международных процессуальных мер защиты и эквивалентные защиты в национальных конституциях. Kuke journal of comparative & international law [vol 3:235.] 1993. pp. 236-238.

¹⁰ M.Charif Bassiouni. Kuke journal of comparative & international law [Vol 3:235.] 1993. p. 246.

¹¹ Бойко А.И. Системная среда уголовного права: Дисс. ...докт. юрид. наук. -М., 2008. -С.85.

¹² Бойко А.И. Там же. -С.84.

Талантбек МАДУМАРОВ,
Андижон давлат университети «Миллий ғоя,
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедраси мудири,
юридик фанлар номзоди, доцент

МИКРОМОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида микромолиявий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг баъзи масалалари миллий ва хорижий тажриба асосида илмий таҳлил этилган.
- ◆ В статье научно проанализированы некоторые вопросы совершенствования правового регулирования микрофинансового действия в рыночной экономике на основе национального и зарубежного опыта.
- ◆ Some issues of improving legal regulation of microfinance activities in a market economy on the basis of national experience and foreigners are scientifically analyzed.

Таянч сўзлар: молиявий хизмат, кичик бизнес, дастлабки капитал, микрокредит ташкилоти, лизинг, микроқарз, кредит суммаси.

Ключевые слова: финансовое обслуживание, малый бизнес, начальный капитал, микрокредитная организация, лизинг, микрокредит, сумма кредита.

Key words: financial services, small business, start-up capital, micro-credit organization, leasing, micro-credit, loan amount.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий хизматлар алоҳида ўринга эга. Молиявий хизматларнинг сифатли ва самарали амалга оширилиши мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатини мақбул йўлга қўйишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли ҳам молиявий хизматлар кўрсатувчи тузилмалар тизимини ва улар фаолиятини уйғунлаштириш муҳимдир.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш алоҳида ўрин тутди. Кичик бизнес субъектларини дастлабки капитал билан таъминлаш ёки улар томонидан амалга ошириладиган бизнес лойиҳаларни молиявий механизмлар орқали ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Айнан ушбу вазифаларни бажаришда эса алоҳида молиявий институтлар сифатида ташкил этилган микрокредит ташкилотларининг роли ва аҳамияти бекиёсдир. Зеро, микрокредит ташкилотларининг асосий вазифаси ҳам кичик бизнес субъектларига суммаси юқори бўлмаган миқ-

дордаги молиявий хизматларни кўрсатиш ва шу орқали улар фаолиятининг ривожланишига қўмаклашиш ҳисобланади.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ҳам мазкур масалага эътибор қаратилиб, қуйидаги фикрлар билдирилган эди: "Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади"¹.

Дарҳақиқат, ҳозирда микромолиявий хизмат турлари сифатида микрокредит (энг кам иш

ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада), микроқарз (жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада), микролизинг (энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада) белгиланган ва бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ушбу хизматлардан кенг ва самарали фойдаланмоқда.

Эътироф этиш лозимки, мамлакатимизда микромолиявий хизматларни кўрсатиш учун махсус ихтисослаштирилган ташкилот "Микрокредитбанк" АТБ ташкил этилди ва мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 2006 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-50-сон "Микромолиялаш тўғрисида"ги, 2006 йил 20 сентябрда ЎРҚ-53-сон "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар мамлакатимизда микромолиявий фаолиятнинг шаклланиши учун дастлабки қадамлар сифатида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4725-сон Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон билан тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсиқлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жинсий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Ушбу фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2015 йил 20 августда "Ўзбекис-

тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят кодексининг 180-моддаси (Сохта банкротлик) ва 181-моддасида (Банкротликни яшириш) назарда тутилган жиноятлар учун агарда жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда озодликдан чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги, 184-моддасида (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) назарда тутилган жиноят учун биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши, 188-моддаси янги таҳрирда "Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти" деб номланиши, яъни тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга ошириш учун жинсий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар киритилди.

Бу ўзгартишлар эса ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини микромолиялашда ҳамда уларга микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини оширишда ҳам тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашушлар, уларга қўшимча тўсиқлар ёки талаблар белгилашларни олиб ташлашни ва мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳамда бу борадаги қонунчиликни либераллаштиришни тақозо этади.

Шу билан бирга, микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, бунда замонавий банк-молия соҳасидаги илғор усуллардан фойдаланиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг манфаатларини таъминлашга қаратилган микромолиялаш турларини кенгайтириш, узоқ ва ўрта муддати микромолиявий хизматларни ривожлантириш зарур.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-301-сон "Кредит

ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши ва банк кредитлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янгиланаётганлиги ҳам микрокредит ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мос равишда такомиллаштиришни тақозо этади.

Дарҳақиқат, молиявий институтлар тизимида микромолиявий ташкилотлар ўзига хос ўрин тутди. Микромолиявий ташкилотларнинг энг кенг тарқалган тури — микрокредит ташкилотлари кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари учун ҳажми катта бўлмаган қисқа муддатли молиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширади.

Бугунги кунда микрокредит ташкилотларининг ҳуқуқий асослари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-53-сон "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддаси 1-қисмига кўра, "микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир".

Қонундаги ушбу нормада микрокредит ташкилоти микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс эканлиги назарда тутилади.

Бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, микрокредит ташкилотларининг мақомига нисбатан аниқроқ ифода қўлланганини кўриш мумкин. Жумладан, Россия Федерациясининг 2010 йил 2 июлдаги 151-ФЗ-сон "Микромолиявий фаолият ва микромолиявий ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, микромолиявий ташкилотлар — фонд, мухтор нотижорат ташкилоти, муассаса (бюджет муассаси бундан мустасно), нотижорат ҳамкорлик, хўжалик жамияти ёки ширкати шаклида рўйхатдан ўтказиладиган, микромолиявий фаолиятни амалга ошириш ва мазкур федерал қонунда назарда тутилган тартибда давлат микромолиявий реестрга киритилган юридик шахсдир.

Қозоғистон Республикасининг 2012 йил 26 ноябрдаги 56-V ЗРК-сон "Микромолиявий ташкилотлар тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасига кўра, микромолиявий ташкилот — расмий мақоми адлия органларида давлат рўйхатига кўра белгиланадиган, микрокредит тақдим этиш бўйича фаолиятни, шунингдек мазкур Қонун билан рухсат этилган қўшимча фаолият турларини амалга оширадиган тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсдир.

Беларусь Республикаси Президентининг

2014 йил 30 июндаги "Микромолиявий ташкилотлар фаолиятида қарзларни жалб этиш ва бериш тўғрисида"ги 325-сон қарорининг 3-бандига кўра, микрокредит ташкилотларига қуйидагилар киради:

тижорат микромолиявий ташкилотлар — Беларусь Республикасида хўжалик жамиятлари ёки унитар корхона шаклида рўйхатдан ўтказиладиган ломбард ҳисобланадиган юридик шахслардир;

нотижорат микрокредит ташкилотлари — Беларусь Республикасида фонд ёки матлубот кооперативи ташкилий-ҳуқуқий шаклида рўйхатдан ўтказиладиган юридик шахслардир.

Германияда микромолиявий фаолият билан алоҳида ташкил этиладиган юридик шахслар эмас, балки банклар шуғулланадилар ва шу сабабли ҳам ушбу давлатда микромолиявий фаолият молиявий фаолиятдан алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки унинг бир тури сифатида амалга оширилади. Шунингдек, Германияда банклар билан бирга, хусусий-давлат ҳамкорлиги — Германия микрокредит фонди мавжуд бўлиб, унинг тизими алоҳида қизиқish ўйғотади. Ушбу лойиҳанинг ташаббускори Германиянинг Меҳнат ва ижтимоий соҳа Федерал вазирлиги ҳисобланади. Ушбу вазирлик 100 млн. евро миқдордаги фондни ташкил этган (40 фоизи ушбу вазирлик маблағлари, 60 фоизи Европа ижтимоий фонди маблағлари). Мазкур маблағлар NBank (Қуйи Саксония ерини ривожлантириш давлат банки)да сақланади.

Ижрочи банк, яъни тўлов агенти бўлиб Германиянинг Боҳум шаҳридаги GLS банки фаолият юритади. Бунинг маъноси шуки, бунда кредит шартномалари микромолиялаш институти (ММИ)нинг кредитлар бериш тўғрисидаги тавсиялари асосида GLS банки билан тузилади. Мазкур ҳолат GLS банкка нисбатан таваккалчилик хавфининг мавжуд эмаслиги ҳамда барча кредитлар 100 фоиз таъминотига эгаллиги сабабли ҳам қулайдир. Бунинг учун кредит қайтарилмаслиги таваккалчилиги таъминланиши юзасидан жавобгарлик модели ишлаб чиқилган ва бунда дастлабки босқич ММИда амалга оширилади. Ушбу модел доирасида ММИ кредитнинг дастлабки йиллик суммасининг 20 фоизи қайтарилмаслиги хавфини ўз зиммасига олади. Агар қайтарилмаган кредитларнинг йиллик ҳажми 20 фоиздан кам бўлса, тавваккалчилик хавфи тўлиқ ММИ томонидан қопланади, фақат қайтарилмаган кредит суммаси нисбатан юқори бўлган таваккалчилик хавфи фонднинг зиммасига юклатилиши мумкин. Ўз навбатида, ММИ гратификация (лотинча gratification

— мукофот, пул мукофоти, рағбатлантириш, ўз вазифасини сифатли бажаргани учун моддий рағбатлантириш) олади. 2013 йилда гратификациянинг миқдори қопланган сумманинг 10 фоизини ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 18 % ни ташкил этган².

Хорижий давлат қонунчилигида микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги мақомига оид нормалари умумлаштирилиб, хусусан, МДХ давлатларида бу ташкилотлар фонд, хўжалик ширкати ва жамияти шаклида ташкил этилиши ва муайян давлат реестрида ифодаланиши зарурлиги кўрсатилган. Бу эса микрокредит ташкилотларини ташкил этиш ва юри-

дик шахс сифатида расмийлаштиришни бир қадар аниқлаштириш имконини беради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни-нинг 4-моддасида белгиланган "микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин"лиги қондасини аниқлаштириб, микрокредит ташкилотларини юридик шахснинг айнан қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этиш мумкинлиги кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.



¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 52-б.

² Краль О. О практике и механизмах микрокредитования субъектов МСП в Германии.

Мирғолиб НУРМАТОВ,
Тошкент давлат юридик университети катта илмий ходим-изланувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЕРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

- ◆ Мақолада ерга нисбатан мулк ҳуқуқига оид қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилган. Ўрганишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўрсатиб берилган.
- ◆ В статье изучены законы и подзаконные нормативно-правовые акты, касающиеся права собственности на земли. На основе изучения выработаны приоритетные направления совершенствования земельного законодательства Республики Узбекистан.
- ◆ In article legislation, concerned to ownership rights to the land is studied. on the basis of studying priority directions of developing land legislation of the Republic of Uzbekistan are developed.

Таянч сўзлар: ер, ҳақ тўлаш, ер солиғи, ижара, мулк, иқтисодий механизм.

Ключевые слова: земля, плата, земельный налог, аренда, собственность, экономический механизм.

Key words: land, payment, land tax, rent, property, economic mechanism.

Ер муҳим табиий стратегик ресурс саналиб, мамлакатда саноат, турар жой объектларини жойлаштиришда базис, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда асосий восита вазифасини бажаради. Шу сабабдан ер бойликларидан фойдаланишни илм-фан тавсиялари асосида ташкил этиш, уни тўғри тақсимлаш, ер унумдорлигини мунтазам ошириб бориш, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш жамият тараққиёти ҳамда барқарор ривожланиши, фуқароларнинг фаровон ҳаёт тарзи, мамлакат бугуни ва келажакги барқарорлигини таъминлашда ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб белгилаб қўйилди. Шу ўринда табиий савол туғилади: умуммиллий бойлик бўлган ерни "сотиш" мумкинми? Саволга жавоб топиш учун, аввало, ерга нисбатан мулкчилик масаласига тўхталиш лозим бўлади.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонунининг 7-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асо-

си унинг мулкдир. Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

Бу ўринда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг 5-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида "Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик" (16-модда) мустаҳкамланган, яъни ер давлат мулки — умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно сифатида ўрнатилган.

Демак, қонунчилик белгиланган ҳолларда "ер" олди-сотди, айирбошлаш, ҳада, гаров объекти бўлиши мумкинлигини ўрнатмоқда. Ушбу ҳоллар нималарда кўриниши, қайси қонунчиликда белги-

ланганини амалдаги қонунчилигимизни таҳлил қилиш баробарида кўриш мумкин.

Хусусан, Президентимизнинг 1994 йил 24 ноябрдаги "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 1009-сон фармонида республика ер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер майдонларидан олинадиган даромад ўсишидан аҳолининг манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида туман ва шаҳарларнинг хокимликларига фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарт билан умрбод эгалик қилишлари учун якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини ким ошди савдоси асосида сотишга рухсат берилиши белгиланди.

Ер кодексининг 17-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, унга кўра:

— юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин;

— жисмоний шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Амалдаги қонунчилик ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга юқорида кўрсатиб ўтилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар орқали, уларга тўғридан-тўғри ёки танлов асосида бериш ҳамда сотиш тартибда амалга оширилишини белгилайди. Юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаларини ёки уларга бўлган ҳуқуқларни сотиш тартиби қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Биринчи ҳолат — жисмоний шахслар мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини ким ошди савдосида сотиб олишлари мумкин бўлган ҳолат.

Ушбу ҳуқуқ асосида ер участкаларини сотишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 1009-сон фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарт билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги 126-сонли қарори билан тасдиқланган низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 13 январда 2314-сон билан рўйхатга олинган "Якка

тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом билан белгиланган.

Гарчанд, Ер кодексининг 19-моддасида ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи субъекти сифатида бевосита "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари" кўрсатилган бўлса-да, юқоридаги низомда якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ташқари, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — дипломатик корпус ходимлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган матбуот вакиллари, доимий вақолатхоналар, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, қўшма корхоналарда доимий асосда ишловчи шахслар, шунингдек, республикада доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар қатнашишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Гувоҳи бўлганимиздек, ушбу ҳолатда Ер кодексининг 19-моддаси ва юқоридаги низом ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Бизнингча, мазкур ҳолатда Ер кодекси қонуннинг қўлланилиши ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан тўғри бўларди. Чунки, биринчидан, 2012 йил 24 декабрдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги (янги таҳрири) қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Шунга кўра, юқоридаги низом Ер кодексининг 19-моддаси талабидан келиб чиқиб ўзгартирилиши лозим. Иккинчидан, Ер кодексининг ушбу моддаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида белгиланган ернинг умуммиллий бойлик эканлиги талабидан келиб чиққан ҳолда, унга нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун кўзда тутати. Шу боис ҳам мазкур ҳолатга нисбатан Ер кодексига белгиланган қоида тўғри ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Ер кодексининг 27-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкалари бериш ёки реализация қилиш белгиланган бўлиб, унга кўра шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-

жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдирилладиган умрбод эгалик қилишга ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдирилладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида реализация қилинади.

Ушбу модда талабидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдирилладиган умрбод эгалик қилишга ер участкалари "ҳар бир оилага" берилиши назарда тутилади. Аммо амалдаги қонунчилигимизда "оила" тушунчасига таъриф берилмаган. Лекин биз асосан оила деганда, эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқини тушунамиз. Тўғри, албатта, оила энг аввало эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқ. Аммо ҳаётимизда биз никоҳда турмаган шахс томонидан болаларни фарзандликка олиб, бир оила бўлиб яшашини инobatга оладиган бўлсак, уларнинг Ер кодекси 27-моддасида белгиланган якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдирилладиган умрбод эгалик қилишга 0,06 гектаргача ер участкаларини олишларига бўлган ҳуқуқларини чеклаган бўламиз. Бундан ташқари, турли асосларга кўра фуқароларнинг оила қурмасдан яшаш ҳуқуқини инobatга оладиган бўлсак, Ер кодексининг 27-моддасида белгиланган "ҳар бир оилага" деган жумлани аниқлаштириш ҳамда қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва тuzатишлар киритиш лозим бўлади².

Иккинчи ҳолат Ер кодекси 18-моддаси талабларидан келиб чиқиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сон қарори асосида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, хорижий жисмоний ва юридик шахсларга сотилиши ҳолати. Ушбу қарор билан тасдиқланган "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 6-бандига асосан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, хорижий жисмоний ва юридик шахсларга, хусусийлаштирилладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг ман-

балари ҳақида декларация талаб қилмаган ҳолда, хусусий мулк сифатида сотиш танлов асосида ёки ким ошди савдоларида Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг белгиланган тартибига ва юқоридаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Учинчи ҳолат Ер кодекси 18-моддаси 2-қисмига мувофиқ дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан, ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Ушбу ҳолатда ер участкаларини сотиш тартиби билан боғлиқ муносабатларнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми Ер кодексининг 4, 18-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотларнинг иш шароитларини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1287-сонли фармонида мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 апрелдаги "Бинолар комплексини ер участкаси билан бирга Германия Федератив Республикасига мулк этиб сотиш тўғрисида"ги 58-сон қарори асосида Тошкент шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 15А-уйда жойлашган, 4096 кв.м. майдонга эга бўлган бинолар комплексини ер участкаси билан бирга Германия Федератив Республикасига 1155211,0 АҚШ долларига мулк этиб сотилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 29-боби, 7-параграфи "Кўчмас мулкни сотиш" (479-488-моддалар) тартибини белгилаб, ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига, яъни кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни (ФКнинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади.

Тўртинчи ҳолат Ер кодексининг 18-моддаси 3-қисмига мувофиқ чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада до-

имий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳнома-си бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Бугунги кунда амалдаги қонунчилик ушбу ҳолатда ер участкаларига бўлган бу ҳуқуқни қўлга киритишни юқорида кўрсатиб ўтилган биринчи ҳолатда белгиланган тартиб бўйича амалга оширилишини ўрнатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, умуммиллий бойлик ҳисобланган "ер"ни сотиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий-ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш ва амалдаги қонунчиликни янада ривожлантириш мақсадида қўйидаги тавсияларни билдирмоқчимиз:

биринчидан, Президентимиз Ислон Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган "Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш"нинг энг муҳим устувор вазифаларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилигимизда айнан табиий объект бўлган "ер"га нисбатан давлат мулки — умуммиллий бойлик тамойили устуворлигини таъминлаган ҳолда, айрим тоифа ерлардаги ер участкаларининг олди-сотди, айирбошлаш, ҳада, гаровга қўйиш механизмларини ривожлантириш; иккинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг эркин фу-

қаролик муомаласида бўлишини таъминлаш ҳамда бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳар бирининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини тан олган ҳолда улар таъминланишини кафолатлаш;

тўртинчидан, "ернинг тақдири"ни белгиловчи давлат органларининг ваколат ва вазифаларини янада аниқлаштириб, республикаимизда фаолият юритаётган "Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия"лар фаолиятини такомиллаштириш;

бешинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишини белгилаб берувчи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ихчамлаштириш, соддалаштириш, тизимлаштириш орқали ягона бир ҳужжатга бирлаштириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Президентимиз Ислон Каримов мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш оstonасида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни ўнглаш, халқ турмушини яхшилаш, ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида айнан ўта муҳим масалалардан бири бўлган фуқароларга томорқа ер участкалари беришни кун тартибига қўйган эди. Демак, биз умуммиллий бойлигимиз бўлган ердан ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланишимиз ва уни муҳофаза қилишимиз зарур.



¹ //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1994 йил, 11-12-сон, 301-модда.

² Маълумот ўрнида: 2015 йил 1 январь ҳолатига яқка тартибда уй-жой қуриш ва дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар жами 693,0 минг гектарни ва хўжаликлар (оилалар) сони 4563045 тани ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Бош муҳаррир: С.А.Арабов. -Тошкент: Ергеодезкадастр давлат кўмитаси, 2015. 27-б.

Улугбек ХУСАИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИ: ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

- ◆ Мақолада давлат ҳокимияти тизимида ротация институтининг тушунчаси, моҳияти ва унинг ўзига ҳос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, бу борадаги илмий-назарий манбалар ва қонун ҳужжатлари таҳлили асосида ротация институтига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.
- ◆ В статье освещены понятия, сущность и особенности института ротации в системе государственной власти. Также на основе анализа научно-теоретических источников и актов законодательства разработано авторское понятие института ротации.
- ◆ The article is devoted to the concept, essence and features of rotation institution in a system of state government. As well as at the basis of analysis of scientific-theoretical sources and acts of legislation developed author's concept to the institute of rotation.

Таянч сўзлар: ротация, ротация принципи, вакилик органлари, ижро ҳокимияти, суд ҳокимияти, режали ротация, қисман режали ротация, режадан ташқари ротация, кадрларни танлаш.

Ключевые слова: ротация, принцип ротации, представительные органы, исполнительная власть, судебная власть, плановая ротация, частично плановая ротация, внеплановая ротация, отбор кадров.

Key words: rotation, principle of rotation, representative bodies, executive government, judicial government, planned rotation, partially planned rotation, unplanned rotation, selection of personnel.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиздаги бу изчил ислохотлар "давлат — бош ислохотчи", "кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" сиёсий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти органлари фаолияти унинг хизматчилари томонидан амалга оширилишини эътиборга олсак, давлатга қўйилган талаблар унинг хизматчиларига ҳам бевосита тааллуқли экани ойдинлашади. Бундан келиб чиқадики, "Давлат томонидан мамлакат тараққиётининг таъминланишида, фуқаролар манфаатининг ҳимоя қилинишида, умуман ўзининг вазифасини муваффақиятли бажаришида давлат хизматини тўғри йўлга қўйиши муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам давлат хизмати институтини тўғри ташкил этиш, ундан самарали фойдаланиш мақсадида мазкур институтни ташкил этиш ва фаолиятининг асо-

сий принципларини белгилаб берадиган назарий ғояларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш, унинг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб олиш зарур бўлади"¹.

Юқоридаги фикрларга тўла қўшилган ҳолда шунини ҳам таъкидлаш керакки, давлатнинг кадрлар сиёсати давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини юқори даражада бажаришини таъминлашда уларнинг фақат шахсий сифатларигагина таяниб қолмай, балки кадрларни жой-жойига қўйиш, бу борада ўз-ўзини мунтазам тартибга соладиган, ривожлантирадиган механизмни тақомиллаштиришга қаратилиши лозим. Чунки ҳозирги даврда давлат хизматчилари олдида кўплаб аниқ вазифалар қўйилмоқдаки, уларни амалда кечиктирмай бажарилишини таъминлаш мамлакат тақдирида муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат хизмати самарасини таъминлашдаги барча объектив ва субъектив бўшлиқларни тўлдирish, қолаверса, давлат хизматчиларининг профессионаллик даражасини янада юксалтириш учун мумкин бўлган барча чораларни қўллаш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бундай чора-

лар сифатида давлат хизматини ташкил этишдаги хилма-хил шакл ва услубларни кўриб чиқиш ўринли бўлади. Жумладан, давлат хизмати самарадорлигини таъминлаш, бунинг учун эса кадрларни жой-жойига қўйиш, ўз-ўзини тартибга соладиган, ривожлантирадиган механизмлардан бири сифатида ротация институтини қўллаш услуби муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса, ўз навбатида, давлат хизматини ташкил этишда ротация институтини қўллашни кенгайтириб бориш қарорларини яратишни талаб этади.

Ротация институтини самарали қўллашни таъминлаш учун уни, авваламбор, илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш, давлат хизматчисининг ҳуқуқий ҳолати ва шундан келиб чиқиб, уни бошқарув жараёнига таъсирининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаб олиш керак, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, ротация институти тушунчаси билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиб, бу борадаги қарашларга аниқлик киритиб олиш талаб этилади.

Юридик луғатда берилган изоҳга кўра, ротация атамаси латинча "rotatio" сўзидан олинган бўлиб, "айлана, айланма ҳаракат" маъноларини билдиради². Шу билан бирга, ротация тушунчаси юридик адабиётларда олимлар томонидан турлича талқин этилади. Жумладан, биринчи ҳолатда ротация атамаси ўқитиш деб тушунилади ва бунда ходим янги билим ва кўникмаларни эгаллаши учун вақтинчалик ҳар хил лавозимларга ўтказилиб борилади³; иккинчисича, ротация бу — латинча "rotation" сўзидан келиб чиққан ҳолда, айланиб юриш, ҳаракат қилишдир: навбатлашиш, алмаштириш, маълум бир лавозимда галма-гал ҳозир бўлиш, таркибни янгилаш демакдир⁴; учинчи талқин — персонални бошқариш назарияси бўйича ротация деб бир ташкилот доирасида ходимларни янги иш ўринларига мунтазам, қонуний ҳамда уюшқоқлик асосида ўтказишлар ва кўчиришлар тизими тушунилади⁵; тўртинчиси бўйича, хизматчиларнинг хизмат-касбий ўсишини изчиллаштириш учун ҳар хил даражали мутахассисларнинг муҳим лавозимлардан формал-номенклатуралари ўсишининг усули⁶; бешинчисида, касби ва даражаси бўйича тўғри келадиган персонални иш ўринлари бўйича горизонтал ўтказилиши тушунилади⁷; олтинчисида, хизмат жараёнидаги режали ўтказишлар ёки ходимнинг хизмат вазифаларини муҳим ўзгартирилиши⁸; еттинчисида, муайян сайланувчи орган таркибини вақти-вақти билан янгилаб бориш⁹; саккизинчисида, бир ташкилот доирасида мутахассис ёки раҳбар ходимларнинг бир лавозимдан бошқасига ўтказилиши¹⁰; тўққизинчисида ҳам янги ходимларни олиш ва эскиларидан халос бўлиш, ҳам ташкилот ичида ходимларни бошқа жойга ўтказиш йўли билан ташкилот кадрлар таркиби янгиланиши тушунилади¹¹.

Мазкур таърифлар юзасидан айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири ротация тушунчасининг айрим қирраларини у ёки бу даражада акс эттириб, унинг барча белгиларини комплекс равишда қамраб олмаган. Шу боис ҳам мазкур таърифларнинг бирортасини ротацияга берилган тўлиқ таъриф, дея олмаймиз. Шўролар даврида ротация деб "кадрлар захираси" тушунилар эди. Режали ротация тўғрисида давлат сиёсати сифатида юртимизда мустақилликдан сўнг гапирила бошланди. Фикримизча, ротация тушунчасига тўлиқ таъриф бериш учун унинг функционал ва институционал жиҳатларини инобатга олиш лозим. Функционал жиҳати дейилганда, ротация институтининг мақсадлари, институционал жиҳати дейилганда эса, ротация институтининг ташкилий-ҳуқуқий асослари тушунилади. Демак, ротацияга таъриф беришда унинг мақсадлари ва ташкилий-ҳуқуқий асослари эътиборга олиниши керак. Жумладан, юқорида кўрсатилган таърифларда (В.Д.Граждан, Н.Е.Папонова, И.Христофоров) ротация институтининг ушбу функционал, яъни мақсадли жиҳатлари: ўқитиш; хизмат-касбий ўсишини изчиллаштиришлар белгиланган. Бу ерда ўқитиш ўз ичига касбий ўсишни изчиллаштириш, ривожлантириш мақсадини олади. Шунинг учун ротация терминига изоҳ берганда "ўқитиш" деган терминни қўллаш тўғри бўлади, чунки у изоҳланиш бўйича қисқа ва мазмунан кенг маънони англатади. Лекин шу билан бирга, айрим олимларнинг (С.А.Шапиро, С.В.Баранчев) изоҳларида яна иккита асосий мақсад инобатга олинган. Биринчиси, коррупциянинг олдини олиш ва камайтириш, иккинчиси, бу ходимнинг у ёки бу фаолият турига кўникмасини аниқлаш ва унинг меҳнат салоҳиятидан максимал фойдаланиш. Бу дегани айрим ҳолларда ротацияни ўтказишда коррупциянинг олдини олиш мақсади биринчи ўринга чиқиб, ўқитиш мақсади эса иккинчи даражали мақсад, яъни эҳтиёж бўлиши мумкин.

Бундан келиб чиқадики, ротация терминига изоҳ беришда унинг коррупциянинг олдини олиш каби функционал жиҳати ҳам ўз аксини топиши лозим. Ротациянинг мазкур мақсади кўпроқ давлат ҳокимиятини амалга оширилиши соҳасида қўлланиладиган ротацияга хос эканини алоҳида таъкидлаш керак.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини тенг лавозимларга ўтказиш (алмаштириш) тўғрисида"ги низомга кўра, "божхона органларини кадрлар билан ўз вақтида ва сифатли тўлдириш, мавжуд кадрлар ресурсларидан тезкорлик билан моҳирона фойдаланиш, коррупция, лавозим жиноятлари ва ноўрин хатти-

ҳаракатларнинг олдини олиш уларни алмаштиришнинг асосий мақсадлари ҳисобланади"¹². Демак, ротация терминини давлат ҳокимияти фаолияти соҳасига нисбатан изоҳлашда қуйидаги функционал жиҳатлар ўз аксини топиши тўғри бўлади: ходимни ўқитиш, меҳнат кўникмасини аниқлаш, унинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, коррупциянинг олдини олиш ва бошқалар.

Ротация терминининг институционал жиҳатлари, яъни ташкилий-ҳуқуқий асослари юқорида берилган таърифларда қуйидагича намоён бўлмоқда: биринчидан, ходимнинг ҳар хил лавозимларга ўтказилиши, иккинчидан, улар таркибининг янгиланиши. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ротация институтининг функционал ва институционал жиҳатлари қўлланилишидаги долзарблик уни давлат ҳокимияти тармоқларининг турларига қараб (қонунчилик, ижро, суд) қўлланилишидан келиб чиқади. Масалан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи давлат ҳокимияти вакиллик органларига нисбатан тўлиқ ва қисман ротация турлари (яъни таркибининг тўла ёки маълум бир қисмининг янгиланиши) фаолроқ қўлланилади.

Юқорида ўтказилган таҳлиллар асосида ротация термини таърифини қуйидагича ифодалаш

мумкин, деб ҳисоблаймиз: ротация — қонуний асосда ходимларни ўқитиш, кўникмасини аниқлаш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида уларни тенг лавозимларга ўтказиш, хизмат вазифаларини ўзгартириш ҳамда ходимлар таркибининг янгиланиши тушунилади.

Ротация қуйидаги ҳолатларда реал ўз аксини топади: ходимларнинг иш жойларини янгилашда; янги ходимларни хизматга жалб этишда; ходимларнинг янги шароитда ўз имкониятларини рўёбга чиқаришига имкон яратишда; ходимларнинг малакасини оширишда; аттестация ўтказишга шароит яратишда; коррупция, маҳаллийчилик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишда; хизмат вазифасига нолайиқ, қобилиятсиз ходимларни лавозимидан четлатиш ва бошқаларда.

Хулоса қилиб айтганда, ротация — қонуний асосда ходимларни ўқитиш, кўникмасини аниқлаш ва коррупцияни олдини олиш мақсадида уларни тенг лавозимларга ўтказиш, хизмат вазифаларини ўзгартириш ҳамда ходимлар таркибининг янгиланишидир, шунингдек, ротация бошқарув тизимининг элементларидан бирини ташкил этади. Унинг изчил қўлланилишини ижобий ҳолат, деб ҳисоблаш лозим.



¹ Б.Мирбобоев, О.Хусанов, А.Бегматов. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. -Тошкент: Академия, 2005. 139-б.

² Сухарев А.Я., Зорькин В.Д., Крутских В.Е. Большой юридический словарь. -М., ИНФРА-М, 1997. -С.601.

³ Граждан В.Д. Государственная гражданская служба. -М., ЮрКнига, 2005. -С.47.

⁴ Современный словарь иностранных слов. -С-Пб., 1994. -С.537.

⁵ Папонова Н.Е. Ротация персонала: понятие и основные правила //Кадры предприятия. 2003. -№10. -С.32.

⁶ Управление персоналом. Словарь-справочник. -М., 2005. -С.151.

⁷ Христофоров И. Ротация как средство развития персонала //Справочник кадровика. -М., 2003. -С.12.

⁸ Шидов А.Х., Хапов А.Б. Ротация кадров как элемент системы управления деловой карьерой // Менеджмент в России и за рубежом. 2003. -№ 2. -С.24.

⁹ Комлёв Н.Г. Словарь иностранных слов. -М., 2006. -С.35.; Додонов В.Н. и др. Большой юридический словарь. -М., ИНФРА-М, 1997. -С.601.

¹⁰ Шапиро С.А. Управление человеческими ресурсами. -М., Гросс Медиа, 2005. -С.123.

¹¹ Баранчев С.В. Качество ротации состава менеджеров как фактор конкурентоспособности организации. Часть I. -М., 2006. -С.21.

¹² //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 10-сон, 75-модда.

Истам АСТАНОВ,
 Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази
 иш ўрганувчи эксперти, юридик фанлар номзоди

МУТАХАССИСНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

- ◆ Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми, унинг фаолиятига оид нормалар таҳлил қилинган ва уни такомиллаштириш масалалари ёритилган.
- ◆ В статье анализируются нормы Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан о правовом статусе деятельности специалиста и рассматриваются вопросы их совершенствования.
- ◆ The article contents the analyses of the norms of the Criminal Procedural Code of the Republic of Uzbekistan on the legal status and functions of specialist, and the propose of their improvement.

Таянч сўзлар: мутахассис, мутахассис фикри, махсус билим.

Ключевые слова: специалист, мнение специалиста, специальные познания.

Key words: specialist, specialist assessment, special knowledge.

Мутахассис Жиноят процессининг "Жиноят процессига иштирок этувчи бошқа шахслар" деб номланган иштирокчиларидан бўлиб, махсус билимларга эга бўлган шахслардан бири саналади. Мутахассис ҳуқуқий мақомининг жиноят процессуал қонунчиликка киритилгани махсус билимлардан фойдаланиш имкониятини ошириш баробарида, процессуал тартибни юқори савияда олиб бориш, техник таъминот ва вояга етмаганлар, жиноятдан қаттиқ азият чеккан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатидаги шахслар билан ишлаш имконини кенгайтиради.

Ҳозирги кунда мутахассиснинг фаолияти жиноят ишларини очишда, тергов қилишда кенг қўлланиладиган махсус билимлардан фойдаланиш шакли ҳисобланади. Ушбу иштирокчининг фаолияти натижаси далил сифатида баҳоланма-са-да, терговчи ва судьяга маълум бир соҳа бўйича йўналиш бериш, маълум бир ҳолатни ойдинлаштиришга қаратилгани билан изоҳланади.

Мутахассис фаолиятига оид қонунчиликни таҳлил қилган ҳолда, унинг амалга оширадиган фаолиятини қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

1. Далилларни топиш, тўплаш, мустаҳкамлаш, баҳолашга ёрдам бериш;

2. Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситалари (магнитофон, видеоманитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратлар)ни қўллаш орқали суриштирувчи, терговчи, судга ёрдам бериш;

3. Эксперт олдида қўйиладиган саволларни шакллантиришга ёрдам бериш;

4. Тарафларга ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда судга жиноят иши вазиятига оид саволларга ўзининг профессионал билимидан келиб чиқиб жавоб бериш (фикр бериш);

5. Экспертнинг хулосаларини баҳолашда экспертиза тайинлаган органларга ёрдам бериш;

6. Вояга етмаганларга, жиноятдан қаттиқ азият чеккан шахслар билан ишлаш жараёнига ёрдамлашиш (педагог ва психолог).

Мутахассис луғатларда маълум соҳада махсус билимга эга бўлган шахс сифатида ифодаланиб, дастлабки пайтларда ушбу тушунча маълум бир соҳада обрўга эга бўлган, соҳани чуқур тушунадиган, ваколатли шахсга нисбатан қўлланилган¹. Бундан ташқари, мутахассис: 1) маълум бир мутахассисликни профессионал даражада ўзлаштирган шахс; 2) ўз соҳасининг етук эгаси² эканлиги ҳақидаги тушунчалар ҳам мавжуд.

Миллий энциклопедияларда мутахассис тушун-

часининг жуда ҳам кам ёритилгани ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Хўжалик процессуал кодексларида унинг иштирокчи сифатида умуман йўқлиги мазкур процесс иштирокчисининг кам ўрганилганидан далолат беради. Шунингдек, ҳозирги кунда мутахассиснинг ҳуқуқий мақомига бағишланган илмий ишланмалар сони ҳам саноклидир.

Умуман, мутахассис тушунчасини кенг ва тор маънода англаш мумкин бўлиб, кенг маънода махсус билимга эга бўлган ҳар қандай шахс сифатида, тор маънода эса жиноят ишига жалб қилинган ва алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган жиноят процесси иштирокчиси тушунилади.

Илмий адабиётларда олимлар мутахассис тушунчасини изоҳлашда турлича фикрлар беришган. Улардан бири Л.В.Лазерева мутахассис тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: ўз фаолиятида мустақил иш олиб борувчи, ишдан манфаатдор бўлмаган, махсус билимга эга бўлган, тарафларнинг ва суднинг хоҳишига кўра жалб қилинадиган, илмий-техник воситалар ва маслаҳатлари билан ёрдам берадиган шахсдир³.

Фикримизча, ушбу таърифда мустақил тушунчасини тўлиқ қўллаш нотўғри, чунки мутахассиснинг ҳаракатлари асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судга ёрдамчи сифатида унинг фаолиятини осонлаштиришга қаратилган ва унинг рухсати, кўрсатмасига риоя қилувчи шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, мутахассис тарафларнинг хоҳишига кўра эмас, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья томонидан қўйилган вазифаларни бажариш нўқтаи назаридан чақиртирилади.

А.Давлетов ўринли таъкидлаганидек, "мутахассиснинг профессионал фаолиятида нафақат ҳуқуқий ғоя ёки тартиб, унинг амалий қўлланилиши ҳам шу даражада керак"⁴. Демакки, норманинг ўзи эмас, балки унинг тўғри тушунилиши ва қўлланилиши қадрланади.

Ю.Т.Шуматовнинг фикрича, махсус билимлардан фойдаланишнинг чегараси, қўлланиш шакли тўлиқ қонунчилик доирасида белгилаб берилмаган⁵.

Эксперт ва мутахассиснинг жиноят процессидаги функцияси бир-бирига яқин бўлиб, улар ҳақида С.А.Шейфер қуйидагиларни айтади: "мутахассис ҳам эксперт каби тадқиқот олиб боради, аммо ушбу тадқиқот экспертикидан фарқ қилади. Мутахассиснинг тадқиқоти тергов ҳаракатлари доирасида амалга оширилмайди ва қўллаётган усуллари аниқ бўлмай далилни таҳлил қилишга қаратилган бўлади"⁶. Аслида эса уларнинг жалб қилиниш мақсадидан тортиб, улар берадиган саволларга жавоб даражаси ҳам тубдан фарқ қилади, улар маълумотининг далилий аҳамияти ҳам ўзгача ҳисобланади.

Мутахассисни суриштирувчи, терговчи, суд

учун ишни тез ва сифатли кўришда яқиндан ёрдам берувчи ёрдамчига қиёслаш мумкин. Чунки турли соҳаларда содир этиладиган жиноят шу соҳанинг нозик қирраларини яхши биладиган ўз соҳасининг профессионали, билимдони бўлган шахснинг ёрдами билан тезроқ очилади ва тегишлича баҳоланади.

Ю.К.Орловнинг фикрича, мутахассис икки йўналишда процессуал жараёнга жалб қилиниши мумкин бўлиб, биринчи тоифада жиноят содир этилиши ҳолатида шу соҳани яхши тушунадиган шахс жиноят гувоҳи бўлиб қолади, бу шахсларни билимдон гувоҳ десак бўлади. Масалан, одам танасига шикаст етказилганда ёки ўлдирилганда тиббий шифокор ҳодиса шоҳиди бўлади. Иккинчи ҳолатда эса унинг махсус билимлари учун аниқлиниши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан ўзининг фикрини билдиради. Биринчи ҳолатда мутахассис гувоҳ сифатида ишда иштирок этса, ҳолатни тўғри англаш ва ҳодисани ўз соҳаси бўйича аниқ баҳолаш имкониятини беради⁷.

И.Л.Петрухиннинг фикрича, "мутахассис жиноят иши материалларини эмас, балки жиноят излари ва унга алоқадор предметлар, ашёларни процессуал ҳаракатларни амалга оширишда топиш билан шугулланади"⁸. Унинг ўзига хос фикрларидан яна бири жиноят иши материалларини мутахассис ўрганиб чиқиши лозим эмас, бу ишни эксперт амалга ошириши лозим. Аммо бу фикрга қўшила олмаймиз. Чунки иқтисодий жиноятлар содир этилганда ёки бошқа ҳолатларда мутахассисларнинг жиноят иши материаллари билан танилиши суриштирувчи, терговчи ёки судья учун муҳим бўлган маълумотларни аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари, жиноят иши материаллари асосида мутахассис экспертга саволларни иш материалларидан келиб чиқиб тайёрлашда, унинг ҳулосасини ўқиб баҳолашда ёрдам бериши мумкин.

Жиноят материалларини тадқиқ қилишда мутахассиснинг махсус билимлардан фойдаланиши жуда муҳим ҳаракатлардан бири саналади⁹.

Фикримизча, махсус билим — бу жиноят ишини кўзғатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокама-си мақсадлари учун қўлланиладиган ва жиноятга алоқадор далилларни замонавий тадқиқот усуллари орқали топиш, тўплаш, баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган фан, техника, касбунарс соҳасидаги профессионал билимдир.

Демакки, мутахассис тушунчасини ва унинг ваколат доираси, ҳуқуқий мақоми масаласига турли хил қарашлар ва қонунчиликда такомиллаштириш лозим бўлган нормалар мавжуд.

Шу ҳолатдан келиб чиқиб, мутахассис фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган нормалар таҳлилига эътибор бериб, ушбу йўналишдаги таклифларни кўриб чиқсак:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексда мутахассиснинг фаолият йўналиши 69-моддада "Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади" шаклида белгилаб берилган. Аммо маълум бир ҳолатларда мутахассиснинг фан, техника, касб-хунар соҳасида етук шахс эканини инобатга оладиган бўлсак, унинг далилларни топиш ва мустаҳкамлаш фаолияти баробарида, уларни текширишда ҳам ёрдам бериши мумкинлигини назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Масалан, эксперт хулосаси ва унда қўлланилган тадқиқот усулларининг тўғрилигини аниқлашда суриштирувчи, терговчи, судьяга яқиндан ёрдам бериши мумкинлигини ҳам эътироф этиш керак. Шу сабабли ушбу нормага учинчи муҳим элемент — "далилларни текшириш"ни ҳам киритиш лозим ҳисобланади.

2. Бундан ташқари, мутахассис ёрдамига эҳтиёж сезиладиган соҳалар ҳам кўрсатилганда, яъни "фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда" деган жумла киритилса, норманинг тўлиқлиги таъминланган бўларди.

Юқоридагиларни умумлаштириш натижасида мутахассис деб номланган 69-модданинг биринчи қисмини куйидаги таҳрирда акс эттириш лозим: "Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш, текширишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади".

3. Жиноят-процессуал кодексда "мутахассис" деганда, кимлар тушунилиши кераклиги масаласи ҳам тўлиқ ёритилмаган бўлиб, ушбу бўшлиқни тўлдириш лозим бўлади. Масалан, ЖПКнинг 69-моддасида "Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин"лиги эътироф этилган бўлиб, агар психологнинг ҳам мутахассис эканини инобатга оладиган бўлсак, ЖПКнинг 69-моддаси биринчи қисмига психологни ҳам кири-

тиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ЖПКнинг "Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки" деб номланган 554-моддада психолог иштирокининг тартиби берилган, аммо унинг мутахассис сифатида чақирилиши мумкин бўлган шахслар доирасига киритилмаслиги айрим тушунмовчиликка сабаб бўлиши мумкин.

4. Яна бир эътиборга молик ҳолат мутахассиснинг ҳаракати натижаси нимада акс этиши ЖПКда баён қилинмаган. Ушбу жиҳат ФПКда ҳар томонлама тўлиқ изоҳланган. ФПКнинг Мутахассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига бағишланган 91-моддасининг иккинчи қисми, яъни мажбуриятларга бағишланган нормасида "Мутахассис суднинг чақируви бўйича келиши, ишни кўришда қатнашиши, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги билим ва малакасига асосланиб, ўз фикрини билдириши шарт", дейилган. Фикримизча, ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, ЖПКнинг 70-моддасидаги мутахассиснинг мажбуриятлари акс этган иккинчи қисмидаги: "иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши" сўзларидан сўнг "ишни кўришда қатнашиши, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги билим ва малакасига асосланиб, ўз фикрини билдириши шарт" сўзларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

5. Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари деб номланган ЖПКнинг 70-моддаси биринчи қисмидаги: "башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш;" нормасидаги "башарти тегишли билимларга эга бўлмаса" сўзларини чиқариб ташлаш керак. Шу орқали мутахассис ҳуқуқлари кенгайтирилишига йўл очилади. Фикримизча, мутахассиснинг жиноят иши бўйича иштирокини унинг ихтиёрига боғлиқ қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мутахассис жиноят процесси иштирокчилари орасида суриштирувчи, терговчи, судьяга яқиндан ёрдам берувчи махсус билим эгаси ҳисобланади. Унинг фикри далилий аҳамиятга эга бўлмаса-да, ушбу иштирокчисиз процессуал ҳаракатларни амалга оширишни тасаввур этиб бўлмайди.



¹ Ожегов С.К., Шведова Н.О. Толковый словарь русского языка. -М., 1994. -С.689.

² Толковый словарь Ефремовой. <http://www.endic.ru/aphorism/Specialist-1176.html>

³ Лазерева Л.В. Концептуальные основы использования специальных знаний в Российском уголовном судопроизводстве: Юрид. фан. докт. ...дисс. -М., 2011. -С.127.

⁴ Давлетов А. Специалист в уголовном процессе: новые возможности и проблемы //Российская юстиция. 2003, -№9. -С.47.

⁵ Шуматов Ю.Т. Использование специальных познаний на предварительном следствии: Дис... канд. юрид. наук. -М., 1996. -С.73.

⁶ Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. -М., 2001. -С.136.

⁷ Судебная экспертиза как средство доказывания в уголовном судопроизводстве. -М., Юрист, 2005. -С.52.

⁸ Петрухин И.Л. Теоретические основы реформы уголовного процесса в России. Ч.2. -М., 2005. -С.52.

⁹ Эксархопуло А.А. Материалы уголовного дела как объект применения специальных знаний //Вестник криминалистики. 2004. -№4. -С.16-23.

Раъно ХУСАИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
катта илмий ходим-изланувчиси,
юридик фанлар номзоди

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақола энергетика соҳасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни тадқиқ этишнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий масалалари таҳлилига бағишланган.
- ◆ Статъя посвящена анализу научно-теоретического и правового вопроса изучения гражданско-правового регулирования в сфере энергетики.
- ◆ In this paper has been researched and analyzed various scientific points of views about the role of innovations in civil law.

Таянч сўзлар: шартнома, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объектлари, энергия, энергия ресурслари, энергия таъминоти, олди-сотди шартномаси, энергия таъминоти шартномаси.

Ключевые слова: договор, объекты гражданских правоотношений, энергия, энергоресурсы, энергоснабжение, договор купли-продажи, договор энергоснабжения

Key words: contract, objects of civil legal relationship, energy, energy resources, power supply, purchase and sale agreement, energy supply agreement

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ғоят муҳим устувор йўналишларидан бири бу — энергетика тармоғини ислоҳ қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида қувватларни модернизация қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, "хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ"¹.

Яқин даврларгача дунёнинг кўплаб давлатларида электроэнергетика вертикал бирлашган ташкилий соҳа сифатида ўзини намоён этиб, бунда энергияни ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш ва сотиш давлат назорати остида амалга оширилган эди. Олимларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги сурьатларда ишлатилганда дунёдаги қазиб олинаётган нефт захиралари 45-50 йилга, табиий газ захиралари 70-75 йилга, тош кўмир захиралари 165-170 йилга, қўнғир кўмир захиралари 450-500 йилга, ядро энергияси захиралари эса кўпроқ йилларга етиши мумкин экан². Шунинг учун ҳозирги вақтга келиб

жаҳонда электр энергетика соҳасида энергетика объектларини қайта тартибга солиш, хусусийлаштириш, рақобат бозорини жорий этиш каби муҳим ва жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб хорижий мамлакатларда, масалан, Буюк Британия (1990 й.), Бразилия (1995 й.), АҚШ (Калифорния штати, 1995 й.), Италия (1999 й.), Венгрия (1999 й.), Франция (2000 й.) ва бошқа давлатларда энергетика соҳасини ислоҳ этиш ишлари амалга оширила бошлаган. Европа Иттифоқи мамлакатлари энергетика тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари ва йўналишлари Европа Парламенти ва Кенгашининг 2003 йил 26 июндаги "Электр энергиясининг ички бозорига оид қўшма Қоидалар тўғрисида"ги Директивасида (2003/54/ЕС) мустаҳкамланган (Directive 2003/54/EC of the European Parliament and of the Council of 26 June 2003 concerning common rules for the internal market in electricity).

Бугунги кунга келиб энергетика соҳасини ислоҳ этишнинг 4 та асосий модели мавжуд: Вертикал бирлашган Модель (Франция, Норвегия, Швеция, Финляндия), Рақобат модели (Англия ва Уэльс), Мустақил ишлаб чиқарувчилар Модели (Германия) ва Ягона харид қилувчи модели (Италия).

Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда у ёки бу давлатнинг барқарор ривожланиши учун

энергетика тармоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоғига ўзвий боғлиқ бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Таҳлилларга қараганда, ҳозиргача 80 га яқин мамлакатда муқобил энергия манбалари соҳасида миллий қонунчилик яратилган. Айниқса, сўнгги ўн йилликда мазкур соҳада Австралия, Австрия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Дания, Эстония, Чехия, Франция, Германия, Ирландия, Жанубий Корея, Нидерландия, Португалия, Сингапур, Швеция, Швейцария, АҚШ, Ҳиндистон ва Монголия каби мамлакатларда тегишли қонунлар қабул қилинган ҳамда амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Масалан, Германия, Япония, Хитой, Испания ва АҚШ давлатларида қонун йўли билан давлат, бизнес ва нодавлат сектор эътиборини мазкур соҳага қаратиш, муқобил энергия манбаларининг ривожини учун давлат томонидан рағбатлантирувчи чораларни кўриш, субсидиялар сиёсатини қўллашга нисбатан муносабат шаклланган. Бу борада ривожланган давлатлардан бири ҳисобланган Германия тажрибасини кўрадиган бўлсак, у ерда энергетика соҳасидаги ислохотлар "20-20-20" таъминоти асосида олиб борилаётганига гувоҳ бўламиз. Бунинг маъноси шуки, 2020 йилда мамлакат энергия таъминотининг 20 фоизи бирламчи энергиядан, 20 фоизи қайта тикланувчи энергия манбаларидан олиб карбонат ангидрид газини чиқаришни 20 фоизга камайтириш мўлжалланган. Бу мақсадга эришиш учун 2020 йилгача қуриладиган барча янги бинолар энергия истеъмоли паст бўлиши назарда тутилган бўлиб, бунда бир йилда 1 м² жойда 45 Квтдан кам энергия истеъмоли қилиниши лозим. 1966 йилдан бошлаб 2008 йилгача қурилган барча бинолар, ярим йилдан сўнг деярли барча бинолар энергетик паспортга эга бўлиши қатъий белгиланди. Масалан, Фрайбург шаҳри мамлакатнинг экологик пойтахти ҳисобланиб, Ваубан туманидаги биноларнинг йилига ҳар м²га 15 Квтдан кам энергия истеъмоли йўлга қўйилган. Шунингдек, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш кенг йўлга қўйилган. Масалан, мамлакат энергиясининг умумий балансида шамол энергетикаси 8 фоиз, қуёш энергияси 2 фоиз, чиқиндилардан биогаз ишлаб чиқариш 1,3 фоиз ўрин эгаллайди. Ҳар йили 100 минг уйнинг томини қуёш панеллари билан қопламоқда. Алоҳида эътиборга молик масала сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай унча катта бўлмаган бино — кўчмас мулкнинг эгаси давлат субсидиялари тўғрисида қуёш батареяларидан фойдаланиш ва ҳосил қилган энергияни сотиш имконига эга.

Сўнгги йилларда иқтисодиёти жадал ривожланётган Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон, Марказий ва Жанубий Америка давлатларида биогаздан фойдаланиш технологияси яхши йўлга қўйилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир минтақадаги ҳар бир давлатнинг ўзида мустақил равишда соҳа қонунчилигини такомиллаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Чунки, муқобил энергия манбаи йўна-

лишида ҳамма жойда ҳам бир хилда имконият мавжуд, деб бўлмайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида саноат тармоқларининг ривожланиши тўғрисида аҳоли фаровонлигининг янада яхшиланиши билан бирга, энергия истеъмолига бўлган талаб ҳам тобора ортмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда у ёки бу давлатнинг барқарор ривожланиши учун энергетика тармоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоғига ўзвий боғлиқ бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу боис ушбу соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Чунки айнан шу йўл орқали ушбу соҳа муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади ва унинг ривожини таъминланади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги, "Энергиядан оқилон фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармони, 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш Қоидалари" ва "Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган "Иқтисодиёт тармоқларида газдан фойдаланиш Қоидалари" ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш механизмининг такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш ва асослантирилган янги ечимлар топиш зарурати мавжуд.

Дарҳақиқат, миллий қонунчилигимиз нуқтаи назаридан мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган энергетика соҳасидаги қонунчилик, бу борадаги муносабатларни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш, хусусан, энергия таъминоти шартномасида тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари комплекс тадқиқ этилмагани жиҳатидан долзарб аҳамиятга эга. Масалан, республикамизда энергияга оид, яъни энергетика соҳасини (электр, иссиқлик, газ ва нефть таъминотига оид) умумий тартибга соладиган алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Чунки, 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонун энергия таъминоти оид барча муносабатларни қамраб ололмайди. Амалдаги қонунчилигимизда энергетикани ташкил этишнинг замон талабларига мос иқтисодий ва технологик асослари, энергетика соҳасини техник тартибга солиш ва назорат қилиш ҳамда бозор муносабатларини фуқаровий-ҳуқуқий тартиб-

га солишнинг ҳуқуқий асослари етарлича белгиланмаган.

Маълумки, ҳозирги вақтга келиб, энергетика соҳасида энергияни ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш ва етказиб бериш мазкур функцияларни баравар амалга оширувчи вертикал бирлашган ташкилотлар қўлида жамланганлиги энергетика соҳасининг асосан маъмурий, техник нормалар ва стандартлар асосида тартибга солинишига, энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларгина шартномавий тартибга солинишига сабаб бўлмоқда ҳамда бу соҳада эркин рақобатга асосланган бозор муносабатларини шакллантириш ва такомиллаштириш нуқтаи назаридан муҳим ислохотларни тақозо этмоқда. Энергетика соҳасида бозор ислохотларининг чуқурлашиб бориши вертикал бирлашган ташкилотлар замирида ўз фаолият тури бўйича алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган энергия бозорининг мустақил янги тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шунингдек, янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради. Хусусан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида турлари сифатида энергия олди-сотдиси, энергияни етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш, тезкор-диспетчерлик бошқаруви бўйича хизмат кўрсатиш муносабатлари бири-биридан ажратилиб, бу энергия олди-сотдисининг улгуржи ва чакана бозори шаклланишини тақозо қилади. Ягона субъект ҳисобланган энергия таъминловчи ташкилот ўрнида турли тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритиши натижасида эркин рақобатга асосланган энергия таъминоти жараёнидаги мураккаблашган муносабатларни шартномавий тартибга солишни такомиллаштириш зарурати намоён бўлади.

Хусусан, энергетика соҳасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадига истеъмолчиларга энергия бериб туришни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи энергия таъминоти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, айниқса, бу борада тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарблигини намоён этади.

Республикамизда олди-сотди шартномасининг бир тури сифатида энергия таъминоти шартномасига оид илк илмий-назарий қарашлар академик Х.Р.Раҳмонқулов томонидан ишлаб чиқилган³. Шунингдек, энергия таъминоти шартномасининг, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини шартномавий-

ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари И.Б.Зокиров, О.О.Оқюлов, Ш.Н.Рўзиназаров, К.О.-Синдаров, Ф.Ю.Шодмонов, Р.Ж.Рўзиев, Ж.М.Холмўминов, Қ.А.Шарипова, Н.С.Нарматов, К.Қ.Рашидов, Д.Қараходжаева, Х.Т.Азизов, М.Х.Баратов, Н.Ф.Имомов, Д.И.Бабаев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Соҳага доир масалалар бўйича хорижда ҳам қатор (И.Г.Цибирова, М.В.Повная, Э.О.Мамедова, А.Д.Жане, А.С.Пузиков, А.В.Чибис) олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда энергетика соҳасидаги қонунчилик, бу борадаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, хусусан, энергия таъминоти шартномасида тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалаларини комплекс равишда тадқиқ этиш қуйидаги бир неча муҳим вазифаларни ҳал этишни тақозо этмоқда:

— Ўзбекистон Республикасида энергетика соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини ҳамда ҳуқуқий базани таҳлил этиш;

— энергетика соҳасини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамиятини очиб бериш;

— хорижий давлатларнинг фуқаролик қонунчилигида энергия таъминотининг ҳуқуқий тартибга солинишини ўрганиш;

— энергиянинг иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатидаги моҳияти ва аҳамиятини аниқлаш;

— энергия бозорида юзага келадиган турли шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамиятини очиб бериш;

— бозор иқтисодиёти шароитида энергиянинг улгуржи ва чакана бозорининг ҳуқуқий тавсифини аниқлаш;

— эркин рақобат бозорида энергия таъминоти жараёни субъектларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш;

— энергия таъминотида оид муносабатларни тартибга солувчи шартномаларни тизимлаштириш;

— энергия таъминоти шартномасининг таркибини таҳлил этиш;

— энергия таъминоти шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

— энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик масалаларини ўрганиш.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши энергия таъминоти шартномасида тадбиркорларнинг манфаатларини устувор ҳимоя этилиши юзасидан илмий-назарий қарашларни шакллантириш ва асослантириш натижасида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлади.

¹ И.А.Каримов. 2015 йил иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — устувор вазифамиздир //Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

² Энергетика қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент: ТДЮУ, 2015. 4-6.

³ Х.Р.Раҳмонқулов. Олди-сотди шартномаси. -Тошкент: Адолат, 2000. 176-б.

Ҳамиджон ВОҲИДОВ,
“HONOUR ATTORNEY” адвокатлик фирмаси адвокати,
 мустақил изланувчи

ЯНГИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ТАЛАБЛАР

◆ Мақолада янги интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар, уларга нисбатан даъво муддатининг жорий қилинмаслиги масалалари илмий-назарий таҳлил этилиб, амалдаги фуқаролик қонунчилигига тегишли таклифлар берилади.

◆ В статье проведён научно-практический анализ требований о защите новой интеллектуальной собственности и вопросы, на которые исковая давность не распространяется и даются предложения по развитию действующего гражданского законодательства.

◆ In the article scientific and practical analysis of the requirements of the protection of intellectual property and the new questions that the statute of limitations does not apply is conducted and proposals for development of the existing civil law is given.

Таянч сўзлар: интеллектуал мулк ҳуқуқи, янги интеллектуал мулк объектлари, мутлақ ҳуқуқлар, домен номлари, фуқаролик-ҳуқуқий санкция, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар, контрафакт товар, раддия бериш, маънавий зарар.

Ключевые слова: право интеллектуальной собственности, новые объекты интеллектуальной собственности, исключительное право, название доменов, гражданско-правовые санкции, требования, на которые исковая давность не распространяется, контрафактный товар, подачи отвода, моральный вред.

Key words: intellectual property law, new intellectual property, exclusive rights, domain names, civil penalties, claims for which the statute of limitations does not apply, counterfeit goods, delivery outlet, non-pecuniary damage.

Интеллектуал фаолият натижалари(ИФН)га бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларни фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан ёритишда, албатта, мазкур талабларнинг предмети ҳисобланган интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларига тўхталиб ўтиш зарур.

Сўнги вақтларда ИФНнинг бир тури сифатида эътироф этилган фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (фирма номлари; товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари; товарлар чиқарилган жой номи)нинг аҳамияти тобора ортмоқда. Мазкур объектларга нисбатан мутлақ ҳуқуқлари бузилган шахслар нафақат қонунчиликда кўрсатилган фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг индивидуллаштириш воситаларига нисбатан, балки янги, ҳали фуқаролик муомаласига формал тарзда нормаланиб

сингдирилмаган интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларни судга тақдим этмоқдалар.

Бу эса интеллектуал мулк объектларининг янги турларига нисбатан бўлган мутлақ ҳуқуқлар фуқаровий-ҳуқуқий муҳофаза этилишини кун тартибига қўймоқда. Хусусан, домен номлари — фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситалари (фирма номлари; товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари; товарлар чиқарилган жой номи) билан бир қаторда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мутлақ ҳуқуқлари сифатида эътироф этилиши лозим.

Чунки, домен номларига бўлган ҳуқуқбузилиши ҳолатини тугатиш ҳақидаги талабни тақдим этиш учун, аввало, ушбу мутлақ ҳуқуқнинг қонунчиликда моддий-ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган бўлиши лозим. Шу маънода Фуқаролик кодексининг 1031-

моддаси биринчи қисми иккинчи бандига тўлдириш характеридаги қуйидаги қўшимча киритилиши таклиф қилинади:

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

- фирма номлари;
- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);
- товарлар чиқарилган жой номи;
- домен номлари.

Г.А.Худайбердиева ФКнинг 1074-моддасига "саҳналаштиришлар" ва "фонограммалар" киритилиши лозим, бу тузатиш ўта муҳим бўлиб, бундай янги объектларнинг бўлиши янги турдаги субъектларнинг мавжуд бўлишини ҳам таъминлайди¹, — дейди. Мазкур фикрлар ўринли. Чунки, ФК ёки махсус қонунларнинг ўзида ИФН объектларининг конкрет қайд этилиши ўз ўрнида мазкур объектларга дахл қилинганда, ҳуқуқ субъекти томонидан мутлақ ҳуқуқларни юрисдикциявий ёки ноюрисдикциявий усулларда ҳимоя қилиш учун тақдим этиладиган моддий-ҳуқуқий талабларни ҳам конкретлаштиради. Бу эса низолар тўғри, тез ва адолатли ечим топишида муҳим аҳамиятга эгадир.

ИФНга бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар умумий қоидага кўра, ариза, даъво ариза шаклида расмийлаштирилиб (ФПКнинг 148, 264-моддалари), даъвогар томонидан умумий юрисдикция суди, хўжалик суди ёки ҳакамлик судига тақдим этилади.

Бунда даъвогар томонидан тақдим қилинаётган даъвода моддий-ҳуқуқий талабни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, талабнинг суд томонидан тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилиши оқибатида келиб чиқадиган пировард натижа — ижро учун ҳам муҳимдир. Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ИФН соҳасида тақдим қилинаётган аксарият кўпчилик моддий-ҳуқуқий талаблар қаноатлантирилмоқда, бироқ суд қарорларининг ижросини таъминлаш масаласига келганда, оқсаш кузатилмоқда. Бунинг учун албатта, моддий ва процессуал ҳуқуқда даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш билан бир қаторда, ижро қонунчилиги механизмини ҳам таъминлашнинг реал имконини берадиган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш зарур.

Фикримизча, бунинг учун биринчи навбатда, фуқаролик-ҳуқуқий санкция чоралари тўғрисидаги нормаларни ишлаб чиқиш ва буни бевосита ФК ёки махсус қонунларнинг ўзида қайд этиш лозим.

Хусусан, кейинги вақтларда ИФН соҳасида суд амалиётида жуда кўп учраётган моддий-ҳуқуқий талаблардан бири — "товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуққа нисбатан ҳуқуқбузилиши ҳолатини бартараф этиш ва шу белги остида ишлаб чиқарилган контрафакт товарларни йўқ қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисида"ги талабдир. Ушбу тоифадаги ишларни кўришда суд одатда, даъвогар томони-

дан ўз даъво талабларини процессуал-ҳуқуқий нуқтаи назардан (ФПКнинг 57-моддаси ёки ХПКнинг 55-моддаси тартибидан) исботлаб берилганлигидан келиб чиқиб, даъво талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириб, жавобгарга товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуққа нисбатан ҳуқуқбузилиши ҳолатини тугатиш ва шу белги остида ишлаб чиқарилган контрафакт товарларни ўз ҳисобидан йўқ қилиш мажбуриятини юклайди. Худди шу ҳолатда суд қарорининг ижроси масаласига келганда эса суд ижросини қарорнинг ижросини таъминлаш жараёнида жавобгар томонидан фуқаролик муомаласига киритиб юборилган барча контрафакт товарлар йўқ қилинишини назорат қила олмаслиги табиийдир. Ушбу ҳолатда интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг ҳуқуқий муҳофазасини реал таъминлаш учун қандай йўл тутмоқ керак?

Баъзи олимлар бу борада ноқонуний ишлаб чиқарилган, руҳсатсиз кўпайтирилган ва сохталаштирилган (контрафакт) нусхаларга арест солиш, уларни мусодара қилиш, йўқ қилиб ташлаш каби йўллар билан бундай ҳуқуқбузарликларни камайтириш мумкин, шунингдек, қонунсиз асар нусхаларини ишлаб чиқаришда қўлланилган техника воситалари ва бошқа ашёларни мусодара қилиш² ёхуд интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш махсус усулларидан мутлақ ҳуқуқлар бузилишига сабаб бўлган моддий объектларни олиб қўйиш ва фирром рақобатга қарши чоралар кўриш³ яхши самара бериши мумкин, деб ҳисоблашса, иккинчи гуруҳ олимлар, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун махсус қонунларда муаллифга конкрет қўшимча ҳуқуқлар (масалан, руҳсат бериш, кузатиш, муаллифлик текшируви ва назорати ҳуқуқлари) махсус нормалар ёрдамида ўрнатилиши лозимлигини⁴, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаш учун аввало, муаллифлик-ҳуқуқий маданиятни ошириш зарур, деб ҳисоблашади⁵. Учинчи бир олимлар гуруҳи эса турдош ҳуқуқларда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва кўриб чиқиш фуқаролик ҳуқуқининг бошқа соҳаларидан фарқ қилишини, "олинмай қолган фойдани ундириш", "қоидабузардан зарар ўрнига қонунсиз олган даромадларини ундириш", "зарар ёки олган даромадларини ундирмай энг кам ойлик иш ҳақининг маълум баробари миқдорида товон тўлатиш" каби ҳимоя усуллари самарали ҳисобланади ва бу қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим⁶, дея таъкидлашади.

Б.Н.Тошевнинг фикрича, муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарлик доираси аниқланиб, унга қарши кураш йўллари белгилаб олинмас экан, мамлакатимизда бу соҳада ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Қонунчиликда олинмай қолган фойдани ундириш, қоидабузардан зарар ўрнига асоссиз олган даромадларини ундириб олиш, товон тўлаш каби ҳуқуқий таъсир чораларини белгиловчи янги фуқаровий нормалар яратилиши, суд тартибидан ишларни кўриш тизимини янада такомиллаштириш

учун эса соҳа қонунчилигига тегишли янги қоидалар киритилиши керак.

Бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашда халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни таъминлаш, бунда халқаро универсал ташкилот ва тузилмалар билан тегишли халқаро-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш лозим⁷.

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда айтиш лозимки, ИФНга нисбатан бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги олимларнинг қарашлари гарчи турлича бўлса-да, бироқ улардан кутилаётган мақсад битта — ИФН соҳасидаги мутлақ ҳуқуқлар ҳимоясининг реал, самарали ҳуқуқий механизмини яратишдир.

Баъзи муаллифлар муаллифлик ҳуқуқини тан олиш (этироф этиш) тўғрисида ва муаллифнинг шаъни, қадр-қиммати ёки у ҳақда тарқатилган ёлғон маълумотларга нисбатан раiddия бериш тўғрисидаги талаблар билан бирга, маънавий зарарни компенсация қилиш ҳақидаги талаб тақдим этилганда, ушбу талабларга нисбатан даъво муддатини чеклаш лозим, шунингдек, даъво муддатининг конкрет вақт билан чегараланмаслиги, кўп ҳолларда, ушбу талаблар ўзининг муҳимлигини йўқотиши ва шунинг билан бир вақтда, етказилган зарар фактини исботлаш имкониятини пасайтириши вазидан ушбу ҳолатда тақдим қилинадиган талабларнинг муддатини умумий даъво муддатига қисқартириш лозим, дея ўқитишади⁸.

Бироқ мазкур фикрни ўринли деб ҳисоблаш қийин. Чунки ИФНга бўлган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмаслигининг энг муҳим хусусиятларидан бири бу - ҳуқуқ субъектининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақидаги моддий-ҳуқуқий талабни ҳар доим ҳам қўйиши мумкинлигида эмас, балки тақдим қилинадиган талабнинг пировард натижаси — суд қарорлари ижроси таъминланишини талаб қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, ИФНни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга нисбатан умумий даъво муддатининг татбиқ этилиши ҳали барча муаммо ҳал бўлди дегани эмас. Аслида бунда аввало, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича судгача исботлашни таъминлаш муаммосини⁹ ҳал этиш лозим.

Бундан ташқари, ҳозирда суд амалиётида ИФНга дахл қилиш оқибатида муаллифга етказилган маънавий зарарни компенсация қилиш ҳақидаги талабнинг ваколатли суд томонидан кўриб чиқилиши ва яқунда қабул қилинган суд қарори, шунингдек, унда белгиланган маънавий зарар миқдори ўта муаммоли ҳолатлардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, амалда жавобгардан қатъий ундирилиши лозим, деб даъво қилинаётган компенсация суммаси суд томонидан кескин камайтирилиб белгиланмоқда. Бошқача айтганда, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда маънавий зарарнинг миқдори даъвогар томонидан исталган

суммада қўйилади, бироқ суд уни бир неча баробарга камайтиради. Ушбу ҳолатда ҳақиқатан ҳам ўзи маънавий жабр кўрган шахсга ундириладиган сумма маълум бўлгач, унга яна бир "маънавий жароҳат" етказилади¹⁰.

Баъзи олимлар мазкур тоифадаги талаблар тақдим қилинганда ва ишлар судда кўрилатилганда, суд-психологик, суд-тиббийёт ёки суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш лозим, деб ҳисоблашади¹¹. Бироқ суд томонидан мазкур экспертизаларнинг тайинланиши шахснинг ҳақиқий аҳволини аниқлаб беришга хизмат қиладими?

Аслида ҳеч қандай суд-экспертиза тури жабрланувчининг бошидан ўтказган азоб-уқубатларини, маънавий эзилганлик даражасини аниқлаб беролмайди ва ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас (ФПКнинг 67-моддаси). Бунда суд томонидан жабрланувчининг ҳолатига ҳуқуқий баҳо беришда эътибор қаратиладиган энг асосий мезон — шахснинг физиологик ҳолатидир. Фикримизча, ИФН соҳасидаги махсус қонунларда мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳар қандай физиологик ҳолати ёмонлашувига олиб келган қоидабузарлик учун қатъий суммада маънавий зарар компенсация қилиниши (қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий санкция) белгилаб қўйилиши лозим.

Сўнги вақтларда юридик адабиётларда олимлар томонидан маънавий зарарни компенсация қилишнинг муқобил шакллари ҳақида кўп сўз юритилмоқда. Хусусан, ундирилиши лозим бўлган маънавий зарарни фақат пул шаклида эмас, балки бошқа моддий шаклда (бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, турар жой бериш, ишларни текинга бажариб бериш, текинга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) қопланиши жабрланувчига бирмунча қулай бўлиши мумкинлиги ҳам таъкидлаб ўтилмоқда¹². Албатта, ишни кўраётган суд жавобгарнинг моддий аҳволдан келиб чиққан ҳолда ундан ундирилиши лозим бўлган маънавий зарар суммасини белгилайди. Фикримизча, бунда судлар жавобгарнинг моддий аҳволи ёмонлигини рўқач қилиб, маънавий зарар суммасини камайтиришга ҳақли эмасликлари тўғридан тўғри ФКда белгилаб қўйилмоғи лозим. «Мазкур ҳолатда судлар қандай йўл тутмоқликлари керак?», деган ҳақли савол туғилади. Бунинг жавоби оддий: суд маънавий зарарни компенсация қилишда ишнинг ҳақиқий ҳолатларидан келиб чиқиб, жавобгарга мос келадиган муқобил фуқаролик-ҳуқуқий санкцияни қўллаши лозим. Бунинг учун эса ФК ёки махсус қонунларда маънавий зарарни компенсация қилишнинг муқобил фуқаролик-ҳуқуқий санкция турлари аниқ-равшан белгилаб қўйилмоғи керак.

Халқаро хусусий ҳуқуқда интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар бузилганда, ваколатли суд қуйидаги таъсир чораларини қўллаши мумкинлиги кўрсатилган:

савдо муомаласидан товарларни чақириб олиш;
савдо муомаласидаги товарларни йўқ қилиш.

Бундан ташқари, суд қоидабузарга бошқа мажбуриятларни юклаш тўғрисидаги санкцияларни қўллаши мумкин (ЕҲнинг Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақидаги 2004/48/ЕС Директиванинг 10-модда 2-банди). Шунингдек, Европа қонунчилиги интеллектуал мулк ҳуқуқига тажовуз қилинаётган ҳаракатларни давом этишига суд томонидан тақиқ қўйилиши ҳақидаги нормани ҳам мустаҳкамлайди.

Россия фуқаролик қонунчилиги эса ИФНга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бир неча маротаба ёки қўпол равишда бузган юридик шахс ва яққа тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)лар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилганда, юридик шахсни ёки ЯТТнинг фаолиятини мажбурий тартибда тугатиш тўғрисида талаб тақдим қилинганда, суд даъво талабини иш ҳолатларидан келиб чиқиб қаноатлан-тирган ҳолда, юридик шахс ва ЯТТни мажбурий тартибда тугатиши мумкинлигини белгилайди (РФ ЖК, 1253-м.).

Фикримизча, ушбу норма ИФН соҳасидаги қоидабузарликлар учун тақдим қилинаётган талабларнинг мазмуни ҳамда жавобгарга нисбатан қўлланилаётган санкцияни конкрет мустаҳкамлаган. Россия фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ушбу нормаларни жўнгина қилиб кўчириб олиш керак, деган фикрдан йироқмиз. Аммо мазкур нормаларнинг айрим ижобий жиҳатларини миллий қонунчилигимизга сингдириш лозим, деб ҳисоблай-миз.

ИФН соҳасидаги низоларни кўраётганда суд (умумюрисдикция суди, хўжалик суди, ҳакамлик суди) даъвогарнинг талабида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, жавобгарга қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий санкцияларни қўллаши зарур. Масалан, суд ўз қарорида жавобгарга товар бел-

гисига бўлган мутлақ ҳуқуққа нисбатан ҳуқуқбузилиши ҳолатини тугатиш ва шу белги остида ишлаб чиқарилган контрафакт товарларни ўз ҳисобидан йўқ қилиш мажбуриятини юклаш билан бир қаторда, контрафакт товарлар ишлаб чиқариш учун қўлланилган барча технологияларни, шунингдек, хомашё маҳсулотларини даъвогар фойдасига олиб бериш тўғрисида белгилаб ўтиши зарур.

ИФНга нисбатан бўлган мутлақ ҳуқуқларни бузишга оид хатти-ҳаракатлар бир шахс томонидан такрор содир этилганда, нафақат юқоридаги ҳолатдагидек жавобгарга товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуққа нисбатан ҳуқуқбузилиши ҳолатини тугатиш ва шу белги остида ишлаб чиқарилган контрафакт товарларни ўз ҳисобидан йўқ қилиш мажбуриятини юклаш, балки, контрафакт товарлар ишлаб чиқариш учун қўлланилган барча технологияларни, шунингдек, хомашё маҳсулотларини даъвогар фойдасига олиб бериш тўғрисида белгилаб ўтиш ёки юридик шахс (шунингдек, қоидабузар ЯТТ)ни мажбурий тартибда тугатиш тўғрисида ҳам ўз қарорида белгилаб қўйиши зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, келгусида ФК ва махсус қонунларда фуқаролик-ҳуқуқий санкцияларни тўғридан-тўғри белгилаб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини такомиллаштирилиши ўз навбатида, биринчидан, давлат томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ИФНга бўлган мутлақ ҳуқуқлари муҳофазасини янада такомиллаштириш самарадорлигини оширса; иккинчидан, мазкур тоифадаги низолар келиб чиқ-шини бирмунча камайтиришга хизмат қилади. Ваҳоланки, ҳозирги даврдаги энг долзарб муаммолардан бири ҳам шубҳасиз бу — ғоя, фикр ўғрилигини — "маданий қароқчилик"нинг олдини олиш ҳисобланади.



¹ Худайбердиева Г.А. Турдош ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореф. -Тошкент: 2006. 18-б.

² Б.Н.Тошев. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. докт. дисс. ...Ав-тореф. -Тошкент: 2008. 36-б.

³ О.Оқюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДҲИ, 2004. -Б.110-111.

⁴ Федоскина Н.И. Гражданско-правовые способы защиты авторских и смежных прав в Российской Федерации: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. -М., 2008. -С.12.

⁵ Макаров Т.Г. Обеспечение прав авторов литературных произведений: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. -Казань: 2008. -С.6.

⁶ Г.А.Худайбердиева. Турдош ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореф. -Тошкент: 2006. 10-б.

⁷ Б.Н.Тошев. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. докт. дисс. ...Ав-тореф. -Тошкент: 2008. 14-б.

⁸ Дашко О.В. Моральный вред и особенности его компенсации за нарушение авторских и смежных прав: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. -М., 2006. -С.10.

⁹ Цветков И.В. Гражданско-правовая защита интеллектуальной собственности: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. -Казань: 2004. -С.20.

¹⁰ Дашко О.В. Моральный вред и особенности его компенсации за нарушение авторских и смежных прав: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. -М., 2006. -С.20.

¹¹ Дашко О.В. Юқоридаги манба. -С.22.

¹² Дашко О.В. Моральный вред и особенности его компенсации за нарушение авторских и смежных прав: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. -М., 2006. -С.9.

Қудрат ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти «Гуманитар,
ижтимоий-иқтисодий ва шахсий таркиб билан ишларни
ташқиллаштириш» кафедраси бошлиғи в.в.б.,
Мансур МУСАЕВ,
кафедра ўқитувчиси

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» — МАЪНАВИЙ ТАҲДИДНИНГ ХАВФЛИ КЎРИНИШИ

- ◆ Мақолада "оммавий маданият" маънавий таҳдиднинг хавфли кўриниши сифатида намоён бўлиши ва унга қарши курашнинг илмий жиҳатлари таҳлил этилган.
- ◆ В статье проанализированы проявления "массовой культуры" как опасного вида духовной угрозы и противостоящие ей научные аспекты.
- ◆ Manifestations of "mass culture" as a dangerous form of moral hazard and confront the scientific aspects are analyzed in this article.

Таянч сўзлар: "оммавий маданият", маънавий таҳдид, мафкура, ғоя, эгоцентризм, царизм, суицид, прозелитизм, интернет, ахлоқсизлик, худбинлик, тубанлик.

Ключевые слова: "массовая культура", духовная угроза, идеология, идея, эгоцентризм, царизм, суицид, прозелитизм, интернет, безнравственность, эгоизм, подлость.

Key words: "mass culture", moral risk, ideology, idea, self-centeredness, tsarist government, suicide, proselytizing, internet, immorality, selfishness, meanness.

Таъкидлаш жоизки, бугун глобаллашув шиддатининг тобора авж олиши ғоявий-мафкуравий курашни кучайтирмоқда. Хусусан, дунё миқёсида маънавий таҳдиднинг хавфли кўриниши сифатида намоён бўлаётган "оммавий маданият" ёшларимиз маънавияти, дунёқараши ва ахлоқига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, мафкуравий таҳдиднинг таҳликали кўриниши ҳисобланмиш "оммавий маданият" таъсирида жамоатчилик онги ва руҳиятини издан чиқаришга бўлган ҳаракатлар намоён бўлаётганлиги ташвишлидир. Бугунги кунда "оммавий маданият" мафкуравий-ғоявий таҳдид сифатида миллатнинг ўзига хослигини рад этувчи ғояни тарғиб этмоқда. Айниқса, "оммавий маданият" паст савияли маданият сифатида ўзида тубан ва бузғунчи ғояларни намоён этиш орқали ҳар қандай халқ ва миллат тараққиётига таҳдид солаётганлигини англаш лозим. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов: "Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги-

ни унутмаслик керак"¹, дея таъкидлагани бежиз эмас. Бинобарин, "оммавий маданият", энг аввало, маданиятсизлик ифодаси бўлиб, юртимизга четдан кириб келаётган, миллий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган тубан иллатларни тарғиб этмоқда. "Оммавий маданият"нинг таҳликали шакли миллий давлатнинг тараққиёт моделига ишончсизлик уйғотиш орқали миллатлараро низоларни келтириб чиқаришга уриниш, иқтисодий танглик жорий қилиш, қўшни давлатларни бир-бирига ўзаро гиж-гижлаш, ёшлар онгини заҳарлаш каби салбий ҳолатларни ўзида намоён этмоқда. Айниқса, "оммавий маданият" дунё миқёсида маданий-мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли курули сифатида мафкуралар ўртасида зимдан кураш кетишига замин яратмоқда. Шу тариқа мафкуравий кураш орқали омма онгига таъсир кўрсатишда "оммавий маданият" муҳим ўрин тутмоқда. Шу ўринда "оммавий маданият" замирида миллатнинг тарихий ўтмишдаги қадриятларини рад этишга бўлган ҳаракатлар тобора кучаяётганлигини таъкидлаш лозим.

Глобаллашув шароитида "оммавий маданият"нинг хавфли кўринишлари сифатида: ахлоқий бузқўлик, зўравонлик, эгоцентризм, аёлларнинг ичкилик ичиши, бир жинсли никоҳни тарғиб этиш, баданига турли хил татуировкалар чизиш, тама-

ки чекиш каби салбий иллатларни намоён этмоқда. Хусусан, "оммавий маданият"нинг хавфли кўринишларидан бири бу царизмдир. Царизм таъсирига тушган ёшлар онгида "ўзгача" дунёқараш шаклланиши оқибатида машҳур шахслар, яъни эстрада юлдузлари, актёрларга тақлид қилиш, уларни илоҳийлаштириш каби иллатларнинг намоён бўлаётгани ташвишлидир. Бинобарин, царизм таъсирига тушган ёшларнинг ҳаддан ташқари эҳтиросларга берилиши натижасида уларда суицид ўз жонига қасд қилиш ҳолати кузатилади. Айнан ёшларнинг ижтимоий ҳаётда сиёсий, маънавий ва диний илмларга эга эмаслиги уларни турли ёт оқимлар, хусусан, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолишига замин яратмоқда. Айниқса, "оммавий маданият" таъсирида ёшлар онгида ахлоқсизликни маданият деб билиш ёки асл маънавий қадриятларга беписандлик билан эскилик сарқитлари деб қараш ҳолатлари кузатилаётгани ташвишлидир. "Оммавий маданият" таъсирига тушган ёшлар, хусусан, қизларнинг очик кийимлар кийиши уларнинг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатиб, бепуштлиқка сабаб бўлмоқда.

Глобаллашув шароитида Фарб дунёсида "оммавий маданият"нинг хавфли кўринишларидан бири бир жинсли никоҳ тарғиб этилаётгани ачинарлидир. Айниқса, Фарбда бир жинсли никоҳнинг тобора авж олиши, аёлларнинг ўз қоматини сақлаш мақсадида фарзанд кўришдан воз кечиши, аксарият янги қурилаётган ёш оилаларда эр-хотиннинг "ўз-ўзи" учун яшашга интилиши ва фарзандсиз яшашни мақсад қилаётган оилаларнинг кўпаяётгани ташвишлидир. Хусусан, "оммавий маданият", энг аввало, ўзида ғайриинсоний одатлар: бузуқ ғоялар ва ахлоқсизликни тарғиб этиш орқали мамлакат тараққиёти, инсон ҳаёти, оила бирдамлиги ва ёшлар тарбиясига жиддий таҳдид солмоқда. "Оммавий маданият" ниқоби остида ахлоқсиз ғояларнинг кенг тарғиб этилиши ёшларни маънавий бузиш орқали миллий манфаатларимизга ёт бўлган ғояларни тарғиб этмоқда. Бундай жирканч "маданият" таъсирига дучор бўлган ўсмир лоқайд, енгил-елпи ҳаётга ошно, юрт равнақи ва халқ тинчлигига бефарқ кимса бўлиб вояга етади². Бинобарин, "оммавий маданият" замирига эътибор қаратилса, у энг аввало, ҳар қандай жамият ва давлат миқёсида бузғунчилик ва зўравонликни тарғиб этиш орқали маънавий тубанликка гирифтор этишини англаш лозим. Бугунги кунда "оммавий маданият" томонидан тарғиб этилаётган демократия ниқобидаги эркинликлар аслида инсонни тубанликка етакламоқда.

Фарб давлатларида эркак билан эркак, аёл билан аёл ўртасидаги никоҳ ҳайратланарли ҳодиса бўлмай қолаётганлиги назарда тутилса, "оммавий маданият" тарғиб этаётган маънавий ту-

банликлар, беҳаёликлар, қабоҳатлар нақадар чуқурлашиб кетганлигини тасаввур этиш қийин эмас³. Хусусан, айрим мамлакатларда ушбу иллатнинг қонуний тус олишини оммалаштириш мақсадида кенг миқёсда ҳаракатлар бўлаётгани ижтимоий-сиёсий жиҳатдан хатарли ва ташвишлидир. Ваҳоланки, Фарб аҳоли туғилишининг кескин камаяётганидан озор чекаётган бир пайтда бир жинсли никоҳларнинг қонуний тус олиши Фарбнинг ўз қонунлари аслида аҳолининг туғилишида тўсқинлик қилаётганини намоён этмоқда. Бинобарин, мазкур ҳолат инсон учун ҳамisha муқаддас саналмиш оила ва оилавий қадриятларга раҳна солишини ҳар бир онгли инсон англаши лозим. Ваҳоланки, эркак билан эркакнинг, аёл билан аёлнинг қўшилувини "оила" деб аташ мантиққа тўғри келмайди. Чунки инсоннинг ҳайвондан фарқ қилувчи асосий жиҳатларидан бири онгли тарзда покиза оила қуришидир. Ажабланирлиси, бугунги кунда дунёнинг айрим мамлакатларида бир жинсли никоҳдаги оилаларга фарзанд асраб олишга рухсат этилмоқда. Ачинарлиси, мазкур омиллар тарбия масканлари ва ўқув даргоҳларидаги жараёнларга ўзгартиришлар киритишга сабаб бўлмоқда. Унга кўра, икки жинсли оилаларнинг фарзандлари бир жинсли оилалар асраб олган болаларга ота-онаси ҳақида "нотўғри" савол бериб қўймаслиги, унга берилган жавобдан эса ўзи ахлоқий жароҳат олмаслиги учун шундай тарбиявий ахборот берилмоқда: "Айрим болаларда икки ота бўлиб, она бўлмаслиги, айрим болаларда эса, аксинча, икки она бўлиб, ота бўлмаслиги мумкин. Бунга ажабланмаслик керак. Оилалар ҳар хил бўлади"⁴. Айниқса, мазкур "оила" фарзандларининг алоҳида мактабларда ўқитилиши учун шароитлар яратилаётгани ажабланирли ҳолдир. Шу ўринда "оммавий маданият"нинг мазкур кўриниши бевосита дин ва диний қадриятларга раҳна солмоқда. Бинобарин, XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШ ва Фарбий Европада сексуал инкилобнинг тарғиб этилиши христианликка ва унинг қадриятларига раҳна солганини айтиб ўтиш лозим. Натижада мазкур омиллар Фарб дунёсида аксар ёшларнинг нотавон бўлишига, енгилтабиат қизларнинг эса бепушт бўлиб қолишига замин яратган эди.

Глобаллашув шароитида "оммавий маданият" ёшлар дунёқарашида салбий ҳолатларни шакллантириб, "Сен эркинсан, кўнглинг тусаган ишни қил, ёшлигингда айшингни сур, сен озод ва хурсан, ҳаттоки, ота-онанг ҳам сенга хўжайин эмас", деган сохта ғоялари билан уларни ҳар қандай дин ва маданиятдан узоқлаштирмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Қаримов: "Бундай "эркинлик", бундай "маданият" бизга тўғри келмаслигини ҳеч кимдан қўрқмасдан айтишимиз керак. Чунки биз ўз ҳаётимизни ўзимиз истагандек барпо этишга ҳақимиз. Бу ҳуқуқни ҳеч ким биздан тор-

тиб ололмайдиган⁵, дея таъкидлайди. Мазкур салбий омиллар беғам ва беташвиш ҳамда лоқайдлик иллатларини тарғиб этади. Хусусан, мазкур ҳолат ёшларнинг жамият олдидаги масъулиятини йўққа чиқариш орқали ватанпарварлик, юрт равнақи ва инсонийликдан беғоналашувига замин яратмоқда. "Оммавий маданият"нинг турли ниқоблар, жозибали шиор ва пардалар остида ҳаракат қилиши катта маънавий йўқотишларга олиб келмоқда. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, халқларнинг миллий маданияти ва маънавиятига болта уриш орқали ёт ғоя ва зарарли дунёқарашни инсонлар онгига сингдирмоқда. Натижада "оммавий маданият" ҳар қандай халқ ва миллатни миллий манфаатларга таҳдид солиш орқали маънавий тубанликка гирифтор этмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислоҳ Каримов: "Ҳап шу ҳақида борар экан, "оммавий маданият" муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз лозим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-ҳаришлик руҳи ҳукмрондир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фиғони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демокдалар. Биз бу билан ҳисоблашимиз керак. Ажойиб маданий анъаналар соҳиби бўлган халқимизни маънавий айниш ва қўпол пасткашликдан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қатъий чоралар кўриш керак"⁶, дея таъкидлайди. Бинобарин, халқимиз, миллатимиз маънавияти, маданиятига раҳна солишга интилаётган "оммавий маданият" таҳдидлари бу борада жиддий фикрлашни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз ёшларини "оммавий маданият" таҳдиди ва тажовузидан муҳофаза қилиш мақсадида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва ин-

теллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларни XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли, аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда "оммавий маданият" таҳдидининг олдини олишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

— миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид бўлган, ўзида зарарли ғоялар, мафкуравий хуружларни намоён этувчи "оммавий маданият" моҳиятини англаш, аниқлаш орқали унинг асл моҳиятини очиб бериш;

— миллий ўзлимиз, азалий қадриятларимизга ёт бўлган, ёшларимиз онги, қалбини эгаллашга қаратилган паст савияли "оммавий маданият" таҳдидига қарши жамиятнинг барча қатламларини мафкуравий қуроллантириш;

— миллий маънавиятимизга раҳна солиш орқали миллий ўзликни англашга путур етказувчи "оммавий маданият" ҳаракатига йўл қўймаслик;

— "оммавий маданият"нинг турли хил таҳдидларидан асраш, унга қарши курашда узлуксиз таълимнинг барча босқичларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини бир мақсад йўлида сафарбар этиш.

"Оммавий маданият"нинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этишнинг энг самарали усули сифатида ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиш орқали уларни доимо огоҳликка даъват этиш муҳим аҳамият касб этади.



¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. 117-б.

² А.Тулупов. Ислоҳ ва ақидаларст оқимлар. Иккинчи нашр. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. 292-б.

³ Қ.Қуронбоев. "Оммавий маданият" ахборот сифатида: тарихий ва замонавий кўринишлари //Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув-услубий семинарлар бўйича материаллар тўплами. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. -Тошкент: 2012. 223-б.

⁴ А.Эркаев. Курашдаги икки тўлқин... ёхуд маданиятлар интервенцияси //Тафаккур. 2013. -№4. 18-б.

⁵ И.А.Каримов. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 2006. Т.12. 108-б.

⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 222-б.

Аброр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
Наманган вилояти бўйича назорат инспекцияси
етакчи назоратчи-ҳуқуқшуноси, мустақил изланувчи

ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ЖИСМОНИЙ ШАХС (ФУҚАРО)ЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

- ◆ Мақола фуқаролар соғлиғини сақлаш субъекти сифатида жисмоний шахсларнинг иштироки масалалари таҳлиliga бағишланган.
- ◆ Статья посвящена анализу вопросов участия физических лиц как субъекта охраны здоровья граждан.
- ◆ The issues of participation of individuals as the subject of the health of citizens is analyzed in this article.

Таянч сўзлар: жисмоний шахс, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар, ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя, кафолат чоралари.

Ключевые слова: физическое лицо, нормативно-правовые акты, договора, правоспособность, дееспособность, гражданско-правовая защита, меры гарантии.

Key words: individual, regulations, contracts, legal capacity, capacity to act, civil-law protection, safeguard measures.

Ҳуқуқ субъектлари ҳар доим тегишли ҳуқуқий муносабатнинг бирламчи ва асосий элементи ҳисобланади. Субъектлар ўзларига тегишли ҳуқуқ ва муомала лаёқати доирасида муайян ҳуқуқий муносабатга киришадилар ва ўзлари учун муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида субъектлар учга бўлинади ва улар ҳуқуқий муносабатнинг тенг равишдаги иштирокчилари ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддаси 2-қисмига биноан фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар. Албатта, ҳар бир субъектнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати амалдаги қонунчиликда белгиланган ва бунда тегишли субъектнинг мақомидан келиб чиқилган. Бинобарин, фуқаролик ҳуқуқида субъектлик энг муҳим категориялардан бири ҳисобланади. Лекин фуқаролик ҳуқуқининг ва умуман барча ижтимоий муносабатларнинг асосий ва бирламчи субъекти фуқаролар — жисмоний шахслар ҳисобланар экан, энг аввало, жисмоний шахсларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш субъектлик ҳолатини талқин этишга киришамиз.

Инсониятнинг тарихий ривожланиш босқичларида эътибор қаратилса, жисмоний шахс — фуқаронинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми турли даврларда турлича белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Шахснинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолати асрлар давомида қуйидаги бир қатор омиллар таъсирида ўзга-

риб борди: табақавий ва миллий мансублик, фуқаролик, диний эътиқод, жинс, ёш, машғулот тури, эгаллаб турган лавозими ва бошқалар. Бу ҳолатлар, биринчи навбатда, шахснинг жамиятда тутган ўрни (бир-бирига нисбатан олганда), фуқаролиги ва жинси билан изоҳланади.

Дастлабки даврларда фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ субъекти сифатида шаклланишига диний нормалар катта таъсир кўрсатган. Биринчи навбатда, бу ҳолат мусулмон ҳуқуқида яққол намоеън бўлган ва мусулмон ҳуқуқининг қоидалари шахснинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолатини унинг эътиқоди даражасидан келиб чиқиб белгилаган. Ўз навбатида, муомала лаёқати муайян ёшга етиш, руҳий ва жисмоний соғломликдан келиб чиқилган.

Ҳуқуқ субъектликлиги институтининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичларида мутафаккирларнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу қарашларда шахснинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолати ривожланишининг асосий йўналишлари барча шахсларнинг тенглигини доимо ҳисобга олиб бориш орқали белгилаб берилган.

Ислоҳ ҳуқуқида ҳуқуқ субъектликлиги институти кенг талқин этилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бироқ бунда, шахснинг ҳуқуқий ҳолати диний нуқтаи назардан келиб чиқиб аниқланган.

Бир-биридан мураккаб ижтимоий таркиб билан фарқ қиладиган жамиятдаги турли гуруҳ вакилларининг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолатини белгилаш бошқа ҳуқуқ ти-

зимлари каби ислом ҳуқуқида ҳам табақалашув характериға эға бўлиб, бу қўйидағи омиллар билан белгиланар эди: озод ёки қарамлик категориясига мансублик, келиб чиқиш, туғилиш ҳолати, оиладағи ўрни, ҳолати, жинси, миллати ва диний эътиқоди. Фуқаролик ҳуқуқининг барча институтлари ва нормалари табақалашуви категориясидан келиб чиқиб белгиланиб, барча жисмоний шахсларнинг тенглиги ғояси миллий қонунчиликда нисбатан кейинчалик шаклланди.

Фуқаролик ҳуқуқ субъектчилигининг вужудға келиши ва ривожланишининг миллий концепцияси бу соҳадағи ижтимоий муносабатларни тартибға солишнинг яғона ёндашуви йўқ эканлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирға, ҳудудий давлатларнинг ташкил этилиши (XXСР, БХСР, Туркистон ўлкаси) норматив тартибға солишни қийинлаштирди, ҳуқуқ манбаларининг кўплиги эса қарама-қаршилиқ ва номувофиқликни кучайтирди¹. Муслмон давлатларида ҳам ҳуқуқий қоидаларни шакллантиришда диний нормалар кучли таъсир ўтказди. Ислом аҳкомларида белгиланган диний даражадағи шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолати аҳоли бошқа қатламларининг ҳуқуқий ҳолатидан тубдан фарқ қилар эди².

Ҳуқуқ субъектчилиги шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий хусусияти бўлиб, давлат томонидан бевосита тан олинishi ва жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби сифатида иштирок этиш имконини беришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши билан фуқаролар фуқаролик ҳуқуқ субъектчилиги концепциясининг ўзига хос хусусияти миллий фуқаролик ҳуқуқида ижтимоий-иқтисодий жиҳат ҳисобланади. Ушбу жиҳат фуқаролар (жисмоний шахслар) мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини тўлиқ ва тенг асосларда қаноатлантиришға қаратилган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқининг қўйидағи тамойилларига асосланади:

- фуқаролар (жисмоний шахслар) тенглигини тан олиш;
- улар мулкий манфаатларининг дахлсизлиги;
- эркин ифодалаш эркинлиги;
- фуқароларнинг шахсий ишларига бошқа шахсларнинг ўзбошимчалиқ билан аралашиларига йўл қўйилмаслиги;
- бузилган ҳуқуқлар тикланишининг давлат томонидан таъминланиши;
- бузилган фуқаролик ҳуқуқларининг судда ҳимоя қилиниши³.

Ҳуқуқ субъектчилиги фуқаро ва давлатни белгиланган нормалар орқали боғлайдиган ҳуқуқий тоифа бўлиб, ўзининг муайян мақсад ва вазифаларига эғадир.

Жамият ривожланишининг муайян босқичларида унинг субъектлари манфаатларини амалға ошириш ва ҳимоя қилиш учун ҳуқуқ субъектчилигининг турли назариялари ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш ўринлики, "ҳуқуқ субъектчилиги" категорияси мустақил ҳуқуқий жиҳатта эға бўлиб, ундан ҳуқуқ субъектларига комплекс тавсиф беришда фойдаланиш объектив зарурият ҳисобланади. Ҳуқуқ субъек-

тчилигининг мавжудлиги ва мазмуниға фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалға ошириш ёки оширмаслик факти таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, ҳуқуқ субъектчилиги кўп маротаба ёки тўхтовсиз амалға оширилганда ҳам тугамайди, аксинча, у доимий ва ўзгармас бўлиб қолаверади. Айнан шу хусусиятлар: тугамаслик ва доимийлик ҳуқуқ субъектчилигининг фуқаролик ҳуқуқидағи ҳуқуқий категория сифатидағи ижтимоий хусусиятини намоён қилади⁴.

Фуқаролар ижтимоий муносабатларға киришар экан, ушбу муносабатларнинг предмети ва характериға кўра, биринчи навбатда, ҳуқуқ субъектчилигини шу соҳада қўллади. Фуқаро битта ҳуқуқ соҳасининг субъекти ҳисобланмайди, зеро, инсон ҳуқуқий тартибға солишнинг барча механизмларини ҳаракатта келтирувчи асосий куч ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқ субъектчилигини ўрганиш баъзида фақат фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқ субъектчилигини алоҳида ҳолда қўллаш мумкин, ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида субъект фақат фуқаро бўлади ҳамда уғина ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатиға эға бўлиши мумкин, — деган ҳулосаға келишға имконият яратади⁵.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ субъектчилиги ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидағи фуқароларнинг ҳуқуқ субъектчилигидан шу билан фарқ қиладики, биринчи навбатда, у фуқароларда туғилиш билан бошланади, бироқ объектив ва субъектив омиллар сабабли, ҳуқуқ субъектчилигидан фойдаланишда ҳар доим умумийликка эришиб бўлмайди, яъни унинг категорияларини бир вақтда яхлитлаштириб бўлмайди. Юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ субъектчилиги бошқачароқ бўлиб, уларда ҳуқуқ субъектчилиги бир вақтда вужудға келади.

Инсон манфаатлари, биринчи навбатда, хусусий мулкни ривожлантиришға қаратилган иқтисодий манфаатлари бевосита бошқа ижтимоий муносабатларға ҳам таъсир кўрсатади. Асосан мулкий муносабатларни тартибға соладиган фуқаролик ҳуқуқи билвосита ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига таъсир кўрсатади ва уларни тартибға солади. Масалан, эр ва хотин ўртасидағи мулкий муносабатлар, эмансипация қилинган шахснинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, ер участкасига эғалиқ қилиш ва ундан фойдаланиш ва ҳоказолар. Кўриниб турибдики, бу вазиятларда фуқаролик ҳуқуқининг оила ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи ва ер ҳуқуқи билан интеграциялашуви содир бўлади. Бу ерда фуқаролар фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлганлари ҳолда, бевосита кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ соҳаларининг ҳам субъектлари ҳисобланадилар.

Ижтимоий муносабатлар айрим соҳаларининг характери соҳавий ҳуқуқ субъектчилиги хусусиятларини асослантиради. Меҳнат ҳуқуқида соҳавий ҳуқуқ субъектчилиги дифференциацияси (таксимоти) жинс ва ёшдан келиб чиқиб ажратилади (аёллар ва ўсмирлар учун имтиёзли шартлар белгиланган), жиноят ҳуқуқида ёшни белгилаш ақли расолик даражаси билан ифодаланади ва жавобгарликни белгилаш шарти бўлиб хизмат қилади. Масалан, жиноят ҳуқуқида жавобгарликка тортиш ёши — 16 ёш қилиб белги-

ланган, жиноятларнинг айрим турлари учун 13 ёш белгиланган, фуқаролик ҳуқуқида эса жавобгарлик 14 ёшдан бошланади. Шу сабабли шахс мустақил жавобгар бўлиши учун ягона ёшни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бинобарин, жиноят ва фуқаролик қонунчилигидаги номувофиқликни, шахснинг фуқаролик ҳуқуқидаги деликт жавобгарлиги вужудга келишидан олдин жиноий жавобгар бўлишини барта-раф этиш лозим.

Фуқаролар соғлиғини сақлашда жисмоний шахслар асосий субъект ҳисобланади, чунки биологик мавжудот сифатида инсон соғлиғини сақлаш айнан фуқаро — жисмоний шахснинг ақлий меҳнати, касбий малакасига асосан амалга оширилади. "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунга кўра, соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий тиббиёт амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларига тааллуқли даволаш-профилактика муассасалари фуқароларнинг айрим гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатадилар. Бундай хизматларнинг ҳажми, рўйхати, уларни кўрсатиш тартиби ҳамда компенсацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилишига рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ҳамда даволаш воситаларидан фойдаланилади (қонуннинг 10-моддаси).

Бугунги кунда тиббий фаолиятни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2008 йил 10 апрелдаги "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштиришга доир асосий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 150-сон буйруғида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги қарори билан тасдиқлан-

ган "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида"ги низомга кўра, тиббий фаолият тегишли тиббиёт муассасаларида амбулатор ва стационар типда маслаҳат бериш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича хизматлар ҳажмида амалга оширилади.

Мазкур қарор билан тиббий фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари, тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисосликлари турларининг рўйхати назарда тутилган.

Жисмоний шахснинг тиббий фаолият билан шуғулланишига рухсат берилиши учун низомда белгиланган шартларнинг барчаси фуқаролар соғлиғини сақлашда зарур бўлган энг муҳим омиллар ҳисобланади ва уларга амал қилинишини давлатнинг тегишли органлари назорат қилади. Жисмоний шахсларга қонунчиликда тиббий фаолият билан шуғулланиш орқали фуқароларнинг соғлиғини сақлашда иштирок этиш ҳуқуқи нафақат қонуний чоралар ва талаблар билан белгиланади, балки муайян ахлоқий мезонлар ва қонуниятларга таянади. Масалан, врачлик дипломини олишда бемор соғлиғини сақлашдаги масъулият ва мажбурият хусусидаги тантанали қасамёдни (Гипократ) қабул қилиш ва маънавий руҳий жиҳатдан умрбод ушбу қасамёдга содиқ қолиш, жисмоний шахснинг фуқаролар соғлиғини сақлашда бошқа субъектларга қараганда масъулияти ва мажбурияти юқорилигини кўрсатади. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, фуқаролар соғлиғини сақлаш субъекти сифатида жисмоний шахс — фуқаронинг иштироки, унинг масъулияти ва мажбуриятини янада ошириш зарур. Чунки, бевосита бемор билан ишлаш ҳамда уни даволаш жисмоний шахс томонидан амалга оширилади ва унинг арзимаган хатоси жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, жисмоний шахсларнинг фуқаролар соғлиғини сақлашдаги иштирокларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя ва кафолат чоралари ҳамда усулларини кенгроқ қўллаш лозим бўлади. Жумладан, врачлик фаолиятини ва ундаги хаталикларни суғурталаш, врачлик хатоси туфайли жабрланган беморларни ҳимоя қилиш фондини ташкил этиш, врачлик хатоси туфайли етказилган зарарларни қоплашда давлатнинг субсидиар иштирокини белгилаш ҳамда врачлар малакасини ошириш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимини янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилган бўлур эди.

¹ И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. -Тошкент: Адолат, 1996. 296-б.; Т.А.Умаров. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахснинг ҳуқуқий ҳолати. -Тошкент: Ijod dunyosi, 2003. 98-б.

² С.А.Исхаков. Ислоҳ фуқаролик ҳуқуқи асослари. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. -Б.58-59.

³ А.А.Мухаммадиев. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. 71-б.

⁴ М.Х.Баратов. Давлат фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида / Масъул муҳар. И.Б.Зокиров. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. 22-б.

⁵ Ҳ.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари. -Тошкент: ТДЮИ, 2008. 25-б.

Джахонгир САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ОИД ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ТАТБИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

◆ Мақолада экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликка оид халқаро ҳужжатлар таҳлил этилиб, уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш, шу жумладан, юридик шахслар жиноий жавобгарлигини амалга ошириш истиқболлари юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

◆ В статье проанализированы международные акты в сфере ответственности за экологические преступления, а также разработаны предложения и рекомендации по их внедрению в национальное законодательство, в частности, по перспективам реализации уголовной ответственности юридических лиц.

◆ In the article international acts in sphere of responsibility for ecological crimes are analyzed, and also developed offers and recommendations on their implementation in national legislation, in particular, on prospects of realisation of criminal responsibility of juridical persons.

Таянч сўзлар: экологик жиноятлар, жиноий жавобгарлик, халқаро ҳужжатлар, директива, миллий қонунчилик, юридик шахслар, имплементация.

Ключевые слова: экологические преступления, уголовная ответственность, международные акты, директивы, национальное законодательство, юридические лица, имплементация.

Key words: ecological crimes, criminal responsibility, international acts, directives, national legislation, juridical persons, implementation.

Сўнги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг тобора ортиб бораётганлиги барқарор ривожланишнинг муқаррар шартларидан бири сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу маънода атроф-муҳитни турли ҳуқуққа хилоф таъсирлардан муҳофаза қилиш — жиноят, маъмурий, экология ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг устувор вазифаларидан бирига айланиб улгурди. Экологик ҳуқуқбузарликлар миқдорининг ортиши, атроф-муҳит сифатининг пасайиши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқий нормаларининг даражасини ошириш, ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича умумий сарф-харакатларни бирлаштиришни тақозо этади. Бир қатор сабабларга кўра экологик муаммолар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи ушбу соҳадаги ҳуқуқнинг ривожланишида ўзига хос лоқомотив вазифасини бажарётган Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Европа давлатлари томонидан ушбу соҳада муайян стандартлар ишлаб чиқилган ва татбиқ этилмоқда. Гарчанд, уларнинг аксарияти тавсиявий хусусиятга эга бўлса-да, улар тобора императив тус касб этиб бормоқда.

ЕИнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартларни қабул қилиши қуйидаги аф-

залликларга эга: экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашдаги кучларни бирлаштириш ва унификациялашга хизмат қилади; ривожланган давлатлар томонидан тўпланган тажрибадан фойдаланиш доирасида давлатларнинг ўзаро интеграцияси юз берди¹. Фикримизча, Ўзбекистон парламенти томонидан ушбу соҳадаги стандартлар қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши мумкин бўлиб, бундай интеграция ҳолати ва имкониятларини ба-тафсилроқ кўриб чиқсак.

Европа ҳудудидаги давлатлар зиммасига атроф-муҳитга зарарли ва ҳуқуққа хилоф таъсир кўрсатишни чеклаш бўйича қатъий чоралар қабул қилиш мажбуриятини юкловчи асосий ҳужжатлардан бири бу — Европа парламенти ва Кенгашининг 2008 йил 19 ноябрдаги "Атроф-муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 2008/99/ЕИ Директиваси ҳисобланади. Ушбу ҳужжат илгари амалда бўлган ҳужжатларга нисбатан табиатни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик нормаларини қатъийлаштириши ва барча ЕИ аъзо-давлатлари учун мажбурий мақомга эгаллиги билан тавсифланади. Айнан ушбу ҳужжат мазкур давлатлар жиноят-экологик сиёсатини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланиши боис, уни атрофлича кўриб чиқамиз.

Директиванинг преамбуласи унинг ҳаракат доираси билан боғлиқ муҳим жиҳатларни белгилайди. Унда белгиланишича, "атроф-муҳит соҳасидаги Иттифоқ сиёсати юқори даражадаги химояга қаратилган бўлиши лозим". Бу ЕИнинг барча асосий стратегик ҳужжатларига мос келади. Ушбу стандарт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам тан олинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаларида инсонлар ҳаёти асоси ва манбаи сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зарурияти эътироф этилган. Бундан ташқари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — глобаллашув ва табиат учун хавfli технологияларнинг кенг тарқалиши шароитида мутлақо зарур бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбурияти ҳамдир. Иттифоқ экологик жиноятлар ўсиши ва уларнинг оқибатларидан, ушбу жиноятларнинг тобора улар содир этилган давлат чегараларидан тарқалаётганидан ташвишда. Ушбу жиноятлар атроф-муҳитга зарар етказмоқда ва "уларга нисбатан қаттиқ жавоб муносабатини билдириш"ни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида табиий муҳитни жиний тажовузлардан қўриқлаш унинг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган (ЖК 2-моддаси биринчи қисми). Шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш ҳам Жиноят кодекси вазифаларидан ҳисобланади ("уларга нисбатан қаттиқ жавоб муносабатини билдириш" доирасида).

Директива мавжуд жазо тизими атроф-муҳитни муносиб химоя қилишни таъминламай, маъмурий чоралар самарасиз, жазо айбдор шахсларни юқори даражада жамоатчилик томонидан танбех берилишида ифодаланиши лозимлигини эътироф этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам ушбу муаммо кескин тус олган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси амалга киритилган вақтдан бошлаб, экологик жиноятлар учун жавобгарликка тортиш амалиёти яхши ривожланмаган, бу борада жазо чоралари етарлича самара бермаяпти, кенг латентлик ҳолати кузатилади, айниқса, етказилган зарарни қоплаш масаласида муаммолар кўп учрайди. Директива жазонинг янги турини жорий этишни таклиф қилади. Шунингдек, экологик жиноятлар учун ягона жазо тизимининг мавжудлиги уларни тергов қилишнинг сифатли услуби шаклланишига имкон беради.

Директива экологик хавfli ишлаб чиқариш устидан юқори назорат тизими юритилиши мажбуриятини мустақамлаб, профилактикани чуқурлаштириш асосларини, шунингдек, хавф остида қолдирганлик учун жавобгарликни белгилайди. Унда белгиланишича, қасддан содир қилинган ҳаракатлар, шунингдек, жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлган ҳаракатлар жиноят сифатида тан олинши лозим. Ушбу жиҳатлар миллий жиноят ҳуқуқи учун ҳам долзарб саналади.

Хусусан, Директиванинг 3-моддасига мувофиқ, куйидаги қилмишлар жиноят сифатида тан олин-

ши шарт:

(а) катта миқдордаги моддаларни ёки ионлаштирувчи радиацияни ҳаво, тупроқ ёки сувга чиқариш, эмиссия қилиш ёки киритиш натижасида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етиши. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 14-боби шу каби ўхшаш жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутди (ушбу моддалар атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун жавобгарликни кўзда тутди, бироқ айнан атроф-муҳитни радиоактив ифлослантирганлик учун жавобгарликни белгиловчи норма мавжуд эмас; ЖКнинг 252-254-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар бошқа бевосита асосий объектларни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, радиоактив ифлосланишдан химояланганлик ҳолати фақатгина қўшимча объект сифатида намоён бўлади);

(б) чиқиндиларни тўплаш, ташиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш, шунингдек, чиқиндиларни утилизация қилиш жойларини қайта тиклаш устидан назорат қилиш фаолияти, шу жумладан, дилер ёки брокерларнинг (чиқиндиларни бошқариш бўйича) фаолияти натижасида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот, ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етиши (Ўзбекистон жиноят қонунинда чиқиндилар билан тегишли ва лозим даражада муомала қилмаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилмаган);

(с) чиқиндиларни ташиш, башарти ушбу фаолият Европа Иттифоқи парламенти ва Кенгашининг 2006 йил 14 июндаги 1013/2006-сон "Чиқиндиларни ташиш тўғрисида"ги регламентининг 2(35)-моддаси таъсирига тушса ва кўп бўлмаган миқдорда бир ёки ўзаро яққол боғлиқ бўлган бир неча марталик ташиш асосида амалга оширилса (Ўзбекистон жиноят қонунинда чиқиндилар билан муомала қилишга оид жавобгарлик кўзда тутилмаган);

(д) хавfli фаолият турларини амалга оширувчи заводни ишга тушириш ёки заводнинг фаолиятида унинг ҳудудидан ташқарида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалардан фойдаланиш ёки сақлаши (ушбу жиноят таркиби қисман ЖКнинг 193-моддаси билан қамраб олинади);

(е) парчаланувчи материаллар ёки бошқа хавfli радиоактив моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, фойдаланиш, ташиш, экспорт ва импорт қилиш натижасида ўлим ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етса, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етса ёхуд шундай хавfli келтириб чиқарса (ушбу жиноят таркиблари ЖКнинг 193, 253, 254-моддаларида кўзда тутил-

ган муқобил ҳаракатлардан бири орқали содир этилади);

(f) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турларини ўлдириш, яшаш муҳитини бузиш, саклаш ёки тутиш, ушбу фаолият мазкур турларга нисбатан аҳамиятсиз миқдорда содир этилган ёки объектларнинг муҳофаза қилиниш мақомига жиддий таъсир кўрсатмайдиган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон жиноят қонунини фауна ва флоранинг муҳофаза қилинадиган турларига нисбатан жиноятнинг "ўлдириш" таркибини умуман кўзда тутмайди, фақатгина ЖКнинг 198, 202-моддаларида "шикаст етказиш", "нобуд қилиш", "кесиш", "пайҳон қилиш", "ушлаш", "йиғиш", "тайёрлаш" каби ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган);

(g) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турлари ёки уларнинг қисмлари ёхуд улардан тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қилиш, ушбу фаолият мазкур турларга нисбатан аҳамиятсиз миқдорда содир этилган ёки объектларнинг муҳофаза қилиниш мақомига жиддий таъсир кўрсатмайдиган ҳоллар бундан мустасно (ЖКда мазкур қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган);

(h) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турлари яшаш жойларига жиддий зарар етказувчи ҳар қандай фаолият турлари (ЖКда мазкур жиноят таркиблари 202, 204-моддаларида мустаҳкамланган);

(i) озонни бузувчи моддаларни ишлаб чиқариш, импорт, экспорт қилиш, улар билан савдо қилиш ва фойдаланиш (ЖКда мазкур таркиб учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган).

Ўзбекистон Республикасининг ЖКда Директивада кўзда тутилган жиноят таркибларининг белгиланганлиги тўғрисидаги масалани таҳлил қилиб, таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилик барча жиноят таркибларини қамраб олмайдди, уларнинг бир қисми "Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар"га бағишланган 14-бобдан ташқарида қолган. Экологик жиноятларни таснифлаш асосан предмет бўйича амалга оширилгани ҳолда, объектив томон эътибордан четда қолган, нормаларнинг асоссиз рақобати юзага келишига сабаб бўлган. Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг жиддий камчилиги сифатида унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноят таркибларида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларига нисбатан "хавф остида қолдириш" таркиби амалда кўзда тутилмаганини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, ЖКнинг 14-бобида кўзда тутилган аксарият жиноят таркиблари моддий таркибли жиноят сифатида шакллантирилган бўлиб, қилмишни тугалланган жиноят сифатида квалификация қилиш учун ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққан бўлиши талаб қилинади. Бунда қоида тариқасида Жиноят кодекси экологик жиноятларга оид моддаларнинг иккинчи ва кейинги қисмлари икки гуруҳ оқибатларни ("Атроф табиий муҳитни ифлослантириш" (196-модда) деб номланган норманинг иккинчи қисми одам ўлимига сабаб бўли-

шини кўзда тутати, бунинг учун ушбу оқибат ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш натижасида келиб чиқиши лозим) кўзда тутати. Икки оқибатнинг бўлиши, ўз навбатида, биринчи оқибат ва иккинчи оқибатлар ҳамда қилмиш ўртасидаги сабабий боғланиш бўлишини назарда тутати. Ҳозирги кунда фаннинг ривожланиш даражаси ҳаммиша ҳам амалда ифлосланиш ва инсон касалланиши ўртасидаги тўғридан-тўғри бевосита сабабий боғланишни аниқлаш имконини бермайди.

Фикримизча, миллий жиноят қонунчилигини экологизациялаш жараёнида Директивада белгиланган стандартларни имплементация қилиш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини сезиларли даражада оширган бўларди. Шу маънода ЖКга қуйидаги мазмундаги концептуал ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ:

1. ЖКнинг 14-бобида ядровий, радиоактив, ионлаштирувчи материаллар, предметлар ва қурилмаларнинг экологик хавфли муомаласи учун жавобгарликни белгилувчи нормаларни киритиш ва унда таркибларни содир этиш усулига қараб фарқлаган ҳолда, жавобгарликни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб дифференциация қилиш лозим. Бунда ушбу нормаларни айнан "Экология соҳасидаги жиноятлар" бўлимига жойлаштириб, бошқа бобларда мавжуд бўлган нормаларни бекор қилиш.

2. ЖКда хавфли чиқиндиларни ташиш, жўнатиш учун жавобгарликни белгилувчи жиноят таркибини белгилаш (бунда ушбу тоифа чиқиндиларни ташиш, жўнатиш тартибини белгилувчи бланкет қонунчиликнинг сифатини яхшилаш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш талаб қилинади).

3. ЖКда балиқ ва ёввойи ҳайвонларни ноқонуний овлаш билан боғлиқ жиноят таркибини белгилаб қўйиш, бунда Директиванинг ёввойи флора ва фауна объектларини ўлдириш билан боғлиқ қоидаларини татбиқ этиш.

4. Предмети атроф-муҳит объекти бўлган ноқонуний битимларни тузганлик учун жинорий жавобгарлик белгилаш. Бу, ўз навбатида, экологик жиноятларни тергов қилиш сифатига таъсир кўрсатади, экологик жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш даражаси ошади ва пировардида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза даражаси ортади.

5. Озон қатламини бузувчи ижтимоий хавфли қилмишлар учун жинорий жавобгарликни алоҳида моддада белгилаш.

6. Экологик жиноятлар таркибини хавф остида қолдириш принципи асосида қайтадан шакллантириб чиқиш лозим. Бу жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектини ва жиноят объектини бўлишда асосли ва амалга оширилиши мумкин бўлади. Муҳим ижтимоий муносабатлар хавфсизлиги муҳофаза остига олиниши ва улар бузилгунга қадар бўлган ҳолати муҳофазаланиши лозим. Шунда жиноят қонун нормалари жиноят содир этилгунга қадар ҳам тўлақонли амал қилади ва қилмиш натижасида оқибат келиб чиқмай туриб ҳам хавф остида қол-

дирганлик учун жиноий жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Директиванинг 4-моддаси қасддан иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар учун жазо миқдорини ошириш заруриятини кўзда тутди. ЖК экологик жиноятлар таркиблари мажмуида фақатгина битта моддада (ЖК 202-моддаси иккинчи қисми "в" банди ва учинчи қисми "д" банди) иштирокчилик жиноятни оғирлаштирувчи квалификациявий ҳолат сифатида нормаланган. Амалиётда экологик жиноятларнинг кўп ҳолларда айнан иштирокчиликда содир этилишини ҳисобга олиб, экологик жиноятларнинг бошқа таркиблари учун ҳам оғирлаштирувчи ҳолат сифатида иштирокчиликни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Жавобгарлик жиноят ҳуқуқининг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Самарали, мутаносиб ва жиноят содир этишдан тийиб турувчи жиноий жавобгарлик чоралари бўлишининг зарур эканлиги Директиванинг 5-моддасида белгиланган стандартлардан биридир. ЖКнинг 14-бобидаги нормалар муайян даражада хилма-хил ва самарали санкциялар билан мустаҳкамлангандек туюлади. Улар орасида, айниқса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва жарима каби жазо чораларининг белгиланиши асослидир. Бироқ ушбу жазо турларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш экологик жиноятлар учун асосан шартли жазо қўлланилаётгани ҳамда бу хусусий ва умумий олдини олиш чораларини самарали амалга ошириш имконини бермайди.

ЖК жазо тизимида жиноят содир этган шахс томонидан етказилган зарарни тиклаш тартиби кўзда тутилмаган. Ушбу чора фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий тартибда амалга оширилиши мумкин. Етказилган зарарни тиклаш бўйича бошқача чоратadbирлар ЖКда кўзда тутилмаган. Директива давлатлар зиммасига юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жавобгарлигини киритиш мажбуриятини юқлайди. Умуман, ҳуқуқ назариясида бугунги кунда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласида анча кенг мунозаралар бўлмоқда. Гарчанд, романо-герман ҳуқуқ тизимининг ушбу янгиликка муносабати ижобий бўлмаса-да, бу борадаги мунозаралар тобора жонланиб, унинг тарафдорларининг далиллари кўпайиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда юридик шахслар жиноий жавобгарлигини амалга оширишнинг бир неча усуллари мавжуд. Ушбу концепциялар бугунги кунда жиноят ва экология ҳуқуқида кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур концепциялардан бирига мувофиқ юридик шахсларга субъектив томон, хусусан, айб тўғриси-

даги қоидалар қўлланилиши мумкин. Юридик шахс руҳий фаолиятни амалга оширишга қодир мустақил субъект сифатида тан олинади. Сўнги пайтларда юридик шахсларда ўзига хос инсон "альтер эго"си ривожлантирилиши тўғрисидаги концепция янада кенг тарқалмоқда. Ушбу концепция АҚШ, Буюк Британия ва бир қатор англо-саксон давлатлари қонунчилигида ўз аксини топган.

Иккинчи концепция юридик шахсда тўлақонли субъектив томон бўлишини эътироф этмайди, юридик шахсни бевосита жиноят субъекти деб ҳисобламайди. Ушбу концепция тарафдорлари юридик шахсни у жиноят содир этиш усули бўлган ёхуд жиноят юридик шахс манфаатларини кўзлаб ёки унинг номидан содир этилган ҳоллардагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, деб таъкидлайдилар. Бу ҳолатда жиноий жавобгарлик чоралари бевосита бажарувчига (ва бошқа иштирокчиларга) ҳамда бевосита юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларига ажратилади. Мазкур концепция ғояси Франция ҳамда бошқа Европа ва Африка давлатларида самарали қўлланилиб келмоқда.

Учинчи концепцияга биноан юридик шахс унинг иштирокчилари томонидан жиноят содир этилганда фақатгина маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ҳозирги кунда ушбу концепция Россия Федерациясида қўлланилмоқда².

Мавжуд юридик шахслар жавобгарлиги чораларининг барча ўзига хос хусусиятларини, ушбу институтни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, дастлабки икки концепция нисбатан самаралироқ бўлади, деган хулосага келиш мумкин. Бунда биринчиси афзалроқ деб ҳисоблаймиз, чунки айнан у атроф-муҳитни муҳофаза қилишни амалга ошириш учун кўпроқ имконият яратиб беради. Мазкур йўналишда жиноий жавобгарликни амалга ошириш учун жиддий тўсиқлар кўзга ташланмайди. Директивада жиноий жавобгарликка тортиш экологик жиноятларнинг бевосита бажарувчиларининг жавобгарлигини истисно этмаслиги кўзда тутилган. Шу билан бирга, унда юридик шахслар учун аниқ жазолар кўрсатилмаган бўлиб, фақатгина бундай жазолар бўлиши лозимлиги эътироф этилиши билан чекланилган. Директива қоидалари ўз аксини топган стандартлар таҳлили улар атроф-муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш сифатини сезиларли даражада ошириши, жиноят ҳуқуқи мақсад ва вазифаларига мос келиши, аъънавий жазо тизимидан самаралироқ эканлиги билан тавсифланади. Ушбу стандартлар универсал бўлиб, миллий қонунчиликка жиддий ўзгаришларсиз киритилиши мумкин.

¹ Дубовик О.Л. Формирование уголовно-экологического законодательства Европейского союза: цели, тенденции, перспективы и реализация //Международное уголовное право и международная юстиция. -М., 2009. -№4. -С.13-16.; Кодификация экологического законодательства в ФРГ // Экологическое право. -М., 2010. -№6. -С.40-43.; Брославский Л.И. Уголовная ответственность за экологические преступления в области охраны вод в США //Журнал российского права. -М., 2008. -№3.

² Забавко Р. Новые стандарты уголовно-правовой охраны окружающей среды (на основе Директивы Европейского Парламента и Совета 2008/99/ЕС от 19 ноября 2008) //Право и жизнь. -М., 2011. -№160.

Фарица РАМАЗАНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

◆ Мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри тушуниш, қабул қилинаётган қонунлар мазмунини баҳолаш ва уларнинг бошқа ҳуқуқий нормаларга бўлган таъсирини кучайтириш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

◆ В статье исследуются вопросы правильного понимания сущности реформ, осуществляемых в Республике Узбекистан, оценки содержания принимаемых законов и их влияния на другие правовые нормы.

◆ The article explores the issues of correct understanding of the reforms implemented in Uzbekistan, evaluation of the content of laws and their impact on other legal provisions.

Таянч сўзлар: суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жиноят процесси юритиш тартиби, далилларнинг турлари, далилларни текшириш, исбот қилиш.

Ключевые слова: судебно-правовые реформы, реформирования уголовного судопроизводства, виды доказательств, проверка доказательств, доказывание.

Keywords: judicial-legal reforms, the process of reforming the criminal justice system, types of evidence, verification of evidence, substantiation.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш сари интилиб келди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги билан суғорилган, халқаро талабларга жавоб берадиган қонунларнинг қабул қилиниши ҳуқуқий демократик давлат сари улкан қадам ташланганидан далолатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, "Судлар тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилиниши, жиноятчиликка қарши курашда давлат стратегик сиёсатининг амалга ошириб келинаётгани республикамизда тинчлик ва барқарорликни, криминоген вазиятни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг буғунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини из-

чил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир¹. Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги сиёсатнинг омма томонидан қўллаб-қувватланаётганининг боиси, унинг халқчиллиги, биринчи навбатда, инсон ва фуқаро манфаатларининг муҳофаза қилинишига қаратилганидир. Шу маънода жиноят ишларини юритиш тартиби билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятда инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши мумкин бўлган ҳолатлардан бири жиноят ишларини юритиш жараёнида етарли асосларсиз жиноят процессини олиб боришдир.

Дарҳақиқат, жиноят судлов ишлари юритиш тартибини такомиллаштириш масаласини ўргана эканмиз, ўз навбатида, ушбу жараён бешта мустақил, лекин бир-бири билан узвий боғлиқликда ҳамда кетма-кетликдаги босқичлардан иборат. Буларга:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш;
- 2) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш;
- 3) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамаси;

4) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш;

5) ҳукмни ижрога қаратиш киради.

Бу босқичларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ва кетма-кетлиги шундаки, бир босқич иккинчи босқичга хизмат қилади. Бир босқич якунланмасдан туриб, иккинчи босқич бошланмайди, ҳар бир босқичнинг якуний ҳужжати иккинчи босқич фаолиятининг бошланишига асос бўлиб, пировардида, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга хизмат қилади. Масалан, жиноят ишини кўзғатиш қарори бўлмасдан туриб, дастлабки терговни олиб бориш мумкин эмас. Суд муҳокамасини ўтказмай туриб ҳукм чиқарилмайди. Ҳукм устидан шикоят ёки протест тушмаса, ҳукм, ажрим ва қарорларни текшириш босқичи бошланмайди ёки ҳукм қонуний кучга кирмаса, уни ижрога қаратишнинг имконияти бўлмайди.

Жиноят судлов ишларининг ҳар бир босқичи ўз олдига қўйган вазифани аниқ, ўз вақтида, холис, қонунда белгиланган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда бажарса, босқичлар ўртасидаги боғлиқлик йўқолмайди ҳамда процессуал фаолиятнинг натижаси ҳамиша самарали бўлади. Ақсинча, дастлабки терговда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар кейинчалик суд қарорларининг ўзгаришига ёки бекор бўлишига сабаб бўлади. Дастлабки терговнинг қонунийлигига суд муҳокамасида баҳо берилади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи ҳам бундан мустасно эмас.

Процесснинг дастлабки босқичи сифатида жиноят ишини кўзғатиш шундан иборатки, давлатнинг ваколатли органи (мансабдор шахс) жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳар бир ҳолатда иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Жиноят ишини кўзғатиш ҳужжати жиноят процессининг кейинги босқичларида қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни бажариш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади (ЖПК, 321-338-м.). Жиноят ишини кўзғатиш — бирорта ҳам жиноят иши четлаб ўтолмайдиган босқичдир.

Суриштирув ва дастлабки тергов босқичи прокурор назорати остида амалга ошириладиган суриштирув ҳамда дастлабки тергов органларининг жиноят ҳодисаси мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уни содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни фош этиш, жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш учун далилларни тўплаш, текшириш, мустаҳкамлаш ва баҳолаш бўйича фаолиятдан

иборатдир.

Юридик адабиётларда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари қаторига дастлабки тергов босқичи ҳам кириб, уларга доир қуйидаги асосли фикр мавжуд, яъни жиноят ҳодисаларини ўз вақтида очиш суриштирув, тергов ва прокуратура органлари фаолиятини дарҳол, излар босилмасдан туриб ташкил этишни талаб қилади. Бу тергов қилиш ишларини аниқ мақсадга йўналтириш ҳамда фаол равишда олиб боришга, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш вазифаларини бажаришга кўмаклашади. Жиноятларни очиш жараёнининг ўзи иш бўйича тўпланган далилларни тўла-тўқис таҳлил этишдан, исботлаш предметида дахлдор ҳолатларни ҳар томонлама текширишдан, барча айбдорларни аниқлаш ва фош этишдан иборат бўлиб, бунда далиллар муҳим аҳамиятга эга.

Далиллар хусусида сўз кетар экан, адабиётларда "далиллар фақат қонунда белгиланган манбалардан олинishi лозим. Бу манбалар ЖПКнинг 81-моддасида белгиланган гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлардир"², шунинг учун ҳам айнан шу жиҳатдан ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмида қайд этилган манбалар далил манбалари, деб номланиши учун барча асослар мавжуд. Аммо ҳозирга келиб, улар бундай номланишга эга эмас. Шу маънода ЖПКнинг 81-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этилишини таклиф этамиз: "Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, ВЭБ-камера ва рақамли фотовоситалар орқали олинган видеотасвирлар, мультимедиа воситаларида, компьютер тизимида сақланаётган ахборотлар, электрон имзолар, флэш-карта, диск, дискета, пластик карточка, уяли телефонларда сақланаётган ахборотлар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади".

Кўришиб турибдики, бундай таърифдаги норма дастлабки тергов ва суд муҳокамасида далил ва далил манбалари билан ишлашда ижобий таъсирини кўрсатиб, кўпгина муаммоли ҳолатларни ҳал этишга ёрдам беради. Чунки

мамлакатимизнинг ривожланиши ахборот технологияларининг кенг тараққиёт этиб боришидан иборатдир ва уларни ўз вақтида жиноят-процессуал қонунида қайд этилиши ҳам амалиёт, ҳам назария учун фойдали, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, фикримизча, жиноят ишини қўзғатишдан аввал бир қатор тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш лозим. Чунки бундай ёндошув жиноятларни тез очилишига ёрдам кўрсатади. Айнан шу асосда ЖПК 329-моддасининг иккинчи қисми биринчи жумласини қуйидаги тўлдиришларни ҳисобга олиб, таҳрир этишни таклиф қиламиз: "Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, ВЭБ-камера ва рақамли фотоситалар орқали олинган видеотасвирлар, мультимедиа воситаларида, компьютер тизимида сақланаётган ахборотлар, электрон имзолар, флэш-карта, диск, дискета, пластик карточка, уяли телефонларда сақланаётган ахборотларни олиб қўйиш, шунингдек, шахсни ушлаб туриш, уни шахсий тинтув қилиш, гувоҳлантириш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш ва экспертиза ўтказиш мумкин".

Кўриниб турибдики, бундай таклиф терговди текширувининг янада самарали ва унумли бўлишига олиб келади ва энг асосий фикр шундан иборат бўладики, ҳар қандай жиноятни очишда терговчи ва суриштирувчи ихтиёрида кўп ҳажмли процессуал ва тергов воситаларига эга бўлиш вазияти юзага келиб, улардан фойдаланиш албатта ўзининг ижобий натижаларини беради.

Бундан ташқари, жиноят процесси юритиш тартибини такомиллаштиришда исботлаш жараёнини далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш босқичларига бўлиниши фақат методик, жараённи чуқур ўрганиш мақсадларига хизмат қилади.

Далилни баҳолаш уни текширишнинг якуни бўлиб, шу далил исботлайдиган факт (ҳолат)ни мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлмаган, деб топилган иборатдир. Бошқача айтганда, далилни баҳолаш унинг ишончлилиги ёки ишончга сазовор эмаслиги тўғрисидаги ва мазкур далилда мужассам бўлган маълумотларнинг исботланган ёки исботланмаганлиги тўғрисидаги хулосадан иборат бўлади. Жиноят иши бўйича ҳар бир далил алоҳида ва далиллар жами сифатида баҳоланиши лозим. Фақат шу йўл билангина ишда

тўпланган далиллар асосида ишни тўғри ҳал қилиш ҳамда иш ҳолатларини воқеликка мувофиқ ҳолда аниқлаш мумкин.

Далилларни баҳолаш исбот қилиш (исботлаш) субъектларининг далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлилигини аниқлаш юзасидан тафаккур (манتيқий) фаолиятидир. Далилларни баҳолаш исбот қилишнинг энг мураккаб ва масъулиятли босқичидир.

Юқорида айтилганидек, далилларни баҳолаш далилнинг барча хусусиятларига тегишли бўлиши лозим. Далиллар уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлилиги жиҳатидан баҳоланади. Далилларнинг мазкур тўрт хусусияти уларни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу хусусиятларнинг бирортаси талабга жавоб бермаган ҳолда, далил айблаш ва ҳукм қилиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Шу сабабли ҳар бир далил ишга алоқадор, мақбул ва ишончли бўлиши лозим.

Далил хусусиятларидан қайси бири баҳоланиши юзасидан кўплаб процессуалист олимлар ўз фикрларини билдириб, уларнинг айримлари далилларни баҳолаш мазмунига далилнинг ишончлилиги³ни, бошқалари далил кучи ва аҳамияти⁴ни, учинчи гуруҳ олимлар эса далилнинг мақбуллиги, ишончлилиги, алоқадорлиги ва аҳамияти⁵ни кўзда тутадилар. Яна бир мулоҳазага кўра, "Далилларни баҳолаш мазмунига уларнинг иш бўйича объектив ҳақиқатга эришишга таъсир этувчи барча хусусиятларини белгилаш киради"⁶. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, далилларни баҳолаш мазмунига далилларнинг алоқадорлиги, ишончлилиги, мақбуллиги ва етарлилиги киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қонун далилларга баҳо бериш чоғида қуйидаги талабларни қўяди:

- ✦ субъектнинг ички ишончи асосланган бўлиши лозим;
- ✦ далилларни баҳолаш чоғида субъект қонунга амал қилиши лозим;
- ✦ баҳолаш субъекти, шунингдек, ҳуқуқий онга амал қилиши лозим.

Мазкур талабларнинг моҳиятини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Биринчидан, ички ишончнинг асосланган бўлиши лозимлиги талаби. ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ички ишончи бўйича далилларга баҳо беради. Бу шуни билдирадики, ички ишонч гарчи субъектив категория бўлсада, объектив асосга эга бўлиши лозим. Ички

ишонч тахминларга ёки асоссиз ҳис-туйғуларга асосланиши мумкин эмас.

Иккинчидан, асослантириш талаби баҳолаш субъектининг ўз хулосасини тегишли процессуал ҳужжатда (айблов хулосаси, ҳукм ва б.) асослантириб бериши лозимлигини ҳам билдиради. Қонун ҳукмининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлигини белгилайди (ЖПК, 455-модда). Бу талаб жиноят иши бўйича чиқариладиган бошқа процессуал ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Амалиётда эса бу босқичлар бир-бири билан уйғунлашиб кетади. Моҳиятан ҳар бир далил топилиб, қайд этилганидан, яъни ҳақиқий далилга айланганидан сўнг тадқиқ этилади, баҳоланади ва маълум субъект томонидан қайси-

дир мақсадларда фойдаланилади. Бошқача айтганда, далиллардан фойдаланиш, уларни қўллаш — айнан исботлаш жараёни ҳисобланади ёки исботлашнинг қандайдир тезисини тасдиқлаш ёхуд инкор этишда фойдаланилмаган далил кенгаширмаслиги сифатида бу жараён доираларидан ташқарида қолиб кетади.

Хулоса қиладиган бўлсак, жиноят процесси юритиш тартибининг дастлабки босқичи сифатида жиноят ишини қўзғатишнинг асосини тўпланган далилларнинг объективлиги ва ишончлилиги ташкил қиладир. Акс ҳолда, далилларни сохталаштириш, яшириш, нотўғри инъикос бўлиши нафақат суд чиқарадиган ҳукм (қарор)нинг қонунийлигига таъсир қилиши, шунингдек, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.



¹ И.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -Б.15-16.

² З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув қўлланма. -Тошкент: 2006. 56-б.

³ Каз П.М. Доказательства в советском уголовном процессе. -Саратов: 2001. 47-б.

⁴ Арсеньев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств. -М., 2000. 130-б.

⁵ Резник Г.М. Внутреннее убеждение при оценке доказательств. -М., 2002 . 7-б.

⁶ Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. -Казань: 2003. 150-б.

Муборак УСМАНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлар доктори

ПЕНСИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада мамлакатимиз пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проведен анализ вопросов дальнейшего совершенствования пенсионного законодательства в стране.
- ◆ In the article analyzed the issues of further improvement of pension legislation in the country.

Таянч сўзлар: Пенсия, нафақа, меҳнат қонунчилиги, пенсия қонунчилиги, ижтимоий таъминот.

Ключевые слова: Пенсия, пособие, трудовое законодательство, пенсионное законодательство, социальное обеспечение.

Key words: Pensions, benefits, labor law, pension law, social security.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгариш ва тенденциялар фуқароларимиз турмуш шароитини янада яхшилаш, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида эса аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши бу борадаги ишлар изчил олиб борилаётганидан далолат бермоқда. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва уларнинг фуқароларимиз кундалик ҳаёти мазмунига самарали таъсири барпо этилаётган янги демократик жамиятнинг инсонпарварлик мақсадларига тўла мос келади.

Мустақиллик йиллари давомида амалга ошираётган барча ишларимизнинг мақсад-моҳияти мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча фуқаролар учун фаровон турмуш кўрсаткичларини қарор топтиришга қаратилганлиги ҳаммага маълум. Йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январидан 31 миллион 500 минг кишини¹ ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани,

турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етгани² бу соҳадаги улкан ютуқларимизни сўзсиз исботлаб турибди.

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ёши улғу инсонларни ижтимоий ҳимоялаш, пенсия таъминоти, тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва аънаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниши, шу ном билан давлат дастури қабул қилингани, дастурни амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишларида кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2014 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзла-

ган маърузасида: "Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалтиришда, ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлаймиз"³, деб таъкидлаган эди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг изчил рўёбга чиқарилиши натижасида биринчи навбатда қарияларнинг моддий турмуш аҳволини яхшилаш соҳасида сезиларли ишлар қилинмоқда.

Қариялар ижтимоий ҳимоясига оид қонунчилик тизимини такомиллаштириш, уларнинг мазкур тоифа шахсларга кўрсатиладиган моддий ижтимоий ёрдам олишга бўлган кафолатлари янада кучайтирилиши, ижтимоий хизмат кўрсатиш шаклан ва мазмунан такомиллаштирилиши бу соҳада амалга оширилган энг муҳим ютуқларимиздан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши билан ижтимоий таъминот соҳасидаги ислохотларимизда туб бурилиш содир бўлди ва ижтимоий таъминотнинг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш, бу соҳадаги қонунчилик тизимини тежамлилиқ, оқилоналиқ, ижтимоий адолат тамойилларини яна ҳам кучайтириш томон мукамаллаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуи рўёбга чиқарила бошланди. Шунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига, бошқа кўпгина қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, улар мазмунан замон талабларига, ислохотларимиз моҳиятига мослаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори билан "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ"⁴ тасдиқланганлиги бу соҳадаги изчилликни таъмин этилишида, турли сунъий қийинчиликлар юзага келишининг олди олинишида муҳим ўрин тутди.

Меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларни

ижтимоий таъминлаш мақсадида нафақалар тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори билан назарда тутилган. Мазкур қарор билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом" қарилик, ногиронлик ва боқувчисиз қолганлик нафақаларини тайинлашни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан 2015 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига⁵ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг давлат пенсия таъминоти йўналишида ижтимоий муҳофазани янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан пенсия қонунчилиги, давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашни амалга ошириш тизими ҳамда қонунларга риоя этиш соҳаларидаги кенг кўламли тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам замон талабларини ҳисобга олиш, ўзгариб бораётган шароитга мослаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида пенсия қонунчилиги тараққиёти мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасига ҳамда ҳуқуқий давлат барпо қилиш соҳасида қўлга киритган ютуқларимизга мос бўлиши лозим ва фуқароларимизнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишига ҳар томонлама қўмаклашиш билан бирга бу соҳада боқимандаликка йўл қўймаслик, одамларимизнинг иқтисодий фаолликларини янада оширишга хизмат қилмоғи лозим.

Мамлакатимизда 2014 йилнинг ўзида кексаларни ҳар томонлама кадрлаш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир. Бугунги кунда давлатимизнинг пенсияга ажратадиган маблағининг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоизидан зиёдини ташкил этмоқда.⁶

Жамият тараққиёти ва фуқароларимиз ҳуқуқ ҳамда манфаатлари янада кенгроқ таъминланиши, ҳуқуқлар кафолати ва муҳофазаси самарадорлигининг оширилиши нуқтаи назардан ҳамда пенсияларга оид қонунчиликни тақомиллаштириш ишлари давом эттирилиши муҳим эканини қайд этган ҳолда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг янада мукамаллаштирилиши пенсия қонунчилиги ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга, умумэтироф этилган халқаро талаб ва стандартларга янада кўпроқ мос бўлишига ёрдам беради.

Жумладан, қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар қонунга киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддаси 5-қисмида "Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади" деб кўрсатилган. Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси молиявий имкониятларидан келиб чиқиб белгиланган ушбу чекловнинг мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўймаган ҳолда, мазкур механизмнинг қўлланилиши мусайян ҳолларда давлат ва жамият тараққиёти ҳамда фаровонлиги учун фидокорона меҳнат қилган фуқаролар ва ўртача даражада фаолият юритган шахсларни пенсия таъминоти соҳасида ўзаро тенглашиб қолишларига, ижтимоий адолат тамойилларига путур етишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ўта оғир ва ўта зарарли ишларда, давлат ва жамият учун ижтимоий аҳамияти, масъулияти юқори бўлган ишларда меҳнат қилган шахсларга пенсия тайинлаш чоғида ушбу кўрсаткичга табақалашган ҳолда ёндашилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур қонуннинг 31-моддаси 5-қисми қуйидаги мазмундаги янги жумла билан тўлдирилиши керак, деб ўйлаймиз: "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган Рўйхатларда назарда тутилган касб ва вазифаларда меҳнат қилган шахсларга пенсияни ҳисоблаш чоғида энг кам иш ҳақининг саккиз баробаридан кўпроқ қисми ҳисобга олиниши назарда тутилиши мумкин";

— "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиришга кўра: "Пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу қонун 37-моддаси биринчи қисмининг "а", "б", "в" ва "г" бандларида назарда тутилган камида 5 йил иш стажидан мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутано-

сиб миқдорда (29-модда) тайинланади. Мазкур моддага қуйидаги таҳрирда "Иш стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган фаолият даврларда назарда тутилган камида 5 йил иш стажидан имтиёзли тарзда ҳисоблаш натижасига кўра аниқланади (яъни айтилик, моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вирусидан касалланган шахслар доволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаган шахсларга камида икки ярим йиллик махсус иш стажига эга бўлганлари ҳолда пенсия тайинлаш мумкин) деган янги жумла киритилиши.

Пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчилик тизими ислоҳ этилар экан, фуқароларнинг пенсиялар билан таъминланишида уларнинг жамият бойликларининг кўпайишига қўшган шахсий ҳиссасини ҳисобга олиш, меҳнат шароитларининг зарарли ва ноқулайлиги, техника ва технологияларда юз берган туб ўзгаришлар туфайли зарарсиз, меҳнат шароитлари қулай ва хавфсиз бўлиб қолган жойларда меҳнат қилаётган шахсларнинг эски норма ва қоидаларга кўра асоссиз пенсия имтиёзлари олишларига йўл қўйилмаслик, ижтимоий адолатни таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муҳим шартларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятга интеграциялашиб бормоқда ва умумэтироф этган халқаро нормаларнинг устувор экани Конституциямиз ҳамда қонунларимизда тан олингандир.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида ҳам халқаро норма ва қоидаларни ҳисобга олиб иш кўрилади ҳамда инсон ҳуқуқларига оид БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг стандартлари талаблари диққат марказимиздадир.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда пенсия таъминоти оид қонунчиликни халқаро талабларга яна ҳам мувофиқлаштириш мақсадида ижтимоий таъминот масалаларига оид махсус халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш, улардаги нормаларни миллий қонунчилигимизга тўлароқ имплементация қилиш вазифалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунга кўра, бизнинг назаримизда, Халқаро меҳнат ташкилотининг ижтимоий таъминотга оид "Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари ҳақидаги" 102-Конвенцияси, "Ногиронлик, қарилик ва боқувчисини йўқотганлик нафақалари тўғрисида"ги 128-Конвенцияси, "Ижтимоий таъминот масалаларида ҳуқуқларни сақлаб туришнинг халқаро тизимини белгилаш ҳақида"ги 157-Конвенцияларини ратификация қилиш масаласи кун тартибига қўйилиши, ратифика-

ция қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, ижтимоий таъминот қонунчилиги соҳасидаги ислохотлар ҳам ҳуқуқий ислохотларимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, фуқароларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини самарали рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоялаш мақсадига қаратилади. Зеро, Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: "Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги

ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Юртдошларимизнинг, бутун жамиятимиз ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янги-ланишлар, ўз моҳият эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда"⁷.



¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 5-б.

² Юқоридаги манбада. 32-б.

³ Юқоридаги манбада. 32-б.

⁴ //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил 37-сон, 377-модда.

⁵ //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 49-сон, 579-модда.

⁶ И.А.Каримов. Юқоридаги манбада. 33-б.

⁷ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 36-б.

Шохрух ФИЁСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

◆ Мақолада муаллиф жиноятларни очиш ва тергов қилишда терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги шакллари тўғрисида фикр юритиб, ҳамкорликнинг энг асосий ва самарали шакли сифатида тергов-тезкор гуруҳини процессуал тартибга солишни таклиф этган.

◆ В статье автор, рассматривая формы взаимодействия следователя с органами дознания при раскрытии и расследовании преступлений предлагает и обосновывает процессуальное закрепление создания следственно-оперативной группы, как одну из основных и наиболее эффективных форм взаимодействия.

◆ The article is dealing with the specific forms of interaction of the investigators with the organs of inquiry during the disclosure and investigation of crimes. The author proposes and justifies the creation of fastening procedural investigative operational group, as one the main and most effective forms of interaction.

Таянч сўзлар: терговчи, суриштирув органлари, ҳамкорлик, тергов-тезкор гуруҳи, ҳамкорликнинг но процессуал шакли, ҳамкорликнинг самарадорлиги.

Ключевые слова: следователь, орган дознания, взаимодействие, следственно-оперативная группа, непроцессуальная форма взаимодействия, эффективность взаимодействия.

Key words: interaction, investigator, organs of inquiry, investigative operational group, effective forms of interaction.

Ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий тизими-га эътибор қаратиш, хорижий жиноий қонунчилигини, уларнинг жиноятчиликка қарши кураш тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш юридик назария ва амалиёти нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳимдир.

МДХ давлатларининг жиноий ҳуқуқий йўналиши деярли бир-бирига ўхшаш бўлганлиги, мустақиллик даврларида унча катта ўзгаришлар рўй бермаганлиги сабабли, МДХ давлатларининг ҳуқуқий тажрибасига тўхталиб ўтирмаймиз.

Европа давлатларига назар ташлайдиган бўлсак, бу йўналишда Франция Республикаси алоҳида ўрин тутди. Ҳаётга қарши жиноятлар Франция Жиноят кодексининг "Ўз хоҳиши билан ҳаётга таъовуз қилиш" - деб номланган 221-моддасида ўз аксини топган (Мазкур модда 2 бўлимнинг "Инсон ҳаётига таъовуз" - деб номланган 1 бобига киритилган¹).

Жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки терговни олиб бориш мутлақ ваколати прокурорга юклатилган бўлиб², жиноят фош этилиб, судга оширилганидан кейин иш суд томонидан, яъни "терговчи-судья" ёки "судья-терговчи" томонидан олиб борилади. Тезкор-қидирув фаолияти полиция томонидан амалга оширилади.

Франция ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, қотиллик жинояти содир этилганлиги ҳақида хабар келиб тушган вақтдан бошлаб, уни фош қилиш, айбдорни аниқлаш ва судга топшириш жараёнини прокурор назорат қилиб боради. Полиция ходимлари ҳеч қандай ҳаракатни мустақил равишда амалга ошира олмайдилар. Прокурорнинг бундай ваколатлари Франция Жиноят процессуал кодексининг 74-моддасида ўз аксини топган³.

Ҳаётга қарши жиноятларни тергов қилишда прокурор деярли чекланмаган ваколатларга эга бўлиб, ўзи лозим топган ҳар қандай тезкор ва

процессуал ҳаракатларни амалга оширишга топшириқ бериши мумкин. Франциянинг Жиноят процессуал кодексига биноан судга оид (жиноий) полиция вазифаларини бажариш судга оид (жиноий) полиция офицерлари, уларнинг ёрдамчилари ҳамда жойларда уларнинг вазифаларини бажаришга масъул этиб тайинланган бошқа мансабдор шахсларга юклатилган (ЖПКнинг 15,16-моддалари)⁴.

Германия Федератив Республикасининг ҳуқуқий тизимига мурожаат қиладиган бўлсак, ҳаётга қарши жиноятлар Германия Жиноят кодекси Махсус қисмининг 16-бўлимида кўрсатилган бўлиб, ўз таркибига қотиллик, хавф остида қолдириш ва ҳомиладорликни тўхтатиш жиноятларини қамраб олади⁵.

Қотилликлар гуруҳи икки тоифага, яъни "қасддан" ва "эҳтиётсизликдан" содир этилганларга бўлинади. Унга кўра, "Қасддан содир этилган қотилликда оғир тоифадаги қотилликнинг аломатлари бўлмаган тақдирда мазкур қилмиш уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилади" (ЖКнинг 212-моддаси) - дейилган.

Оғир тоифадаги қотилликлар ЖКнинг 211-моддаси 2-қисмида кўрсатилган бўлиб, уларга: ўта шафқатсизлик (садизм), жиноий эҳтиёжини қондириш, тамагирлик ёки бошқа пасткашлик, айёрлик, шафқатсизлик усуллари ёки умумижимой хавф солувчи моддаларни ишлатиш, бошқа жиноятни яшириш ёки уни содир этишни енгиллаштириш мақсадида содир этилган қотилликлар киритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Германия давлатининг жиноий доктринаси ҳаётга қарши жиноятларга ҳали туғилмаган ҳаётга суиқасдни ҳам киритади⁶. Жиноят кодексига бу ҳаракатни ёки унга суиқасдни тартибга солувчи нормалар ҳам мавжуд: масалан, Ҳомиладорликни тўхтатишга агитация қилиш (ЖК 219а-моддаси); Ҳомиладорликни тўхтатувчи воситаларни ўтказиш (ЖК 219б-моддаси).

Геноцид ҳам Германия жиноят ҳуқуқида ҳаётга қарши жиноятлар туркумига киритилгандир (ЖК 220а-моддаси).

Германия Жиноят процессуал қонунчилигига биноан⁶ ҳаётга қарши қаратилган жиноятлар бўйича жиноят ишини кўзғатиш ва тергов олиб бориш тўлиқ прокурор зиммасига юклатилган (ЖПК, II Китоб, биринчи бўлим 151-157§). Унинг кўрсатмаси ва назорати асосида ҳаётга қарши жиноятларни фош этишни криминал полицияси (die Kriminelle Polizei) олиб боради.

Полиция ёки прокурор томонидан олиб борилаётган тезкор ва тергов ҳаракатлари процессуал равишда батафсил белгиланмаган бўлса-да, тезкор-қидирув фаолияти кўринишида олиб борилади. Тезкор-қидирув фаолиятининг кўпгина кўринишлари Жиноят процессуал кодек-

сида ўз аксини топган.

Ушбу ҳаракатларга тегишли судья томонидан руҳсат этилади, агар мазкур тадбирлар кечиктирмасдан ўтказилиши лозим бўлса, прокурор ёки криминал полициянинг масъул ходимлари томонидан ўтказилиб, уч кун давомида судьяга хабар берилиши лозим (ЖПК 100d§).

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги (Буюк Британия) давлатида жиноий-ҳуқуқий доктрина ўлим етказишнинг уч турини ажратиб олади: оғир қотиллик (murder), оддий қотиллик (manslaughter) ва бола ўлдиришдир (infanticide)⁷.

Мазкур жиноятларга жавобгарлик 1861 йилдаги "Шахсга қарши жиноятлар тўғрисида"ги Акт, 1957 йилдаги "Қотиллик тўғрисида"ги Қонун, 1961 йилдаги "Ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги" Қонун ва 1938 йилдаги "Бола ўлдириш тўғрисида"ги Қонунлар билан тартибга солинади⁸.

Инглиз жиноят ҳуқуқининг қизиқ томони шундаки, унда қотиллик жиноятлари "оғир қотиллик" тушунчасидан келиб чиқиб, қолган ўзгани ҳаётдан маҳрум қилиш ҳолатлари унинг ҳосиласи деб қаралади. Бу билан инглиз жиноят ҳуқуқи, масалан, француз ёки бизнинг ҳуқуқий тизимдан фарқ қилади⁹.

Буюкбританиянинг жиноят процессуал қонунчилиги асосан 1984 йилдаги "Полиция ва жиноят ишларидаги далиллар тўғрисида"ги Қонун, 1994 йилдаги "Одил судлов ва ошкора тартиб тўғрисида"ги Қонун, 1990 йилдаги "Жиноят процесси ва тергов жараёни тўғрисида"ги Қонунлар асосида амалга оширилиб, тўрт босқичдан иборатдир¹⁰. Булар:

- 1) жиноят содир этилишининг олдини олиш;
- 2) қўлга олишга қадар тергов жараёни;¹¹
- 3) қўлга олиш;
- 4) қўлга олинган шахсни рўйхатга олиш ва қўлга олингандан кейинги тергов жараёни¹².

Шуни таъкидлаш жоизки, инглиз олимларининг ўзи бу жараёнларни жиноят процессига эмас, балки кўпроқ тезкор-қидирув фаолиятига тегишли деб баҳолашади¹³.

Эътиборли томонлардан бири шундаки, инглиз жиноят-процессуал қонунчилигига биноан, полиция ходимларининг ҳаракатларини суд жараёнида баҳолаш далилларнинг мақбуллиги принципи асосида амалга оширилади¹⁴.

Унга кўра, барча далиллар "тегишли ҳуқуқий жараён" натижасида олинган бўлиши шарт¹⁵, масалан, агар тинтув ноқонуний равишда ўтказилган бўлса, унинг натижасида олинган буюмлар ва изларнинг, уларга нисбатан ўтказилган криминалистик текширувларнинг барчаси номақбул ҳисобланиб далил сифатида кўрилмайдди. Ёки гумондор шахсга нисбатан ўтказилган тазйиқ орқали аниқланган гувоҳ ҳам судда сўроқ қилинмайдди.

Хитой Халқ Республикасида ҳаётга қарши жиноятлар ЖКнинг Махсус қисми 2-бўлими, 4-боб, 232-моддаси (қасддан одам ўлдириш) ва 233-моддаларида (одам ўлимига олиб келувчи ҳаракатларнинг эҳтиётсизлик натижасида келиб чиқиши) берилган бўлиб, уларга нисбатан 3 йилдан-умрбодгача бўлган қамоқ ҳамда ўлим жазосигача белгилангандир¹⁶.

Шу билан бирга, Хитой жиноят қонунчилигида оилавий муносабатларга алоҳида урғу берилган бўлиб, айбдорнинг оила аъзоларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиши, бу улардан бирининг ўлимини келтириб чиқарса (ўлдирилса ёки ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказилса) ЖКнинг 260-моддаси билан жазоланади¹⁷.

Хитойнинг жиноят-процессуал қонунчилиги, асосан собиқ Иттифоқ тузуми таъсири остида ривожланган бўлиб, ҳозирги кунда жиноят-процессуал ҳаракатларининг ягона ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Хитойда жиноятларни фош этиш, қўлга олиш, ушлаб туришни ташкил қилиш ҳамда жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш жамоат хавфсизлиги органларига юклатилгандир (Хитой ЖПКнинг Умумий қисми 1-боби 3-моддаси)¹⁸.

Шунингдек, тааллуқлилика биноан (ЖПК Умумий қисми 2-боби) ҳаётга қарши жиноятлар бўйича жиноят ишлари прокурорлар томонидан қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилади (ЖПК 18-моддаси). Прокурор ўз ваколатига биноан, бу каби ўта оғир турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида жамоат хавфсизлиги органларига бириктирилган барча куч ва воситалардан фойдаланиши мумкин.

Япония давлатига келадиган бўлсак, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Япония жиноят ҳуқуқида ҳаётга қарши жиноятларни алоҳида бўлим ёки таркиб, яъни бошқа жиноятлар қотилликнинг таркибий қисми ёки уни оғирлаштирувчи сабаблар сифатида эмас, балки жиноят таркибидан келиб чиқиб, ўлим етказилган тақдирда, мазкур қилмишни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрилади.

Умуман олганда, ҳаётга қарши жиноятлар Япония Жиноят кодексининг 26-бобида берилган бўлиб, "Ўлимдан ташкил топган жиноятлар" деб номланади¹⁹. Мазкур боб "Қотиллик" (ЖК 199-моддаси), "Яқин қариндошига нисбатан қотиллик" (ЖК 200-моддаси), "Қотилликка тайёргарлик кўриш" (ЖК 201-моддаси), "Қотиллик ва ўз жонига қасд қилишда ўз хоҳиши билан қатнашиш (иштирокчилик)" (ЖК 202-моддаси), "Қотилликка суиқасд қилиш" (ЖК 203-моддаси) каби моддалардан ташкил топган.

Япония жиноят қонунчилигининг қизиқ томони шундаки, агар шахс ўзига нисбатан содир

этилатган ноқонуний хатти-ҳаракат натижасида жиноят содир этаётган шахсни ўлдириб қўйса, бундай ҳолатда у жинойи жавобгарликдан озод этилади, яъни бундай ҳолат зарурий муҳофаза доирасида содир этилган деб топилади (ЖК 36-моддаси 1-қисми).

Бу норма 1930 йилда қабул қилинган "Ўғирликларни бартараф этиш ва уларга жазо тайинлаш" Қонунида ўз аксини топган²⁰.

Бунда жиноят содир этаётган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилса, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки номусига нисбатан аниқ хавфхатар бор ёки йўқлигидан қатъи назар жавобгарлик масаласи ечилади²¹.

Япония жиноят-процессуал қонунчилигига асосан ҳаётга қарши жиноятлар, агар прокурор томонидан қўзғатилиб, тергов жараёнида қотиллик жинояти оғирлаштирувчи ҳолатларсиз ёки қасддан содир этилмаган бўлса, ҳудудийлик бўйича тегишли перфектура полициясининг терговчилари томонидан тергов қилинади²².

Исроил давлатининг ҳуқуқий тизимига назар ташлайдиган бўлсак, ҳаётга қарши жиноятлар Исроил давлати Жиноят кодексининг "Одамга зарар етказиш" деб номланган "Йюд" бўлими, "Ўлим етказиш" номли "Алеф" бобида кўрсатилган²³.

"Қотиллик", яъни ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида бошқага ўлим етказиш ЖК 298-моддасида кўрсатилган. ЖК 300-моддасига кўра, "Қасддан одам ўлдириш"нинг биринчи қисми "жавобгарликни оғирлаштирувчи" ҳолатларда, айнан "қасд" мотиви бўлган қотиллик жиноятларини қамраб олади, иккинчи қисмида "жавобгарликни енгиллаштирувчи" ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. ЖКнинг 301-моддасида "Қасд" (одам ўлдиришга) мотиви ҳамда унинг жинойи-ҳуқуқий таърифи тўлиқ ёритиб берилгандир.

Шу билан бирга, ҳаётга қарши жиноятлар "Ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ёки бундай ҳаракатнинг содир этилишига иштирокчилик қилиш" (ЖК 302-моддаси), "Янги туғилган чақалоқни ўлдириш" (ЖК 303-моддаси), "Бепарволик натижасида ўлим етказиш" (ЖК 304-моддаси), "Қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш" (ЖК 305-моддаси), "Қасддан одам ўлдиришга ёзма таҳдид қилиш" (ЖК 307-моддаси) деб номланган моддаларда кўрсатилган бўлиб, шу билан бирга, уларнинг айримларига тушунчалар баён қилинган. Масалан, "Инсон ҳаётининг бошланиш шартли фурсати" (ЖК 308-моддаси) ҳамда "Ўлим етказиш тушунчаси"дир (ЖК 309-моддаси).

Мазкур моддаларнинг тадқиқот ишлари катта ҳажми талаб қилишини инобатга олиб, Исроил давлатининг жиноят-процессуал қонунчилигига тўхталиб ўтамиз. Исроил давлати қонунчилиги Буюк Британия қонунчилигига асослан-

ган бўлиб, умумий (прецедент) ҳуқуқ тизимига асосланади.

Жиноят жараёни 1965 (5613) йилдаги "Жиноят-процесси тўғрисида"ги Қонун, 1969 (5729) йилдаги "Жиноят-процессуал кўрсатма" ҳамда 1982 (5742) йилдаги "Жиноят-процессуал қонунлар" тўплами билан тартибга солинади²⁴.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, хорижий давлатларнинг Ўзбекистонга нисбатан

ўзгача ривожланиш суръати, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий тузилиши, тарихи ва маданияти, аҳоли сони, жўғрофий тузилиши, иқтисодий аҳволи ҳамда бошқа ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, уларнинг хавфсизликни таъминлашга ёндашуви, полиция тизимлари тузилиши, улар иш фаолиятининг ўзгачалигига қарамасдан, улар томонидан тўпланган тажрибани ўрганиш объектив заруратдир²⁵.



¹ Code penal (Version consolidée du code au 15 novembre 2014. Edition: 2014-11-23). Электрон манба: <http://codes.droit.org/cod/penal.pdf>

² Головкин Л. В. Допрос и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. - М., 1995. - С.56.

³ Боботов С. В. Правосудие во Франции. - М., 1994. - С.6.

⁴ Ўша жойда: -С.8-9.

⁵ Kas Strafgesetzbuch. Электрон манба: <http://www.dhpol.de/die-elektronische-bibliothek-f?r=die-forschungen/das-strafgesetzbuch.pdf>. 567.

⁶ Трифонова К.А. Преступления против жизни, здоровья и половой неприкосновенности личности. Уголовное право зарубежных стран / Материалы видеоконференции. Электрон манба: <http://www.distanz.ru/videoLecture/3187>

⁷ Уголовно процессуальный кодекс ФРГ. Рабочий перевод Германского Фонда международного правового сотрудничества и Организации безопасности и сотрудничества в Европе. Электрон манба: http://pravo.org.ua/files/_1.pdf

⁸ Трифонова К.А. Преступления против жизни, здоровья и половой неприкосновенности личности. Уголовное право зарубежных стран / Материалы видеоконференции. Электрон манба: <http://www.distanz.ru/videoLecture/3187>

⁹ Никифоров А.С. Ответственность за убийство в современном континентально-европейском и англо-американском уголовном праве //Право и политика. 2000. -№8. -С.12-18.

¹⁰ Никифоров А.С. Кўрсатилган манба. -С.19.

¹¹ Уголовный процесс современных зарубежных государств: Учебное пособие //К.Б.Калиновский. -Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2000. -С.15.

¹² Ўша жойда. -С.16.

¹³ Criminal procedure and the constitution, leading supreme court cases and introductory text //By Jerold H. Israel, Yale Kamisar, Wayne R. LaFave. West publishing co. st. paul, minn., 1999. -p.26.

¹⁴ Уголовный процесс современных зарубежных государств: Учебное пособие //К.Б.Калиновский. -Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2000. -С.16.

¹⁵ Ўша жойда. -С.16.

¹⁶ Уголовный Кодекс Китайской Народной Республики. / Под ред. докт. юрид. наук, проф. А.И.Коробеева, пер. с китайского Д.В.Вичикова. - СПб., 2001. -С.160.

¹⁷ Ўша жойда. -С.177-178.

¹⁸ Уголовно-процессуальный кодекс КНР. Электрон манба: http://chinalawinfo.ru/procedural_law/law_criminal_procedure

¹⁹ Қаранг: Уголовный кодекс Японии / Науч. редактирование и предисловие докт. юрид. наук, проф. А.И. Коробеева - СПб., 2002. -С.123-124.

²⁰ Ст. 1 "Специальные правила о правомерной обороне" Закона "О предотвращении краж и наказаниях за них" (Закон № 9 от 1930 г.) //Приложение к Уголовному кодексу Японии / Науч. редактирование и предисловие докт. юрид. наук, проф. А.И.Коробеева. -СПб., 2002. -С.217.

²¹ Ўша жойда. -С.218.

²² Уголовно-процессуальный кодекс Японии (Закон № 131 от 10.07.1948 г. с последними изменениями, внесенными в 2006 г.) // Электрон манба: <http://www.wipo.int/wipolex/ru/details.jsp?id=8879>

²³ Закон об уголовном праве Израиля / Постатейный перевод с иврита на русский язык / автор перевода - судья Марат Дорфман / издание второе, переработанное и дополненное 2010 г. -С.168-171.

²⁴ Воробьев В.П. Государство Израиль: правовые основы возникновения и статус личности. -М., 2001. -С.34-35.

²⁵ Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие. Якубов А.С., Асямов С.В., Тоджиев А.А., Мирозов Д.М. -Ташкент: 2010. -С.3.

Улугбек АШУРОВ,
самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного юридического университета

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ И ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

- ◆ Мақола Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни олдини олишнинг шакл ҳамда методларини, шунингдек, уларнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.
- ◆ Статья посвящена вопросам совершенствования форм и методов профилактики правонарушений и предупреждения преступности в Республике Узбекистан и их нормативно-правового регулирования.
- ◆ This article is dedicated to the improvement of forms and methods of prevention of offenses and crime in the Republic of Uzbekistan, and their normative and legal regulation.

Таянч сўзлар: профилактика, олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликни олдини олиш, профилактика шакллари, олдини олиш методлари, норматив-ҳуқуқий асослар.

Ключевые слова: профилактика, предупреждение, профилактика правонарушений, предупреждение преступности, формы профилактики, методы предупреждения, нормативно-правовые основы.

Key words: prevention, prevention of offenses and crime, forms and methods of prevention, normative and legal basis.

Как известно, деятельность по профилактике правонарушений заключается в реализации комплекса взаимосвязанных мероприятий, проводимых органами и учреждениями, непосредственно осуществляющими работу в данном направлении в целях сохранения и укрепления правопорядка, выявления, пресечения нарушений закона, а также выявления, устранения причин совершения правонарушений и условий, им способствующих.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Ислам Абдуганиевич Каримов "Духовный облик общества неразрывно связан с приоритетом закона. Пока мы не превратим законопослушание в норму жизни, предупреждение преступности будет оставаться неразрешимой проблемой. Мы идем по пути построения правового демократического общества. И достижение этой благородной цели прежде всего связано с осознанием людьми своих прав и умением защитить себя с помощью закона"¹.

В Республике Узбекистан с первых лет независимости уделяется особое внимание созданию надёжного механизма защиты прав и законных интересов человека в процессе осуществления судебно-правовой реформы, в том числе совершенствованию законодательных основ профилактики правонарушений и предупреждения преступности.

В частности, для реализации поставленных целей и задач в данной сфере за прошедший период принят ряд нормативно-правовых актов. Среди них актов можно выделить Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О дополнительных мерах по профилактике преступлений против жизни и здоровья граждан"², в соответствии с которым при хокимиятах городов и районов созданы специальные комиссии по оказанию помощи лицам, освобожденным из мест отбывания наказания, в социально-бытовом и трудовом устройстве; на местах — общественные формирования "Махалла

посбони" для оказания содействия органам внутренних дел в обеспечении охраны общественного порядка; в каждом органе самоуправления граждан — примирительные комиссии, в состав которых включаются аксакалы, ветераны, женщины и представители молодёжи, деятели культуры и духовенства для оказания воспитательного воздействия на лиц, ранее судимых, хронических алкоголиков и других, склонных к совершению правонарушений в сфере быта.

Кроме того, в составе профилактической службы органов Министерства внутренних дел на местах созданы подразделения по работе с лицами, освобожденными из мест отбывания наказания; для улучшения профилактики рецидивной преступности, повышения эффективности воспитательной работы и медико-психологического изучения поведения лиц, совершивших тяжкие преступления, в штаты каждого учреждения по исполнению наказаний введена должность психолога.

Таким образом, учитывая коренные преобразования, осуществлённые в этом направлении, изменили облик, суть, содержание и принципы деятельности в сфере профилактики правонарушений. Усиление взаимодействия органов правопорядка с органами самоуправления граждан и общественностью, создало необходимые условия для дальнейшего укрепления доверия населения ко всей системе институтов власти.

Вместе с тем, необходимость реализации приоритетных задач по совершенствованию правовых механизмов, обеспечивающих общественный порядок, защиту прав и законных интересов граждан от преступных посягательств, указали на целесообразность дальнейшего совершенствования законодательства в сфере общей профилактики правонарушений.

Для решения поставленных задач при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан с участием специалистов разных министерств и ведомств была образована Межведомственная рабочая группа, которой были изучены правовые основы системы осуществления профилактики правонарушений. В ходе работы указанной Межведомственной рабочей группы было, в частности, выявлено, что на законодательном уровне не закреплены правовые механизмы взаимодействия субъектов профилактики правонарушений. Отсутствие указанных механизмов и единого подхода к организации всей системы профилактики правонарушений приводило к различному толкованию при координации деятельности субъектов профилактики правонарушений.

Также, анализ нормативно-правовой базы показал, что вопросы профилактики правонару-

шений регулировались отдельными нормами законов, решениями Правительства, ведомственными нормативно-правовыми актами. Данное обстоятельство должным образом не обеспечивало координацию и эффективность деятельности субъектов профилактики правонарушений.

При этом, изучение международной практики показало, что в ряде зарубежных стран (Россия, Беларусь, Казахстан и др.) вопросы профилактики правонарушений регламентированы единым законодательным актом³.

Учитывая вышеизложенные обстоятельства, в целях дальнейшего совершенствования деятельности в данной области, повышения эффективности мер по профилактике правонарушений с учётом современных требований был принят Закон Республики Узбекистан "О профилактике правонарушений"⁴.

Закон направлен на дальнейшее совершенствование правовых механизмов отношений в сфере профилактики правонарушений, повышение эффективности взаимодействия между субъектами профилактики правонарушений, в частности — правоохранительными органами, а также регулирует координацию деятельности этих субъектов.

Наряду с этим, законом предусмотрено обеспечить системность мер, осуществляемых в данной области, т.к. в нём содержатся нормы, определяющие единый подход в организации системы профилактики правонарушений, укрепляющие правовые механизмы сотрудничества между соответствующими органами и структурами.

В частности, под профилактикой правонарушений подразумевается система правовых, социальных, организационных и иных мер общей, специальной, индивидуальной и виктимологической профилактики правонарушений, применяемых в целях сохранения и укрепления правопорядка, выявления и пресечения правонарушений, а также выявления и устранения причин совершения правонарушений и способствующих им условий.

Так, система мер по выявлению и устранению причин совершения правонарушений, разработке и реализации программ по их профилактике, а также мер правового просвещения составляет общую профилактику. Специальной же считается деятельность, направленная на разработку и реализацию специальных мер по выявлению лиц отдельных категорий и оказанию на них профилактического воздействия. А меры воспитательного воздействия на лиц, склонных к совершению правонарушений и совершивших эти правонарушения, осуществляются в рамках индивидуальной профилактики, в законе чётко раскрыт её механизм.

Ещё одной важной особенностью комментируемого закона является то, что в нем закреплён отдельный вид профилактики правонарушений — виктимологический. Он направлен на оказание необходимой помощи лицам, которые могли стать или стали жертвами преступлений.

Кроме того, в законе приводятся основные принципы профилактики правонарушений, органы и учреждения, осуществляющие и участвующие в этой работе, их полномочия, гарантии прав, свобод и законных интересов лиц при осуществлении профилактики правонарушений.

В частности, основными принципами профилактики правонарушений определены законность, гуманность, системность, приоритет метода убеждения, дифференциация мер воздействия и индивидуальный подход. Первостепенными же задачами профилактики правонарушений, согласно закону, являются:

- ◆ обеспечение защиты прав, свобод и законных интересов личности;
- ◆ повышение правового сознания и правовой культуры в обществе, укрепление законности;
- ◆ выявление и изучение причин совершения правонарушений и способствующих им условий, принятие мер по их устранению;
- ◆ социальная реабилитация и социальная адаптация потерпевших от правонарушения, лиц, склонных к совершению правонарушений, и совершивших правонарушение, в том числе ранее судимых и освобожденных из мест лишения свободы;
- ◆ снижение у физических лиц риска стать потерпевшими от правонарушения;
- ◆ обеспечение взаимодействия деятельности органов и учреждений, непосредственно осуществляющих и участвующих в профилактике правонарушений, и координация их деятельности.

В законе конкретно указываются органы и учреждения, осуществляющие профилактику правонарушений и участвующие в этом процессе. Определяются основные направления их деятельности, а также круг полномочий. Так, в систему органов и учреждений, непосредственно осуществляющих профилактику правонарушений, входят органы внутренних дел, прокуратуры, Службы национальной безопасности, юстиции, государственной таможенной службы, государственной налоговой службы, по труду и социальной защите населения, органы государственного управления образованием и образовательные учреждения, органы управления государственной системой здравоохранения и учреждения здравоохранения, органы Государственного комитета по охране природы.

Взаимодействие органов и учреждений, не-

посредственно осуществляющих и участвующих в профилактике правонарушений, обеспечивает Кабинет Министров, а на соответствующей территории — органы государственной власти на местах.

В законе определены полномочия Кабинета Министров, органов государственной власти на местах и органов и учреждений, непосредственно осуществляющих профилактику правонарушений в данной сфере.

Для повышения эффективности профилактики правонарушений и обеспечения взаимодействия соответствующих органов и учреждений законом предусмотрено создание при органах прокуратуры координационных советов по профилактике правонарушений.

Наряду с этим, закон допускает участие органов самоуправления граждан, негосударственных некоммерческих организаций и граждан в профилактике правонарушений. Негосударственные некоммерческие организации и граждане могут участвовать в этой деятельности путем оказания содействия и необходимой помощи соответствующим органам и учреждениям.

Особое внимание в законе отведено индивидуальной профилактике правонарушений, которая подразумевает деятельность по выявлению, ведению учёта и оказанию воспитательного воздействия на лиц с антисоциальным поведением, склонных к совершению правонарушений или совершивших правонарушения.

К мерам индивидуальной профилактики правонарушений относятся профилактическая беседа, официальное предупреждение, информирование (администрации по месту работы или учебы, либо органа самоуправления граждан) о причинах совершения правонарушений и способствующих им условиях, социальная реабилитация и социальная адаптация, профилактический учет, направление на принудительное лечение, административный надзор и другие.

В законе описаны основания и порядок постановки лица на профилактический учет, а также основания для снятия с учета. Лица, в отношении которых применяются меры индивидуальной профилактики правонарушений, имеют право знать основания и правовые последствия этих мер, знакомиться с документами и другими материалами, собранными в отношении них, заявлять ходатайства, получать юридическую помощь, обжаловать решения соответствующего органа или учреждения.

Согласно закону, государственные органы и негосударственные некоммерческие организации могут создавать специализированный учреждения по оказанию помощи потерпевшим от правонарушений. Такие учреждения могут оказывать правовую, социальную, психологическую,

медицинскую, педагогическую и другую помощь.

При этом, закон запрещает ограничение прав, свобод и законных интересов лиц, жестокое или унижающее человеческое достоинство обращение, нарушение тайны личной жизни, переписки, телефонных переговоров, почтовых, телеграфных и иных сообщений, свободного передвижения и выбора места жительства, а также личной неприкосновенности и неприкосновенности жилища (за исключением предусмотренных законодательством случаев) при осуществлении профилактики правонарушений.

Следует особо отметить, что духовные, теоретико-методологические, организационно-правовые основы нашей национальной системы по профилактике правонарушений привлекают внимание и международного сообщества. Так, в объявленном в прошлом году независимой международной организацией "The World Justice Project" Индексе по обеспечению верховенства закона Узбекистан занял третье место в мире по обеспечению правопорядка и безопасности⁵, что также является высоким результатом последовательно принимаемых профилактических мер.

Таким образом, принятие данного нормативно-правового акта стало очередным шагом по пути дальнейшего углубления демократических реформ и формирования сильного гражданского общества в стране, создав условия для совершенствования механизмов взаимодействия государственных структур и разных общественных институтов для обеспечения системности и упорядочения мер, предпринимаемых в области профилактики правонарушений. Также, закон обеспечивает формирование целостной нормативно-правовой базы в сфере профилактики правонарушений, что, в свою очередь, будет способствовать дальнейшему укреплению правопорядка в стране, созданию эффективной, многоуровневой системы профилактики правонарушений, обеспечивающей охрану общественного порядка, защиту прав и законных интересов граждан.

Вместе с тем, как известно, принимаемые субъектами профилактики предусмотренные законодательством меры не всегда приводят к желаемым результатам, вследствие чего до сих пор остаётся актуальным широкий круг проблем, связанный с предупреждением противоправного поведения ранее судимых лиц, злоупотребляющих алкоголем, наркозависимых, безработных и др.

Стоит отметить, что проблема борьбы с негативными социальными явлениями — проблема комплексная, т.к. прежде всего, негативные социальные явления связаны с различными социально-культурными факторами. К их числу, в

частности, относятся обычаи, навыки, привычные образы поведения, которые существуют в быту, в общественном сознании, воплощаясь в поведении, поступках людей. Кроме этого, они связаны и с факторами индивидуальной психологии, с определенными характеристиками психологических свойств, состоянием психики личности. Именно поэтому считается целесообразным подходить к изучению указанного комплекса вопросов путём широкого применения различных методов социологии, социальной психологии и психиатрии⁶.

Исходя из вышеизложенного, общие процессы социального развития Узбекистана, научно-техническая революция, рост культурного уровня граждан, увеличение интеллектуального потенциала общества настоятельно требуют повышения уровня квалификации сотрудников и эффективности профилактической деятельности.

Другими словами, особо важным условием повышения эффективности специального предупреждения преступлений является подготовка кадров и определения их места в организационной структуре субъектов профилактики. При этом, как известно, большинство специалистов в области профилактики преступлений должны в качестве базовой иметь не только юридическую подготовку, но и проходить соответствующую специализацию (разумеется, желательно, чтобы это была криминологическая подготовка). Однако, практика показывает, что для профилактической деятельности соответствующими работниками используется, главным образом, собственный опыт, что не всегда бывает достаточным для эффективного выполнения возложенных задач.

В связи с этим, на сегодняшний день особую актуальность приобретают вопросы дальнейшего совершенствования мер по профессиональной подготовке, переподготовке и повышению квалификации сотрудников правоохранительных и иных органов, задействованных в деятельности по профилактике правонарушений, а также ожесточение борьбы с коррупцией в их среде, развертывание работы по информированию населения о легальных формах и методах самозащиты от преступных посягательств, по сотрудничеству населения с правоохранительными структурами и органами государственной власти в данном направлении.

Также, необходимо отметить, что одним из основных факторов, воздействующих на профилактику правонарушений в обществе, является вопрос о том, в каком состоянии и на каком уровне находится правовая культура в обществе. При этом, в связи с принятием вышеупомянутого закона, совершенствование системы

профилактики правонарушений в нашей стране, в частности, установление эффективного взаимодействия с широкой общественностью в этой сфере, выходит на новый уровень.

Учитывая вышеизложенное, при обеспечении исполнения закона Республики Узбекистан "О профилактике правонарушений", государственным органам и заинтересованным ведомствам целесообразно обеспечить:

— разработку учебно-методических пособий и практических рекомендаций с целью недопущения неправильного истолкования норм данного законодательного акта со стороны субъектов профилактики правонарушений в ходе его реализации, а также донесения до общественности сущности и содержания закона;

— проведение постоянного мониторинга практики обеспечения исполнения закона и анализа его результатов, для оценки степени соответствия норм закона требованиям современного общества.

Кроме того, вышеуказанный закон, поднявший на новую ступень развития совершенствование системы профилактики правонарушений, ставит

перед сотрудниками ответственных структур и широкой общественностью ряд первоочередных задач. В частности, целесообразно усилить широкомасштабную агитационно-пропагандистскую работу по эффективному претворению в жизнь норм закона, путём увеличения количеств проводимых научно-практических конференций, семинаров, круглых столов, тренингов и встреч, посвящённых вопросам профилактики правонарушений и предупреждения преступности.

Таким образом, изложенные рекомендации в сфере профилактики правонарушений наравне с эффективным обеспечением и соблюдением отраслевого законодательства должны послужить дальнейшему совершенствованию предупреждения преступности в обществе. При этом, пути совершенствования деятельности в данном направлении должны быть предметом дальнейшего, более широкого научного обсуждения, которое явится предпосылкой реализации больших возможностей криминологической профилактики в деле выявления, искоренения и устранения всех причин, порождающих преступные проявления в целом.



¹ Каримов И.А. По пути созидания. Т.4. -Ташкент: Узбекистан, 1996. -С.149.

² Постановление КМ РУз от 15 марта 1999 года №113 //Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан: веб-сайт - <http://www.lex.uz>

³ Информация пресс-центра Министерства юстиции РУз //Веб-сайт - <http://www.minjust.uz>

⁴ Закон от 14 мая 2014 года №ЗРУ-371 //Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан: веб-сайт - <http://www.lex.uz>

⁵ Узбекистан в пятерке лидеров по обеспечению правопорядка и безопасности //Национальное информационное агентство Узбекистана: веб-сайт - <http://uza.uz>

⁶ Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений. Учебник. -Алматы: Нур-пресс, 2008. -С.253.

Исломбек РУСТАМБЕКОВ,
Тошкент давлат юридик университети
кафедра муdiri, юридик фанлар номзоди, доцент

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

✦ Мақолада электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишда бир қатор мамлакатлар тажрибаси таҳлили амалга оширилган бўлиб, мазкур соҳани ривожлантиришда хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини имплементация қилиш бўйича мулоҳазалар юритилган.

✦ В статье проведён анализ опыта правового регулирования электронной коммерции некоторых зарубежных стран, а также приведены рассуждения по имплементации положительного зарубежного опыта в развитии данной сферы.

✦ Analysis of experience of legal regulation of electronic commerce of some foreign countries is carried out in the article and also reasonings on implementation of positive foreign experience in development of this sphere are given by the author.

Таянч сўзлар: электрон тижорат, электрон савдо, интернет ҳуқуқ, интернет муносабатлар.

Ключовые слова: электронная коммерция, электронная торговля, интернет право, интернет отношения.

Key words: electronic commerce, electronic trading, Internet law, Internet relations.

Бугунги дунё ҳамжамиятининг замонавий ривожланиши бевосита ахборот коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тармоғи билан узвий боғлиқдир. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасига кириб келиши, хусусан, буларнинг таркибида тижорат соҳасидаги ўрни ортиши янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтирди ва Интернет тармоғининг аҳамиятини янада орттирди.

Мазкур жараёнлар ахборотлаштирилган жамиятни вужудга келтирганлигини, унда янги виртуал маконнинг пайдо бўлганлигини ҳамда бундай жамият ва макон глобаллашуви юзага келганлигини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кирар экан ва ўзининг жадал ривожланиш босқичида ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборотлаштирилган жамиятни қуриш, ахборот ва ахборотлаштириш хавфсизлигини таъминлаш, ахборотлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда.

Бугунги кунда Интернет муносабатлари вужудга келган бўлиб, уларнинг таркибида элек-

трон тижорат энг фаол ривожланаётган ва давлатлар иқтисодиёти ривожланишида муҳим ўрин эгаллаётган соҳага айланмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилнинг 17 январдаги йиғилишида "Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак", — деб кўрсатгани ҳамда бу кўрсатма асосида Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонуни 2015 йил 23 май куни қабул қилинганлиги мазкур соҳанинг аҳамиятлилигини ва уни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солини-

шини такомиллаштириш заруратини намоён қилади.

Электрон тижорат соҳаси бугунги кунда барча давлатларда ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида намоён бўлиб, бу борада халқаро ташкилотлар миллий қонунчиликни бирхиллаштиришга уринишларни амалга оширмоқдалар. Шу ўринда 1996 йил ЮНСИТРАЛ томонидан "Электрон тижорат тўғрисида"ги Намунавий қонун ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида кўплаб мамлакатлар миллий қонунлар қабул қилганларю Лекин шу билан бир қаторда, давлатларнинг миллий қонунларида мавжуд нормалар кўрсатиб ўтилган намунавий қонуннинг нормаларидан фарқланадиган жиҳатлари кўп учрайди.

Бундан ташқари, мазкур соҳага тааллуқли бўлган ва электрон тижорат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонун нормалари билан тўқнаш келадиган, ўттиздан зиёд халқаро шартномалар мавжуд¹. Уларда иштирок этувчи давлатлар учун мазкур шартномаларнинг ёзма шаклга тегишли қоидалари миллий қонунчилик кўрсатмаларига нисбатан устунликка эга бўлади. Шу маънода давлат ички ҳужжатларини 1996 йилги Намунавий қонун асосида ўзгартириш мавжуд ҳолатни кам ўзгартиради, зеро бунда тегишли халқаро мажбуриятларга дахл этилмайди.

Таъкидлаш жоизки, электрон тижорат соҳасида бир қатор мамлакатларнинг миллий қонунчилиги фаол ривожланмоқда. Улар Интернет соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи турли қонунларни қабул қилганлар. Бу борада Америка Қўшма Штатлари тажрибаси ижобий ҳисобланади. АҚШда Интернет соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича федерал қонунлар қабул қилинган.

Шуни қайд этиш лозимки, дастлабки электрон тижорат тизимлари ўтган асрнинг олтинчи йилларида айнан шу мамлакатда пайдо бўлган. Улар асосан транспорт компаниялари томонидан чипталарни буюртма қилиш, шунингдек рейсларни тайёрлаш пайтида турли хизматлар ўртасида маълумотлар айирбошлаш учун қўлланилган. Ҳозирги вақтда АҚШда кичик корхоналарнинг 64фоизи ўз интерфаол сайтини ишлаб чиқувчиси ҳисобланади ва аксарият компаниялар мазкур жараёнга қўшилишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, ушбу соҳа икки миллиондан зиёд америкаликларни иш ўринлари билан таъминлади. Янги иш ўринлари биринчи навбатда дастурчилар ва сервис-провайдерлар сингари иктисосликлар ҳисобига яратилмоқда.

Аммо бу давлатда электрон тижоратни ривожлантириш борасида муайян муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, АҚШ Федерал савдо комиссияси айрим штатларда қабул қилинган қонунлар электрон тижоратни ривожлантиришга салбий таъ-

сир кўрсатиши мумкинлигини қайд этди. Гап шундаки, АҚШ штатларининг аксариятида фақат классик компанияларни Интернетга уланишдан ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар белгиланган.

Бу ерда гап электрон бизнесни одатдаги компаниялар билан рақобатлашиш қобилиятидан маҳрум этадиган қонун ҳужжатлари ҳақида боради. Айрим штатларда, масалан, муайян товарларни Интернет орқали сотиш тақиқланган (хусусан, автомобиллар, кўчмас мулк ва ҳоказоларни). Бундан ташқари, қонунлар Интернет-компанияларга кредитлар бериш, дори-дармонларни сотиш, тиббий суғуртани расмийлаштириш, алкогольли ичимликлар билан савдо қилиш, ким ошди савдосини ташкил этишни тақиқлайди. Бундай ҳаракатлар натижасида истеъмолчилар ҳар йили миллиардлаб долларларни бой берадилар.

Буюк Британияда электрон тижорат АҚШ билан деярли бир вақтда вужудга келган. Аммо бу мамлакатда электрон тижоратнинг асосий қўлланиш соҳаси транспорт эмас, балки савдо бўлган. Бугунги кунда Буюк Британияда ўсиб бораётган ҳаёт стандартлари ва Интернет-хизматларнинг провайдерлари ўртасида кучли рақобат фойдаланувчилар сонининг жадал ўсишини таъминламоқда. Ҳозирги вақтда Интернет-банкларнинг хизматларидан инглизларнинг 10 фоиздан зиёди фойдаланмоқда. Мамлакатда компьютер тижорати рекламаси юксак даражада, мазкур муаммо билан боғлиқ турли сўровлар, экспресс-тадқиқотлар ўтказилади.

Ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва электрон тижоратни ривожлантиришда давлатнинг иштирокини Чехия, Польша, Венгрия, Сингапур, Болтиқбўйи мамлакатлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бу давлатларда бизнесни ахборот борасида қўллаб-қувватлаш — рақобатни кучайтиришга қаратилган иқтисодий сиёсатни такомиллаштиришнинг муҳим элементларидан бири. Жараённинг моҳияти миллий ахборот инфратузилмасининг мамлакат иқтисодиёти билан уйғун алоқасини таъминлашдан иборат.

Шу маънода Эстония тажрибаси айниқса диққатга сазовор: бу ерда очиқ ва либерал иқтисодий сиёсат ҳамда тегишли қонунчилик иқтисодиётнинг жадал ривожланишига ва чет эл инвестициялари миқдори кўпайишига олиб келди. Натижада Эстония аҳоли жон бошига нисбатан инвестициялар ҳажмига кўра Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари орасида (Венгрия ва Грециядан кейин) учинчи ўринни эгаллади. Эстониянинг БСТга аъзо бўлиши мамлакатга миллионлаб потенциал харидорлар мавжуд бўлган бозорга чиқишни таъминлади.

Ҳозирги вақтда Эстония Марказий ва Шарқий Европада Интернетдан фойдаланувчилар сонига кўра пешқадамлик қилаётир. Мамлакат ҳуку-

мати ўз сиёсати ва инновацион ташаббуслари билан компанияларга ахборот технологиялари тармоғини жадал ўсаётган тармоқлардан бирига айлантиришга ёрдам бермоқда. Умумий инфратузилмадан ташқари, ҳукумат қонунчилик базасини ривожлантиришни кафолатламоқда. Рақамли имзоларни легаллаштириш тўғрисидаги янги қонун бу мамлакатда бизнесни олиб бориш усулларини такомиллаштиришни давом эттиради.

Россияда Интернет тармоғининг жадал ривожланиши потенциал инвесторлар эътиборини ўзига тортмай қолмади. Уларга даромаддорлик ва ўз маблағларини қайтариш кафолатлари билан бир қаторда, ўз электрон бизнесини янада ривожлантириш учун шароитлар ҳам керак эди. Шу сабабли мазкур соҳада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳалари парламент муҳокамасига киритилди. Уларнинг орасида "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Россия Федерациясининг Интернет тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш борасидаги давлат сиёсати тўғрисида", "Электрон савдо тўғрисида", "Электрон молиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида", "Электрон битимлар тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари бор эди. Аммо мазкур қонун лойиҳаларининг аксарияти ҳанузгача қабул қилингани йўқ.

Ҳозирги вақтда Россияда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги норматив ҳужжатлар билан амалга оширилади: "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун, "Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун, Россия Федерацияси Президентининг "Шифрлаш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ахборотни шифрлаш соҳасида хизматлар кўрсатиш борасида қонунийликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Россия Федерацияси Ҳукуматининг "Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қарори, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг битимларни тузишда электрон рақамли имзодан фойдаланиш тартибига оид нормалари ва ҳоказолар. Россия Федерацияси Олий арбитраж судининг тушунтиришларига кўра, ҳужжатнинг юридик кучи электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда у иш бўйича далил сифатида эътироф этилиши, арбитраж суди томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Белорусиянинг Интернет соҳасидаги қонунчилиги асосини "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун ташкил этади. Ушбу Қонун билан ҳужжатлаштирилган ахборотни шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёнида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар, ахборот технологиялари, автоматлаштирилган ёки автоматик ахборот тизимлари ва тармоқларини яратиш масалалари

тартибга солинади. Қонунда маълумотлар, ҳужжатлаштирилган ахборот, ахборот ресурси, ахборот тармоғи, ахборот маҳсули, ахборот хизматлари сингари тушунчаларга таъриф берилган.

АҚШда мазкур муносабатлар соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш икки йўналишда ривожланади².

Биринчи йўналиш электрон ҳужжатлардан ишлатиш воситаси сифатида фойдаланиш ва уларга юридик куч бериш масалаларини тартибга солувчи қонунчилик нормаларини ривожлантиришни назарда тутди.

Штатларнинг намунавий қонунлар ишлаб чиқувчилар миллий уюшмаси ва Америка ҳуқуқ институти АҚШнинг Намунавий савдо кодекси (НСК)га киритиладиган тузатишлар мажмуини тайёрлайди. Тузатишлардан бирига мувофиқ кўрсатилган кодекснинг тегишли моддаларида электрон битимлардан фойдаланиш ва уларнинг мақомини қозғошда ифодаланган ҳужжатлар мақоми билан тенглаштириш мақсадида қуйидаги атамалар алмаштирилади: ҳужжатнинг "ёзма шакли" "ёзув"га ва "имзоланган" ҳужжат "идентификация қилинган" ҳужжатга. Намунавий савдо кодексига тузатишлар ҳали қабул қилинганича йўқ. Кодекснинг амалдаги таҳририга мувофиқ ҳужжатнинг "имзоси" деганда тараф ёзилганларни идентификация қилиш ниятида ифодаланган ёки қабул қилган ҳар қандай символ тушунилади. АҚШ суд амалиётига берилган шарҳларга кўра, имзо ҳужжатга имзо чекувчи шахснинг тўлиқ исм-шарифидан иборат бўлиши шарт эмас, бу ҳужжатнинг исталган жойида ифодаланган исм-шарифнинг бош ҳарфлари, ҳар қандай символ ёки идентификация рақами бўлиши мумкин. Аксарият ҳуқуқшунослар фикрига кўра, мавжуд атамаларни ўзгартиришнинг ҳолати йўқ.

Иккинчи йўналиш штатлар қонунчилиги даражасида ривожланади ва электрон рақамли имзога доир нормаларни қабул қилишни ўз ичига олади. Бу нормалар имзонинг уни ҳимоя қилиш ва ҳужжатни имзоланган деб эътироф этиш имконини берувчи атрибутларини белгилайди. Калифорния ҳукумат кодексининг лойиҳасида³ фуқаролар ва давлат органлари ўртасида тузилувчи шартномалар ҳақидаги бўлимда имзога қўйиладиган қуйидаги талаблар белгиланган:

1) имзо ундан фойдаланувчи шахс учун бетакрор бўлиши лозим;

2) имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун уни аслига солиштириш имконияти мавжуд бўлиши керак;

3) имзо чекиш фақат ундан фойдаланувчи шахснинг хоши-иродасига кўра амалга оширилиши даркор;

4) имзо ўзи мустаҳкамлаётган ахборот билан шундай усулда боғланиши лозимки, ахборотни

имзони бузмасдан ўзгартиришнинг иложи бўлмасин.

Айни шу қонун ҳужжати лойиҳасида шартномаларни ЭҲМ ёрдамида имзолаш усуллари ҳам кўрсатилган:

1) шартномани криптографик ҳимоя усулида имзолаш. Бунда имзодан фойдаланувчи шахс махсус дастурий-техника воситалари ёрдамида ҳужжатга фақат ўзига маълум бўлган рақамли кодни киритади;

2) биометрик усул. Бунда имзодан фойдаланувчи шахс уни ахборотни ўқийдиган, бироқ уни визуал акс эттирмайдиган махсус экранга график символ тарзида кўяди.

Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солинишида Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси ижобий ҳисобланиб, бунда Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш моделининг ўзига хос хусусиятларига: 1) электрон тижоратнинг

ҳар хил жиҳатларини тартибга солишга қаратилган директиваларнинг амалга оширилиши-ни баҳолашга қаратилган даврий таҳлилий маълумотномалар тайёрланиши; 2) электрон тижоратни амалга ошириш жараёнида электрон рақамли имзодан тармоқли фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги; 3) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўпроқ эътибор қаратилиши; 4) электрон тижоратни солиққа тортилишида ҚҚС кенг қўлланилишини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш, мазкур соҳани ривожлантириш муҳим аҳамиятли ҳисобланиб, бунда табиийки ижобий хорижий тажрибани ўрганиш ва уни миллий амалиётда қўллаш юқори аҳамиятли ҳисобланади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш ва ҳар тарафлама ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради.



¹ Бу ҳақида ЮНСИТРАЛ қотибияти томонидан тайёрлаган ҳужжатларга мурожаат қилиш мумкин (see: doc. UN - A/CN.9/WG.IV/WP.98. 17 July 2002, Кос. UN - A/CN.9/WG.IV/WP.98. Add.I-Add.4).

² Ревина С.Ю. Становление и тенденции развития электронной коммерции: на примере США: Дис. ...канд. эконом. наук. — М., 2004.

³ Матн куйидаги сайтдан олинган: www.magnet.state.ma.us.

Ширин ХАМДАМОВА,
главный методист кафедры
Академии Государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан

ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И ПРЕДПОСЫЛКИ РАЗВИТИЯ

- ✦ *Мақолада ҳуқуқий давлат тузиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш механизми сифатида номарказлаштиришни ривожлантириш масалалари ёритилган.*
- ✦ *Статья раскрывает сущность и предпосылки развития децентрализации, как механизма построения правового государства и формирования гражданского общества.*
- ✦ *This article gives the essence and precondition of the decentralization as the mechanism of the construction of the legal state and the formation of the civil society.*

Таянч сўзлар: номарказлаштириш, бошқарув, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш.

Ключовые слова: децентрализация, управление, местное самоуправление.

Key words: decentralization, government, local government.

Как известно, каждое государство на протяжении своего существования находится в процессе преобразований. Изучение всего этого процесса является предметом различных наук на сегодняшний день. Так вот, именно децентрализация является одним из ключевых вызовов, стоящих на пути устойчивого прогресса, направленного на обеспечение благосостояния граждан, создания адекватных структур управления, расширение возможностей человека, а также на рациональное использование окружающей среды и природных ресурсов.

В современной Европе история децентрализации уходит в средневековье. Формами местного самоуправления выступали церковные приходы, сельские и городские общины, а отраслевого управления — цеховые гильдии. К примеру, во Франции тенденции централизации и децентрализации в сфере государственного управления за последние 200 лет неоднократно сменяли друг друга и только в 1982 году началась последняя крупная реформа, в основу которой лег Закон "О правах и свободе коммун, департаментов и регионов".

В Японии, история которой всегда отлича-

лась желанием иметь сильную государственную власть, только в 1995 году, т.е. спустя 50 лет после окончания II мировой войны, был принят закон "О децентрализации", определивший срок ее осуществления в течение пяти лет.

Наоборот, в Германии, а еще больше — в Швейцарии децентрализация никогда не осуществлялась "сверху-вниз", а создавалась снизу посредством добровольной передачи местными общинами наверх, центральному правительству, только тех функций, которые не в состоянии были выполнить органы местного самоуправления¹.

К началу XXI века большинство экономически развитых стран мира прошло длительный послевоенный период экономической и социальной стабильности, который был обеспечен не только рыночной системой хозяйствования, но и укреплением государственности. Рост экономического потенциала этих стран, диалектика развития общественных и экономических отношений обусловили чрезмерное усложнение хозяйственных связей. Им, как правило, характерна многоуровневая и многофункциональная система общественных отношений, высокий уро-

вень жизни населения. Поэтому возрождение идеи "децентрализации" является логическим следствием современного этапа общеисторического процесса развития государственности в этих странах. Местное же управление, в свою очередь, приобретает в это время новые черты, с чем связан растущий к нему интерес.

Современное значение местного управления ученый Дж. Чандлер определяет двумя важными моментами:

1) способностью местных властей координировать многие отдельные функции и выбирать стратегию развития и благополучия сообщества в целом;

2) тем, что местные власти являются единственными агентами, представляющими интересы местных сообществ на национальном уровне². Следовательно, децентрализация государственного управления является необходимой предпосылкой для дальнейшей либерализации всех сфер жизни общества.

При выборе модели децентрализации в Узбекистане приходилось принимать во внимание такие специфические факторы, как:

— сложившиеся национальные традиции и обычаи, предпочитающие коллективизм индивидуализму;

— особое уважение к государству, признание за особо важной роли не только в политической, но и в экономической жизни общества;

— возникшую в советский период психологию иждивенчества, проявляющуюся в ожиданиях от государства гарантированного социального равенства и доступа к социальным благам вне зависимости от усилий самого гражданина;

— унаследованную от тоталитарной системы психологию плановой экономики, которая лишена духа предпринимательства и частной собственности, и минимальный опыт активного политического участия³.

Начиная с 1991 года было предпринято несколько масштабных реформ по поэтапной децентрализации исполнительной власти. Децентрализация в Узбекистане, также, не обошла стороной и сферу оказания государственных услуг. Многие централизованные государственные предприятия и организации были реорганизованы и переданы в ведение областных, городских и районных хокимиятов, либо вновь созданы в форме негосударственных коммерческих компаний. Примером являются предприятия сферы коммунального обслуживания, транспорта, телекоммуникаций, в том числе, и те, которые сейчас являются естественными монополиями.

Кроме этого, появились различные формы са-

моуправления, такие как сходы граждан⁴ и товарищества частных собственников жилья⁵, которым была делегирована часть государственных функций по социальной защите уязвимых слоев населения и управлению коммунальной инфраструктурой и ремонту жилых домов. Такие общественные объединения, как Комитет женщин Узбекистана⁶, молодежное движение Камолот⁷, Торгово-промышленная палата⁸, Экологическое движение Узбекистана⁹ и другие ННО республиканского значения, созданные по инициативе и поддержке главы государства, также приняли в свою компетенцию выполнение определенных государственных функций в различных сферах общественной жизни.

Как отмечает один из французских ученых Ж. Боннал, в самом широком понимании, децентрализация — это передача центральным правительством части полномочий региональным или местным органам¹⁰.

Сотрудники Международного института демократии и содействия выборам "IKEA" в докладе "На пути к освобождению демократии: передача властных полномочий" трактуют понятие "децентрализация" следующим образом:

"Децентрализация — передача полномочий местным органам власти с целью инициации, финансирования и осуществления программ, предназначенных для развития регионов, основанную на том принципе, что решения должны приниматься при широком общественном участии как можно чаще и на уровне власти, максимально близком к общественности"¹¹.

По моему мнению, децентрализацию можно определить как комплексную категорию, качественная определенность которой опосредуется национальными особенностями формы государственного устройства и правовой традицией, что является по сути присущим каждому государству.

В свою очередь, под формой государственного устройства понимаются его территориальное устройство (административно-территориальное и национально-территориальное) и характер взаимоотношений между его составными частями и центральной властью¹².

По мнению исследователя Миннихметова А. Ф. "Децентрализация — это осуществляемый с целью демократизации государственного управления перенос баланса государственной власти на региональный уровень, который происходит путем рассредоточения, наделения и передачи определенных государственных полномочий и ресурсов от органов государственной власти и управления органам местного управления"¹³.

Также, немаловажно, при изучении понятия

децентрализации раскрыть понятие децентрализованного управления: "Это процесс, при котором управление обуславливается степенью предоставления полномочий или прав принятия самостоятельных решений управляющими структурами. При этом, делегирование полномочий является составной частью децентрализации".

Согласно общепринятой теории учений о децентрализации, децентрализацию государственного управления целесообразно трактовать в широком, узком и традиционном смыслах:

— широким смыслом охватываются всякие конституционные формы рассредоточения государственной власти. Этот подход сближает децентрализацию с системой разделения властей в части проявления их и по "горизонтали", и по "вертикали".

— в узком понимании децентрализация государственного управления — это такой конституционный способ рассредоточения власти, при котором в установленном порядке осуществляется целесообразное переведение властных полномочий с общегосударственного на иной, сложившийся в конкретной стране уровень власти.

— в традиционном смысле децентрализация государственного управления предстает как конституционный способ ее рассредоточения, который выражается в нисходящем перемещении полномочий между органами, представляющими исполнительную функциональную ветвь государственной власти, и в осуществлении контроля в пределах переданных полномочий.

Очень важно, что постепенная децентрализации власти от центра на места, повышение и конституционное закрепление проведения общественного контроля со стороны граждан, предусмотренная статьей 32¹⁴ Конституции РУ, позволит гражданам непосредственно и через своих представителей участвовать в управлении делами общества и государства¹⁵.

Следовательно, можно сделать вывод о том, что децентрализация способствует расширению демократии и участия населения в жизни общества. Одним из координаторов данного направления, несомненно, является вовлечение органов местного самоуправления, неправительственных организаций и других институтов гражданского общества.



¹ См. национальный доклад о человеческом развитии, 2005.

² Chandler J.A. Local government today. -Manchester: Manchester University Press, 2001.

³ См. национальный доклад о человеческом развитии, 2005.

⁴ См. Закон Республики Узбекистан "Об органах самоуправления граждан" от 22.04.2003 г. № ЗРУ-350-I.

⁵ См. Закон Республики Узбекистан "О товариществах частных собственников жилья" от 12.04.2006 г. № ЗРУ-32.

⁶ <http://www.wcu.uz/>

⁷ <http://www.kamolot.uz/uz/>

⁸ <http://www.chamber.uz/>

⁹ <http://eco.uz/>

¹⁰ Bonnal, J.A History of Kecentralization / J. Bonnal.

¹¹ Towards Liberating Kemocracy: Kevolution of Power Matters. Report of the Regional Workshop, Bangkok, 16-17 January 2007. Stockholm: International IKEA, 2007.

¹² А.С.Пиголкин. Учебник "Общая теория права". М.: МГТУ им. Н.Э.Баумана, 1996. с.76

¹³ А.Ф.Миннихметов. "Децентрализация государственной власти в федеративном государстве :теоретико-правовое исследование", 2007.

¹⁴ Конституция Республики Узбекистан. -Ташкент: Узбекистан, 2014. Изменение внесённое от 16 апреля 2014 г.

¹⁵ С.Артыхова. Четырнадцатое пленарное заседание Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Интервью - "Изменения и дополнения, внесенные в Конституцию РУз", 2014.

ЯНГИ КИТОБЛАР




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов ва Бухоро вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари О.А.Эшбаковлар томонидан "Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати" номли илмий-амалий қўлланма тайёрланди (тақризчилар: Бош прокуратуранинг бошқарма бошлиғи ўринбосари У.А.Ахунوف, ОЎК катта ўқитувчиси, ю.ф.д. Ф.Х.Рахимов. — Тошкент: 2015. 138 б.).

Мазкур қўлланмада қишлоқ хўжалигига оид давлат сиёсати ва бу соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, қишлоқ хўжалиги соҳасини давлат томонидан тартибга солиниши, давлат бошқаруви тизими ва вазифалар, прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунлар ижроси устидан назоратининг мақсади ва вазифалари, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунлар ижроси устидан назоратни олиб бориш йўналишлари ва услублари, ва қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунлар ижроси устидан назорат текширувларини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар таҳлил қилинган ва қонун бузилиши ҳолатларига

нисбатан қўлланиладиган прокурор назорати ҳужжатларининг намуналари тавсия этилган.

Қўлланма прокуратура органлари ходимлари, судьялар, суриштирувчилар, терговчилар, адвокатлар, илмий изланишлар олиб боровчи юридик олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, изланувчилари ва талабалари фойдаланишлари учун мўлжалланган.




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси М.Х.Ҳакимов томонидан "Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам доирасида Минск конвенциясини қўллашда прокурор назорати" номли амалий қўлланма тайёрланди (тақризчилар: Бош прокуратуранинг бўлим катта прокурори А.Ю.Содиқов, ТДЮУ кафедра мудири, ю.ф.д. О.М.Маҳкамов. — Тошкент: 2015. 128 б.).

Қўлланма жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамга доир миллий қонунчилик, ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган Минск конвенцияси талаблари ва бу соҳада прокурор назоратини амалга оширишни таъминлашга қаратилган тавсиялар таҳлиliga бағишланган.

Қўлланмада прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби тўғрисидаги асосий қоидалар, процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисида сўров юбориш, мазкур сўровнинг мазмуни ва шакли, жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикасида ижро этишга оид жиноят процессуал нормалари таҳлил қилинган.

Шунингдек, Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Минск конвенциясининг рус тилидаги матни ҳамда жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдамга доир процессуал ҳужжат намуналари келтирилган.

Амалий қўлланма прокурор-тергов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг масъул ходимлари учун мўлжалланган.




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди В.Г.Каримов томонидан "Тезкор-қидирув фаолияти асослари" номли ўқув қўлланма тайёрланди (тақризчилар: ОЎК катта ўқитувчиси, ю.ф.д. Ф.Х.Рахимов, ИИБ Академияси кафедра бошлиғи, ю.ф.н., доцент Б.Э.Зокиров. — Тошкент: LESSkN PRESS, 2015. 176 б.).

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида тайёрланган бўлиб, унда тезкор-қидирув фаолиятининг тушунчаси, моҳияти, мақсад ва вазифалари, принциплари ва ҳуқуқий асослари, тезкор-қидирув фаолияти субъектлари, тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи органлар ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тезкор-қидирув тадбирлари тушунчаси ва турлари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари ва шартлари, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш, тезкор-қидирув фаолиятининг амалга оширилиши устидан идора-

вий ва прокурор назоратини ташкил этиш каби масалалар ёритилган.

Қўлланмада тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ адабиётлар ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш жараёнида юритиладиган процессуал ҳужжатлар намуналари берилган бўлиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари, прокурорлар, судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, қўлланманинг илова қисмида мавзулар бўйича назорат саволлари, тестлар ва уларни баҳолаш мезонлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар ва қонуности ҳужжатлардан кўчирмалар ва намуналар берилган бўлиб, улар тезкор-қидирув фаолиятининг асосий жиҳатларини ўзлаштириб олишга хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси М.А.Салиев ва Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.У.Ахунов томонидан "Ерга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати" номли ўқув-амалий қўлланма тайёрланди (тақризчилар: Бош прокуратуранинг бошқарма бошлиғи С.Р.Каримов, ОЎК катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов. — Тошкент: 2015. 46 б.).

Мазкур ўқув-амалий қўлланмада прокуратура органлари ходимлари учун ерга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва мазкур соҳадаги текширишларни ўтказиш ҳамда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар ёритилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, прокурорлар, адвокатлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва изланувчилар учун мўлжалланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим. мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке
- статьи нужно направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz

